

**Сандумар Сайдалиев**

**УСТОЗЛАРИМ,  
САФДОШЛАРИМ**

**Наманган**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

# **УСТОЗЛАРИМ, САФДОШЛАРИМ**

Наманган - 2017

## НамДУнинг 75 йиллигига бағишланади

Китобда муаллифнинг ўзи ишлаб турган олий даргоҳнинг бир қатор устозлари ва сафдошлари ҳақида ҳикоя қилинади, уларнинг ҳаётга, жамоага, илмий-педагогик фаолиятга ва кишиларга бўлган муносабатлари баён қилинади. Ушбу маълумотлар бу инсонларни билган кишилар учун, айниқса ёш авлод учун қимматли манба бўлиб хизмат қилади. Ҳикоялар билан танишган ўқувчининг диққат марказида муаллифнинг тимсоли туради.

В книге С. Сайдалиева в свободной манере рассказывается о видных наставниках НамГУ, с кем автор долгие годы работал и работает; раскрывается их отношение к жизни, коллегам, ученикам, к обществу, к работе. Думается, что эти сведения окажутся интересными, ценными как для людей, которые их знают, так и для будущего поколения. Немаловажно и то, что, какую бы часть книги Вы не читали, в центре Вашего внимания оказывается образ самого повествователя.

It is told about mentors and colleagues of high educational institution which works author in this book. Present their relationship, to the life, to the team, to the job and to the people. The information is valuable for people who know it and serve in useful way, especially for the future generation. A learner who introduces with this history imagines the life style of author.

Масъул муҳаррир:

доц. Қодиржон Носиров

Тақризчилар:

доц. Ўқтамали Нурматов  
доц. Зоҳиджон Содиқов

Дизайнер-саҳифаловчи:

Ҳ. Насимов

Наманган давлат университетининг 2017 йил "\_\_\_\_"  
\_\_\_\_ даги \_\_\_\_-сонли баёнига асосан нашр қилишга  
тавсия этилган.



## “УСТОЗЛАРИМ, САФДОШЛАРИМ” ҲАҚИДА БИР ОҒИЗ СЎЗ

*Китобим мазмуни - мен ўзим.*

*Де Монтень*

Ассалому алайкум, ҳурматли китобхон!

Ушбу китобни ўқиш учун қўлга олиб, Сиз янглишмадингиз – бундан Сиз, шубҳасиз, фойда оласиз.

Китоб муаллифи, педагогика фанлари номзоди, доцент Саидумар хожи Сайдалиев, илм-фан йўлида тинимсиз меҳнат билан бош пиширган, ҳавас қиларли ютуқларга эришган олим-педагог, ўзи ишлаб турган олий даргоҳнинг бир қатор устозлари (ўтганларининг охиратини Оллоҳ обод этсин) ҳақида ҳикоя қилади. Муаллифнинг ҳолис қалами туфайли китобхон кўз ўнгида университетимизнинг бир қатор дарғалари М.Маматов, Н.Бобоҳўжаев, А.Аъзамов, Т.Файзуллаев, А.Раҳимов, Н.Раҳимов ва яна бир қатор олимлар А.Мунавваров, Ў.Нурматов, Н.Эрматов, М.Собирова каби ўз касбининг усталари, муҳими эса ажойиб инсонларнинг илиқ сиймолари бадиий тарзда гавдалантирилган.

Эътироф этиш керак, мен учун ҳам яхши таниш бўлган бу кишилар С.Сайдалиев томонидан чизилган портретларида янги жиҳатлари билан намоён бўлишди. Ёшлар учун эса бу тимсоллар ҳақиқий маҳорат, ҳаёт мактабидир; шунинг учун ҳам С.Сайдалиев уларни китоб этди. Ёқимли, равон тилда ифодаланган баён айтилган пайтда, педагогика, тилшунослигу адабиётшунослик тушунчалари билан суғорилганлиги боис етарли даражада илмийлик касб этган.

Айтиб ўтиш лозим, С.Сайдалиевнинг китобида бир-иккита НамДУга бевосита алоқадор бўлмаган кишилар тўғрисида ҳам хотиралар бор, чунончи А.Дорошкевич ва Ғайбулла ас-Саломлар ҳақида. Менимча, бу таниқли олимлар портрети китобдан, албатта, ўрин олиши керак эди, чунки, биринчидан, уларнинг НамДУ олдидаги хизматлари беқиёс, илмий раҳбар сифатида бир нечтадан кадрлар тайёрлаб беришган, иккинчидан, бу кишилар С.Сайдалиев учун буюк илм-фан ва ҳаёт мактаби эканлиги равшан кўриниб турибди. Муаллифнинг ҳаёт ва илм

йўлида, уни ҳам инсон, ҳам олим-педагог сифатида шаклланишида бу устозларнинг роли, шубҳасиз, беқиёсдир.

Бу хусусда яна шуни қўшимча қилиш мумкин-ки, “Устозларим, сафдошларим”да ким тўғрисида ҳикоя қилинмасин ўқувчининг диққат марказида муаллифнинг тимсоли туради: у ешлигидан илмга чанқоқ, бу йўлда ҳар қанча меҳнатга тайёр, йўлида учраган ҳар қандай вазият, ҳар қандай шароитдан ўзи учун бирон бир сабоқ олишга интилувчи шахс; у ҳеч нарсага бепарво, бефарқ эмас. Шу жиҳати билан С.Сайдалиевнинг битиклари адабиётда анъана бўлган эсдаликлар (мемуар) жанрига яқин.

Уйлайманки, Саидумар Сайдалиевичнинг эсдаликлари ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

**Масъул муҳаррир  
доцент Қодиржон Носиров.**

## МУҚАДДИМА

Ҳар қандай матн унинг муаллифи, муаллифнинг мақсади, дунёқараши, билим доираси, воқеликка муносабати, қизиқиши, манфаатлари, воқеликнинг содир бўлган вақти, жойи, ижтимоий тузум ва бошқалар ҳақида маълумот беради, шу жиҳатдан у тарихийлик касб этади.

Мени ушбу китобчани тайёрлашга чорлаган сабаблардан бири, устоз Озод Шарофиддиновнинг "Домлалар" номли асари бўлди. Унда Домланинг узоқ йиллардан бери устозлари, ҳамкасабалари, дўстлари ҳақида тўплаб юрган эсдаликлари, хотиралари баён қилинган. Улар билан танишиш ўша давр кишилари, уларнинг ҳарактер хусусиятлари, кишиларга ва ишга бўлган муносабатлари, босиб ўтган йўллари, ютуқ ва камчиликлари, бошдан кечирган қийинчиликлари билан батафсил хабардор бўлиш ва даврнинг одамларга келтирган қувонч ва ташвишларидан воқиф бўлиш имконини беради. Шу маънода бундай хотиралар келажак авлод учун жуда фойдали деб ҳисоблаш мумкин.

Иккинчи сабаб, адабиётшунос олим Тўлқин Йўлдошевнинг "Озод домла" (2009) номли рисоласида баён қилган фикрларидир. Муаллифни хотира ёзишга ундаган нарса асосан учта.

**Биринчиси** – машҳур қорақалпоқ ёзувчиси Тўлепберген Қайипбергенов телекўрсатув орқали бир чиқишида: "Менинг кундаликларим ва хотираларим ёзган китобларимдан кўп бўлиб, 25 жилдни ташкил қилади. Мен уларни жуда қадрлайман, улар яна 50-60 йилдан кейин жуда қимматли, бебаҳо маълумот бўлиб қолишига шубҳам йўқ", - деган эди.

Иккинчи туртки шуки, машҳур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов "Ёшлигим" номли қиссасида босиб ўтган ҳаёт йўлини соғинч билан қумсаб, ёзилиб қолган нарсагина тарихда қолади, ёзилмаганлари эса ҳар қанча қимматли бўлмасин ўзимиз билан йўқликка кетади, ундан ҳеч кимга фойда бўлмайди, шунинг учун бошдан кечирганларни (агар улар муҳим нарсалар бўлса) ёзиб қолдириш кераклигини таъкидлайди.

Учинчи сабаб, машхур ёзувчи Эрнест Хемингуэйни шахсан таниган замондошларидан ун киши у ҳақда эсдаликлар ёзган экан. Қизиғи шундаки, кейинчалик тирик Хемингуэйни кўрмаганлар эса юқоридагилардан кўпроқ эсдалик ёзибди.

Ҳурматли Озод Шарофиддинов ҳаётининг охирларида яратган "Ижодни англаш бахти", "Довондаги ўйлар" китобларида хотиралар ёзишга алоҳида урғу берган. Оғир ҳасталик билан мардона олишиб юриб, замондош устоз ижодкорлар Ғофур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаххор, Ғайратий ҳамда ўзига деярли тенгқур замондош ёзувчи ва олимлар, зиёлилар ҳақида бир-биридан гўзал хотиралар ёзган. Китобхон уларни ҳам устознинг бошқа илмий-танқидий асарлари каби қизиқиб, завқ-шавқ билан ўқийди.

Ҳаётда ҳар бир кишининг устозлари ва шогирдлари бўлади. Шогирднинг устозга бўлган муносабати ўз навбатида шогирдларининг унга бўлган муносабатларини белгилайди. Шунинг учун ҳам устоз ва шогирд муносабати нозик, муқаддас ва ибратли ҳисобланади. Бу масалага, айниқса, Шарқда катта эътибор билан қаралади.

Шарқона тарбиянинг таъсирини намойиш этиш ниятида қўлингиздаги тўпламни тайёрлашга қарор қилинди. Бундан истак шуки:

- илм йўли игна билан қудуқ қазиш каби мураккаб жараён эканлигини замондошларимиз мисолида кўрсатиш,
- устоз ва шогирд муносабатларининг нозиклиги, муқаддаслиги ва ибратлилигини таъкидлаш,
- самимийлик, беғаразлик, ҳалоллик, эзгулик асосига қурилган устоз ва шогирд муносабатлари йиллар ўтиши билан янада қадри ошиб бораверишини намойиш этиш,
- устоз ва шогирд муносабатида биринчи ўринда одамийлик қадрланишини кўрсатиш,
- меҳр кўриш учун аввал меҳр кўрсатиш кераклигини таъкидлаш,
- устозни қадрлаш, ҳурматини жойига қўйиш ва шогирд муваффақиятидан қувона билиш шарқона удум эканлигини яна бир бор эслаш ва эслатиш,
- ешларга, талабаларга, фарзандларга ўрнак бўлиш

ниятини изҳор қилиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб мен ҳам устозларим, сафдошларим, юрагимга яқин кишилар ҳақида хотираларим, эсдаликларим, табрик ва қутловларимни жамлаб қўйишни ният қилдим. Бу улар ҳақида, уларнинг ҳаётга, жамоага, ишга ва кишиларга бўлган муносабатларини очиб беради. Ушбу маълумотлар бу инсонларни билган кишилар учун, айниқса келажак авлод учун қимматли манба бўлиб хизмат қилади, деб умид қиламан.

Ҳаёт-мураббий, дейдилар. Кимки олмас экан ҳаётдан таълим, унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим.

**Саидумар Сайдалиев**



## ЎҚИНГ, УРГАНИНГ, КАМ БЎЛМАЙСИЗ

*Устоз отангдек улуг (мақол)  
Юксалишни истасанг ўзгаларни кўтар...  
Ғайбулла ас-Салом*

1975 йилнинг июл-август ойларида Наманган Давлат университетининг Физика ва Чет тиллар факультети талаба йигитлари Мингбулоқ туманининг Аччиққул чўллари бағрида бунёд этилаётган канал қурилишига ишга юборилди. Ўша пайтларда олий ўқув юртларида «Талабалар қурилиш отрядлари» ташкил қилинар, отрядга аъзо бўлган талабалар ёзги дам олиш таътилларини республикамизнинг турли қурилиш иншоатларида ўтказар эдилар.

Икки факультетнинг 200 нафарга яқин талабалари чекига чўлу биёбонда қурилаётган канал четини бетон билан қоплаш иши тушди. Физика факультети талабалари отрядига доцент Раҳимов Абдулла Раҳимович, чет тиллар гуруҳига мен раҳбарлик қилдим. Раҳимов домла билан шу фаолиятим давомида танишдим.

У киши ўрта бўйли, истараси иссиқ, кам гап, ҳар бир жумласини чертиб гапирадиган, мулойим, мулоҳазали, оғир-вазмин, бой ҳаёт тажрибасига эга, шарт-шароитни яхши тушунадиган, гапни букмай, дангалини юзингга айтадиган, билимдон инсон сифатида менда ҳурмат ва меҳр уйғотди. Мен Домланинг кўп суҳбатларидан баҳраманд бўлдим, талабалар билан ишлаш, гаплашиш тажрибаларини ўргандим.

- Сиз энди иш бошлабсиз, олий ўқув юртида ишлаган киши, албатта, илм билан шуғулланиши лозим. Шунинг учун вақтни бекорга ўтказмасдан ўқинг, ўрганинг, шунда кам бўлмайсиз. Буни мен ҳам устозлардан эшитганман - дедилар.

## БОШҚАЛАРГА ҲАВАС ҚИЛИНГ

Биз икки ой мобайнида талабалар отрядига раҳбарлик қилдик. Мен ҳам ёш муаллим сифатида қўлимдан келганича астойдил ишладим. Фаолиятимиз давомида Домла билан яқиндан танишдим. Университетдаги тажрибали, билимдон домлалар ва уларнинг илмий фаолиятлари, ҳарактерлари борасида кўплаб ибратли ҳикояларни тингладим. Бундан ташқари Домла ўзлари қандай қилиб илмий ишга мавзу танлаганлари, тадқиқот ишини бошлаганлари, мақола ёзганлари, китоб устида ишлаганлари, илмий раҳбар топганлари, илмий раҳбар билан муносабат ва илмнинг бошқа сирлари ҳақида гапириб бердилар. Мен у кишининг суҳбатларини бажону дил тинглар, ҳавасим келар, илмий иш қилсам, мақола, китоб ёзсам, фан номзоди бўлсам деб ҳаёлан орзу қилардим.

Домла менга: “Илмли кишиларга эргашдим, номзодлик диссертациясини ёқладим, доцент бўлдим, бой-бадавлат кишиларга ҳавасим келди, ёмон яшамаяпман, машинаси бор кишиларни ҳавас қилдим, енгил машинага ҳам эга бўлдим. Ҳаракат қилаверсангиз, албатта, истаган мақсадингизга эришасиз. Фақат олға интилиш керак. Сиз ҳеч кимга ҳасад кўзи билан қараманг, доимо ҳавас қилинг”. - деб маслаҳат бердилар.

Менинг илмий иш қилишга истагим кучайди.

## БИРИНЧИ МАҚОЛА

Қурилишдан қайтгандан сўнг Раҳимов домла билан тез-тез учрашиб, айрим масалаларда маслаҳат сўрайдиган бўлиб қолдим. У киши мени жамоанинг обрўли домлаларига таништирар, айрим тадбирларга бирга олиб борар, зарур бўлганда йўл-йўриқ кўрсатар, танбеҳ берар эдилар.

Бир куни: □Бирор нарса ёзиб келинг, масалан, талабалар билан педагогик амалиётни қандай ташкил қилганингиз ҳақида бўлиши ҳам мумкин”, - деб қолдилар.

Одатда мақола, китоб, диссертацияларни ўқиганда кишида бир ажойиб ҳиссиёт туғён уради. Гўё ёзилганларнинг ҳаммасини яхши биладигандек, ўзинг ундан

ҳам ошириб, қойиллатиб еза оладигандек туюлади. Лекин қўлингга қалам олиб езишга киришар экансан, на фикр келади, на қалам юради. Келган фикрлар ҳам бемаънидек туюлади. Бир чизиқ ҳам чизолмай уйланиб ўтираверасан. Менимча бундай ҳолат ҳар бир илмий тадқиқотчи учун таниш бўлса керак.

Мен узоқ мулоҳазалардан сўнг ўзимча иккита мақола ёзиб бордим. Уларнинг бири талабалар педагогик амалиётлари ва иккинчиси факультетда ўтказилган савол-жавоб кечаси ҳақида эди. Домлага курсатдим.

- Савол-жавоб кечаси ҳақида ёзилган материалнинг астойдил қайта ишланг. Уни бирор журналда чоп этса бўлади, - деган фикрни айтдилар.

Кейинчалик ўша материал анча-мунча чиғириқлардан ўтиб Москвада «Вестник высшей школы» (1978-3) журналида чоп этилди.

## МОСКВА. БИРИНЧИ УЧРАШУВ

Раҳимов домланинг маслаҳатлари билан 1976 йилнинг май ойида илмий раҳбар ва тадқиқот мавзусини топиш учун Гафийат ака Тубаев билан Москва шаҳрига бордим.

Бир неча илмий текшириш институтларига, олий ўқув юртларига, илмий кутубхоналарга бордим. Намангандан бериб юборилган мева-чеваларни топшириб қўйиш учун Россия педагогика фанлари академиясига қарашли Олий таълим муаммолари институтига ҳам бордим. Ўша ерда Раҳимов домланинг илмий раҳбари Александр Михайлович Дарошкевич билан биринчи марта учрашдим. Мени баланд бўйли, сийрак сочли, қиррабурун, юзи чўзинчоқ, кенг пешонали зиёли кутиб олди.

- Сизга шогирдингиз салом йўллади, - деб айтишим биланоқ, менинг қайси соҳа билан шуғулланишимни сўрадилар. Сўнгра мен қандай соҳада илмий иш қилишим мумкинлиги ҳақида сўз юрита кетдилар.

Александр Михайлович менга Ленин номидаги, Ушинский номидаги ҳамда чет эл адабиётлари кутубхоналарига бориб китоблар билан танишишим кераклиги ҳақида маслаҳат бердилар. Бирор Олий ўқув

юртига келиб, илмий стажировка ва аспирантурада ўқишим зарурлигини айтдилар. Биринчи учрашувдаёқ Домланинг меҳрибон, билимдон, катта ҳаёт тажрибасига эга, ўзгалардан ёрдамини аямайдиган инсон эканлигини билиб олиш қийин эмас эди. Эндиги масала шу инсонга ёқиб қолиш эди. Абдулла аканинг “Москваликларни билим билан қойил қолдириб бўлмайди. Уларнинг эътиборини фақат тиришқоқлик ва меҳнаткашлик билан қозонишинг мумкин”, - деган гаплари ёдимга тушди.

## СТАЖИРОВКА

1976 йилнинг сентябр ойидан Москва Давлат Лингвистика университетичинг Чет тилларни ўқитиш методикаси кафедрасида илмий стажировкани бошладим. Кафедра мудири доцент Надежда Ивановна Гез менга илмий раҳбар этиб Ирина Александровна Жучковани тайинлади.

Надежда Ивановна биринчи қабулида менга:

- Сен қизлардан ўрнат ол, масалан, тошкентлик Карима Набиева уч йил ичида диссертациясини ёзиб тугатди. Вақтинги бекорга ўтказма. Қандай ёрдам керак бўлса Ирина Александровнага мурожаат қил, - деб тайинлади.

Мен вақтни бекорга ўтказмаслик учун кўпроқ кутубхоналарда, ўқув залларида ишлай бошладим Г.В.Колшанский, М.К.Бородулина, О.И.Маскальская, Э.Г.Ризель, Е.И.Шендельс, Ю.В.Рождественский, Б.А.Ольховиков, А.Я.Шайкевич, Н.Д.Климов, Е.В.Гулыга, В.И.Варина, Р.М.Венцович, В.А.Артемов, Н.И.Жинкин, И.А.Зимняя, З.И.Клычникова, А.А.Леонтьев, И.В.Рахманов, З.М.Цветкова, С.К.Фоломкина, Б.А.Лapidус, Н.И.Гез, И.А.Жучкова, Н.Б.Соколова, Э.Я.Мелкумян, А.С.Лурье, И.П.Павлова, Е.С.Кувшинова ва бошқа олимларнинг маъруза ва семинарларида иштирок этдим. Тилшунослик, психология ва методика соҳасида шунчалик гап кўп эканлигини ва мен қанчалик бу соҳадан беҳабар эканлигини кундан кунга аниқроқ, яққолроқ, чуқурроқ англаб бораётган эдим. Илм деб аталувчи тилсим нима эканлигини аста-

секин тушуна бошладим.

## ДАЧА

Александр Михайлович Дорошкевичнинг оиласи унчалик катта бўлмай: онаси, Ольга Александровна, рафиқаси, Галина Ивановна, қизи, Ольга Александровнадан иборат эди. Галина Ивановнанинг отаси Войдило Иван Иванович украин миллатига мансуб бўлиб, қаҳрамон бўлган экан. У 1941-45 йиллардаги уруш даврида ҳарбий учувчи бўлган. Барча «қаҳрамон» унвонига эга бўлган ҳарбийларга Москва шаҳри яқинидаги (120 км) Полушкино посёлкасидан ер участкалари – дала ҳовли берилган экан. Галина опанинг отасига берилган 7000 квм (100м x 70м) ер майдони ўрмон четига жойлашган бўлиб, Москва-Бородино Ғарбий темир йўл йўналиши яқинига жойлашган. Дачага электропоезд билан бир соатда борилади. Дача деб аталадиган ер майдонининг атрофи ёғоч панжара билан ўралган. Уртада 4 хонадан иборат икки қаватли ёғоч уй бор, ости ертўла.

Қўшнилари ҳам машҳур учувчилар бўлган. Бир томонда Меркулов дачаси, иккинчи томонда машҳур қаҳрамон учувчи Валерий Чкаловнинг дачаси жойлашган. Ер майдонининг этак томонида беш хонадан иборат «сарай» деб номланувчи иморат. Иккала уй ҳам ёғочдан, миҳ ишлатилмасдан қурилган. Бундай уйларни рус халқ эртақларида ўқиганман. Экин майдонида 70 туп олма дарахти ўсади. Уларнинг меваси кўплигидан увол бўлиб, тагида қолиб кетади. Ҳовлига картошка, сабзи, пиез ва гуллар экилади. Хуллас бу боққа қарайдиган, уни парвариш қиладиган куч керак.

Ўзим қишлоқда ўсганлигим учунми, биринчи борган кунимок дача, унинг ҳавоси, табиати, манзараси менга жуда ёқиб қолди. Ҳафта давомида кутубхоналарда диққинафас бўлиб ишлашдан чарчаган мияларим дачага келиб анча дам олди, меҳнатни соғиниб қолган эканман ўзимга турли машғулотларни топиб олдим, дарахтларни бутадим, шоҳ-шаббаларни йиғиштирдим, деразанинг синган кўзига ойна солдим, ўтин араладим, ёрдим, қудуқдан сув олиб келдим,

табуреткани тузатдим. Менинг ишларим ва ҳаракатларим Александр Михайловичга ёқиб қолди.

Дорошкевичлар оиласига ёрдамчи керак эди, менга эса машғулот, шунинг учун шанба, якшанба кунлари келиб турсам майлими, - деб сўрадим. Улар бажону дил рози бўлдилар. Мен энди ҳар шанба куни келиб, якшанба куни қайтадиган бўлдим. Қайтаётганимда кутара олгунимча олма олар, уни ҳамхоналарим билан баҳам кўрар эдим.

Аста-секин мен ҳам оиллага аъзо каби ўрганиб қолдим. Улар ҳам мени ўз қариндошларидек кутиб оладиган бўлдилар.

## ЭЛЕКТРОПОЕЗДАГИ КОНСУЛЬТАЦИЯ

Тошкент шаҳрида ташкил қилинган илмий-назарий конференцияга доклад тезисларини тайёрладим. Унга тақриз олишим керак эди. Москва-Бородино поездида кетяпмиз. Мен Александр Михайловичга:

- Эртага шу тезисни Тошкентга юборишим керак, менга тақриз ёзиб берсангиз, - дедим.

- Яхши, эртага езамиз, - деди Домла.

Мен Галина Ивановнага «тезлаштириб беринг» деган маънода, нажот кутиб, қарадим.

Галина Ивановна:

- Шура, ҳозир бекор ҳам утирибсан, ёзиб қўяқол, сенга бу ҳеч нарса эмаску, - деб қолдилар. Александр Михайлович, норози ҳаракат билан мен езган тезисни бир неча марта ўқиб чиқдилар ва қоғозга тақризни еза бошладилар.

Бир неча дақиқада тақриз ҳам тайёр бўлди. Сўнгра мандан:

- Тезис нима, - деб сўрдилар.

Мен билганимча жавоб бердим.

Ўйланиб туриб, домла менга тушунтира кетди:

Биринчи навбатда езадиган ишингизнинг, мавзусини ва сарлавҳасини обдон ўйлаб, "пишириб" олишингиз керак. Сўнгра мавзуга режа тузинг, нимани еритмоқчи бўлганингизни яхшилаб ўйланг, сарлавҳадаги ҳеч бир тушунча ва сўз эътиборингиздан четда қолмасин. Режани

кенгроқ тузсангиз, ишингиз енгил кўчади. Масалага кириш, унинг долзарблиги, аҳамияти ва ҳолатини баён қилиш, ечимини топиш ва хулосалаш, бунинг ҳаммаси қисқа, тушунарли илмий баён қилиниши керак. Хуллас, тезис бу конференцияда ўқийдиган маърузангизнинг асосий ғояларининг қисқа ва лўнда ифодаси бўлиши керак. Мавзу юзасидан сиз айтмоқчи ва исботламоқчи бўлган фикр-мулоҳазанинг қисқа шакли тезис ҳисобланади.

Фикрим анча ойдинлашгандек бўлди. Яна бир неча саволлар билан мурожаат қилдим. Домла саволларимга қисқа, лўнда, тушунарли жавоблар билан мени ҳайратга солдилар. Бир нарсани пайқаб қолдим. Домла бекорчиликни ёмон кўрар экан. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ё фикран ё жисман фойдали иш билан банд бўлсангиз, у кишига ёқар экансиз. Айниқса, Домлага муаммоли, ақлли савол берсангиз жуда маъқул тушар экансиз. Суҳбат қизиб кетганидан манзилга қандай етиб келганимизни ҳам билмай қолдик.

### “ВНУК”МИ ЁКИ “ВНУЧКА”...

Александр Михайловичнинг оналари Ольга Александровна мен аспирантурада ўқийдиган университет яқинида яшар эдилар. Мен у кишидан тез-тез хабар олиб турардим. Ача 70 ёшдан ошган бўлсаларда ҳали тетик, ўз юмушларини ўзлари бажарар, овқатни ўзлари тайёрлардилар. Айниқса пирогни маромига етказиб пиширардилар. Александр Михайлович ҳар икки кунда бир марта оналарини кўргани келар, бозор-учарларини қилиб берар, кутубхонадан китоблар олиб келиб берардилар.

Кунлардан бир кун Ольга Александровнани кўргани бордим. Олтинчи қаватда яшаганликлари учун лифт билан кўтарилиш ҳам мумкин эди. Лифт кабинасига мен билан бирга шу уйда яшовчи бир кекса аёл ҳам кирди. Мен салом бердим. Русларда бегона кишининг салом бериши одат тусига кирмаганлиги учун бўлса керак, менинг саломим маъқул бўлгани кампирнинг юзидан сезилиб турарди. Унинг мен билан сўзлашгиси келди шекилли, - кимникига кетяпсиз, – деб сўраб қолди.

Мен:

- Ольга Александровнаникига, - дедим.

- Сиз унга ким бўласиз, - деди ача.

Мен қисқа қилиб, - "внучка", - деб қўя қолдим.

У менга зўр қизиқиш билан қараб қўйди. Бир дақиқадан сўнг, у менга яна бир синовчан кўз ташлади, кейин менинг кийимларимга, сочимга, мўйловимга синчиклаб қаради. Унинг қарашларидан, нимадир тушунарсиз эканлиги, нимагадир хайрон бўлаётгани яққол сезилиб турар эди. Олтинчи қаватга етиб мен хайрлашдим. У мен билан хайрлашди-ю, лекин хайронлиги ҳали ҳам ёзилмаган эди. Мен нимадир ўз ўрнида бўлмаганлигини сездим, лекин бу нима эканлигини ўйлаб тополмадим.

Ольга Александровна мени одатдагидек меҳрибонлик билан кутиб олдилар. У кишига менинг дачада Дарошкевичлар оиласига ёрдамлашим маъқул келган эди. Чой ва пирог олиб келдилар. Ачанинг 1900 йиллардан тортиб ҳозирги кунгача кўрган кечирганларини ҳикоя қилиб беришлари ёқар эди. Менга сўз навбати келганида, лифтда бир кампирни учратганимни, у мен билан қизиқиб кимникига кетаётганимни, ким бўлишимни сўраганини айтиб бердим.

Мен Ольга Александровнага "внучка" бўламан деб айтдим десам, Ача ҳам кулиб юбордилар. Шунгача мен ўғил набира "внук", қиз набира "внучка" бўлишига эътибор бермаган эканман. Иккаламиз ҳам роса кулишдик. Ольга Александровна:

- Эракча кийинадиган, овози йўғон, мўйловли, пахлавон "внучка"ни қўшним кўрмаганда, хафа бўлманг деб ҳазиллашдилар.

## МУВАФФАҚИЯТГА ЭЛТУВЧИ МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИК

Гарчи ўрта мактабни кумуш медалга, олий ўқув юртини имтиёзли диплом билан битирган бўлсамда Москвадек шаҳри азимда билим пойдеворим жуда бўш эканлиги яққол сезилиб қолди. Қанчалик ўқиб, ўрганиб, тиришиб-тирмашсам ҳам пойтахт талабига жавоб бериш қийин эди. Бу ердаги олимларни билим билан қойил қолдириш мушкул



булгани учун, фақат бизда ҳам шарт-шароит ва имконият бўлса ўқиш, ўрганиш соҳасида олға силжишимиз мумкинлигини, меҳнатдан қочмаслигимизни, интизомлилик, ахлоқ ва одоб, катталарга ҳурмат ва одамгарчилик борасида ҳеч кимдан қолишмаслигимизни номоён қилишимиз керак эди.

Москва Олий ўқув юртлари қўяётган талабга ҳамма ҳам бардош бера олмас эди. Шунинг учун ҳам 6 ойда ўтказиладиган номзодлик имтиҳонларидан икки марта ўта олмаганман. Бу мени янада интилишга, ўқишга, ўрганишга мажбур қилган.

“Лингвистик таълимот тарихи” фанидан ўтказилган имтиҳондан иккинчи марта ҳам ижобий баҳо ололмай портфелимни кўтариб Москва кўчаларини қанчалик тушкунлик билан кезганим ҳамон ёдимда. Кўнглимдан не ҳаёллар кечмаган дейсиз. Хуллас мен тўрт-беш соат айланиб юриб, яна университетга келиб қолганимни ўзим ҳам билмабман. Мени кўрган илмий раҳбарим Ирина Александровна Жучкова кўрқиб кетиб:

- Сизга нима бўлди, врачга учранг, - деди.

Мен унга имтиҳондан ўтолганимни айтдим.

- Э шунга шунчаликми, ҳаётда имтиҳон топшириш энг муҳими эмас, боринг, ётоқхонангизда дам олинг, эртага гаплашамиз, - деганда мен ўзимга келдим.

Бу мен учун жуда катта мукофот эди. Мен илмий раҳбаримнинг мендан воз кечишидан, сендан ҳеч нарса чиқмайди, битта имтиҳонни эплаб топшира олмаган одам қандай қилиб диссертация ёзади дейишидан кўрққан эдим.

Кейинчалик билсам менинг имтиҳондан ўтолганим илмий раҳбарим билан келишилган холда содир бўлган экан. Раҳбарим имтиҳончиларга, - аспирантим яна бир оз пишиши керак, - деган экан. Натижада мен имтиҳондан ўтолмаган эканман. Мен ҳозир мени имтиҳондан ўтказмаган домлаларни чин дилдан дуо қиламан, улардан бир умрга миннатдорман.

Бундай синов ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг пиру-устозлари Кусам шайх томонидан ёки Прага фонология мактаби асосчиларидан бири Н.С.Трубецкойнинг устозлари томонидан ўтказилган имтиҳон олдида ҳеч нарса

эмаслигини, ҳатто улар билан қиёслаб ҳам бўлмаслигини алоҳида таъкидлашни истар эдим.


Ушбу сатрларни ёзишдан мақсад ўқи, ўрган, деб талабчанлик қиладиган муаллимлар шахснинг камол топишига катта ҳисса қўшишларини, имтиҳон ва синовларни номигагина ўтказиш билан талабалар билимига тўсиқ бўлиш ҳам мумкин эканлигини таъкидлашдир. Афсуски, кейинги пайтларда фақат баҳо учун ўқийдиган, мабодо, баҳоланмай қолса қайта тайёргарлик кўриш, ўқиш, ўрганиш ўрнига дарров «танка»сини етаклаб келувчи талабалар сонининг кўпайиб бораётганлиги кишини ташвишлантиради.

Талабани ўқишга ундаш ўрнига унга меҳрибончилик қилиб, домлани ҳам ноқулай аҳволга соладиган «ҳиммати баланд» таниш-билишлар, «меҳрибон» ота-оналар, «баҳони қўйиб бераверинг, ўқиб олади», - деб туриб олиш билан талабанинг шу фандан саводсиз бўлиб қолишига сабаб бўладилар. Ҳатто бунинг учун совға-саломни ҳам аямайдилар.

### “ЭКЗАМЕН СДАЛ”...

Аспирантурага кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўришни давом эттирдим. Мен кўп масалаларда Александр Михайлович билан маслаҳатлашар, билмаган, тушунмаган масалаларни сўрар эдим. Менга Домланинг тақдими, фикр баён қилишдаги қисқалик, лўндалик ва соддалик ёқар эди. У кишини жуда яхши тушунар эдим. Домла ҳам менинг билим даражамни жуда яхши тасаввур қилар эди. Номзодлик имтиҳонини учинчи бора топширишга ҳаракат қилиб юрганымда, домла “Имтиҳон натижасини албатта менга телефон орқали айтиб қўйинг”, - деди. Мен белгиланган куни “Лингвистик таълим тарихи” фанидан имтиҳон топширдим ва қониқарли баҳоландим. Хурсанд бўлиб, домланинг уйларига қўнғироқ қилдим. Домла уйда йўқ экан. Қизи Ольгага,

- “Я экзамен сдал, передай пожалуйста-Александрю Михайловичу”, - деб айтдим. У мени табриқлаб, айтиб қўйишга ваъда берди.



Ётоқхонамда навбатдаги имтиҳонга тайёргарлик кўра бошладим. Хона тартибсиз, столнинг устида китоблар, кулдон, сегаретни чангитиб чекиб, китоб титкилиб ўтирган эдим. Эшик тақиллаб қолди. Эшикни очиб, хушимни йўқотай дедим. Қай кўз билан қарайки, рўбарамда Александр Михайлович турган эди. Мен ўзимни йўқотиб қўйган эдим. Анчагача ўзимга келолмадим. Хонага таклиф қилиш ҳам эсимдан чиқибди.

- Хонага кириш мумкинми? - деди Домла.

Мен ўзимга келиб: Марҳамат, - дедим. Домланинг айтишича қизи менинг кўнғироқ қилганимни айтибди. Кейин мени Домла излашга тушибди. Турли жойларга телефон қилиб, бизнинг ётоқхонамизнинг адресини топибди, ётоқхона дирекциясига кўнғироқ қилиб менинг хонамни аниқлаб, толиб келган экан. Домла меъдан имтиҳон натижаларини сўради. Мен баҳони айтганимдан сўнг, танбеҳ берди.

"Сдал" деганда баҳо ижобий бўлиши ҳам, салбий бўлиши ҳам мумкин-ку, нега баҳони айтмадингиз?

Мен кечирим сўрадим.

Менинг тақдирим учун мусофир юрда шунчалик қайғурадиган киши борлигидан тўлқинланиб кетдим. Яна у киши ким, фан доктори, профессор, таниқли олим. Мен хурсандчилигимни яшира олмай йиғлаб юбордим.

Домла бир пиёла чой ҳам ичмай, ишлари кўплигини баҳона қилиб, жўнаб кетди. Кетаётиб, - вақтида дам олиш керак, иш унумли бўлади, - деди.

Дала ҳовли ва у ердаги ишлар бизни анча яқинлаштириб қўйган эди. Мен аспирантуранинг дастлабки йилларида шанба, якшанба кунлари кўпроқ вақтимни у ерда ўтказар, ҳафта давомида ёзганларимни Александр Михайловичга кўрсатар эдим. Домла менинг ёзганларимни ўқиб таҳрир қилиб берарди.

Мен яна қайтадан машинкадан чиқариб, сўнгра илмий раҳбарим Ирина Александровнага ўқишга борардим. Ирина Александровна менга, рус тилидаги ёзма нутқингиз яхши ривожланмоқда, янада жиддийроқ ҳаракат қилаверинг, - деб мақтаб ҳам қўярди.

Ҳақиқаттан ҳам менинг рус тилида фикрни ёзма

равишда баён қилиш малакам кундан кунга ривожланиб бормоқда эди. Аспирантура мен учун рус, немис тилларини янада чуқурроқ, кенгроқ ўрганиш борасида муҳим давр бўлди, шу билан бирга воқеа, ҳодисаларга илмий муносабатда бўлишга ўргатди десам муболаға бўлмайди.

Ўзбек мактабини битириб рус тилида илмий иш ёзиш осон эмаслигини бошидан кечирган кишигина тушуниши мумкин. Бунинг учун катта сабр-бардош, машаққатли меҳнат талаб этилади.

Тинимсиз меҳнат, машқ, ўз самарасини бермоқда эди, рус тилида фикрлашим осонлашиб, равонлашиб, фикрларим тиниқлашаётган, уни қоғозга тушуриш эса равонлашиб бораётган эди.

Ҳафта давомида кутубхоналарда, ўқув залларида китоб ўқийвериш мени жуда толиқтириб қўяр, ҳаракатсизлик туфайли аввалги вазнимга йигирма кило қўшилганди. Шунинг учун ўрмон четига жойлашган дала ҳовлида тоза ҳавода қилинадиган сайр-саёҳат ва жисмоний меҳнат мен учун жуда фойдали ва ёқимли эди. Энг фойдалиси, мен Домладан ўз илмий раҳбаримдан ботиниб сўрай олмайдиган илм сирларини ўрганар эдим.

Александр Михайлович кўпчилик учун, жумладан мен учун ҳам ана шундай норасмий, лекин менинг илмий тадқиқотчи сифатидаги шахсим шаклланишда ва ривожланишида кўп меҳнати синган олим эди.

### ТАҚРИЗ

Самарқандлик Файзулла ака Тагаев «Талабаларнинг чет тилларни ўрганишга бўлган қизиқишларини орттириш» мавзуидаги номзодлик диссертациясининг авторефератига Москвалик олимларнинг биридан тақриз олишга ёрдам беришимни илтимос қилди. Мен ушбу масалада Александр Михайловичга мурожаат қилган эдим, Домла тақриз ёзиб беришга рози бўлиб, авторефератни олиб қолдилар.

Эртасига кечқурун менга қўнғироқ қилиб, - тақризни олиб кетишингиз мумкин, - деб айтдилар. Мен ишнинг шунчалик тез битганидан ҳам ҳайрон бўлиб, ҳам қувониб Домланинг уйларида дарҳол етиб бордим. Домла

авторефератни ўқиб чиқибдиларда, икки саҳифадан иборат ёзган тақризларини ўзлари машинкадан чиқариб, имзоларини тасдиқлатиб тайёрлаб қўйган эканлар. Ҳамма қоидаларга амал қилинган холда тайёрлаб қўйилган матнни ўқиган киши илмий тақриз қандай бўлишини дарров фахмлаб олиши аниқ эди.

Автореферат ҳақида ёзилган тақриз тузилиши ва мазмунини жиҳатидан маълум талабларга жавоб бериши зарур. Шунинг учун ҳам Домла дастлаб мавзунинг долзарблигини, унинг тадқиқ қилиниши назарий ва амалий жиҳатидан муҳим эканлигини қайд этгандилар. Масаланинг ёритилиши ва унда кутарилган муаммоларнинг ҳал қилинишига қараб тақризда «маъқул», «яхши», «ўринли», «тўғри кўрсатилган», «талаб даражасида ҳал қилинган», «ишончли асосланган» каби сўзлар билан диссертантнинг ишига баҳо берилган, айрим ўринларда «аммо», «лекин», «бирок» боғловчиларидан сўнг зътирозлар ҳам баён қилинган эди. Сўнгра баённинг тили ва матннинг тушунарлилиги ҳақида гапирилган, хулосаларнинг мантиқийлиги, тўғрилиги, ҳаққонийлиги таъкидланганди.

Тақриз якунида ишнинг тугалланганлиги ва тадқиқотчининг мақсадга эришганлиги қайд қилиниб диссертантнинг илмий даражага лойиқлиги кўрсатилган. Бунинг учун Домла анчагина қимматли вақтларини сарфлаганликларини билиб олиш қийин эмасди.

Авторефератни варақлар эканман унинг бир неча жойига турли белгилар ҳам қўйилганини кўрдим. Домладан авторефератга бўлган муносабатларини сўрадим.

– Ёмон эмас, лекин ҳамма жойда қизиқтириш керак, ўргатиш керак, дейилгану, қандай йўл билан, қайси усулда деган саволларга жавоб берилмаган. Бу ҳимояни мураккаблаштириши мумкин, - дедилар. Мен:

- Диссертантнинг илмий раҳбари Илмий Кенгашнинг раиси, ҳимоя «силлиқ» ўтади, ҳамма юз фоиз овоз беради, бундан ташвишланмаса ҳам бўлади, - дедим.

- Мени бошқа нарса ташвишлантиради. Сиз автореферат тайёрлаганда менинг зътирозларимни ҳисобга олинг. Ҳар доим ўқиган, эшитган маълумотни ўзингизнинг илмий ишингизга тадбиқ қилишга ҳаракат

қилинг. Бу масала, ечим ёки хулосанинг менинг ишимга қандай алоқаси бор, мен қандай йўл тутишим керак, - деган саволни қўйинг ва тегишли хулоса чиқаринг. Сиз бу камчиликни такрорламанг, - дедилар.

Мен кечирим сўраб, танбеҳни тўғри қабул қилдим.

Ётоқхонага қайтаётиб метрода тақризни яна бир бора ўқиб чиқдим. Унинг қанчалик билимдонлик ва самимий ёзилганини кўриб Домлага яна бир бор қойил қолдим.

Илм билан шуғулланган ҳар бир тадқиқотчи тақриз олиш жараёнини ўз бошидан кечирган. «Ўзингиз ёзиб келинг», «қайта ишлаб келинг», «эртага келинг», «фақат раҳмат билан иш битармиди», «аввал шу ерга бориб келинг», «аввал шуни олиб келинг, сўнгра тақризни олиб кетасиз», - дегувчилар ҳам бор эканлигини эслаганда, А.М.Дарошкевичдек самимий, ҳалол, камтарин олимларнинг қаршисида таъзим қилиш кераклигини яна бир бор эътироф этади киши.

## ИЗОҲ

Юқоридаги хотиралар қўлёзмасини ҳамфикр дўстларимга ўқиб эшиттирганимда, улар матн ҳақида ижобий фикр билдириш билан бирга танқидий мулоҳазаларни ҳам айтдилар, жумладан:

- Матнни ўқиган кишида гўёки, менинг илмий фаолиятим Дарошкевичлар дачасидаги ишлар соясида қолиб кетгандек туюлар экан.

Изоҳ тариқасида шуни такидлашни истар эдимки, мен аспирантурада таҳсил олган олий ўқув юрти, илмий раҳбарларимнинг Александр Михайлович билан мутлақо алоқалари бўлмаган, ҳатто улар бир-бирларини танимаганлар. Мен илм олган олий даргоҳ ва унинг олимлари ҳақида алоҳида китоблар ёзиш мумкин.

- Имтиҳон ва синовлардан етарли балл тўплай олмаганлигимни, очиқ-ойдин ёзганлигим айрим кишиларда мен ҳақимда нотўғри хулосалар чиқаришга асос бўлиши мумкин экан.

Бу ўринда ҳар бир инсон аста-секин йўқликдан борлиққа, билмасликдан билишга томон ривожланиб

боришига, инсон ҳамма нарсани билиб олиши мумкин эмаслигини, билмаслик айб эмас, балки билишни истамаслик айб эканлигини, агар хоҳиш, ҳаракат, интилиш бўлса, кўзланган мақсадга эришиш ҳаммининг ўз қўлида эканлигини таъкидлашни истар эдим.

“Внук”ми ёки “внучка”ни ўқиб рус тилини ёмон билган экан, деган фикрга келганларга, баралла, ҳа, тўғри, рус тилини ҳам, немис тилини ҳам, ўзбек тилини ҳам етарли даражада билмаганман, ҳозир ҳам мукамал билмайман, дея оламан.

Бу фикрни тиллар билан машғул бўлган ҳар бир инсон яхши тушунади, деб ўйлайман “Бешиқдан қабргача илм ўрган”, дейилади муборақ ҳадисларда. Инсон бутун ҳаёти давомида сабоқ олиши, кўрган кечирганларидан хулоса чиқара олиши яхши фазилат. Шунда у кўплаб хатоларнинг олдини олади, адашишдан сақланади.

Тилларни ўрганиш ҳам бир умрлик тинимсиз, машаққатли меҳнат талаб қилади. Ҳар бир тилни аста-секин, ҳар куни “Бир чой қошиқдан” (Ғайбулла ас-Салом) ўрганиш лозим. Шунинг учун ҳам фозил кишилар, “Ўқинг, ўрганинг, кам бўлмайсиз”, деб бежиз айтмаганлар.

## УЛУҒЛАР АВВАЛО ОРАМИЗДА

*Улуғлар мозийга қараб иш тутуш хайрли дейдилар.  
Ўтганларни ёд этиш, ёд этганда ҳам фақат яхшилик  
билан ёд этиш хайрли ишларимизнинг ўнгидан  
келишининг асосий омилларидан биридир.  
Агар Сен ўтмишга тўппончадан ўқ узсанг,  
келажак сени замбарак билан ўққа тутуди.  
Бу хикматлар барчамиз учун вожиб.*

Илк бор Ака билан талабалик йилларимда учрашган эдим. Биз тўрт нафар биринчи босқич талабалари яшайдиган хонадонга бир тасодиф билан келиб қолдилар. Ҳамма жиҳози тўртта крават-у бир столдан иборат мўжазгина хона. Ўртада стол, стол устида овқатланамиз ва дарс тайёрлаймиз. Биз интизомли ўқувчилар бўлиб ўтирибмиз. Жимликни меҳмоннинг ўзи бузди.

- Мен Абдурашид Минаваровман. Бошланғич таълим

педагогикаси ва методикаси факультетида тўртинчи босқичда ўқийман.

Орага жимлик чўқди. Бизни кузатиб ўтирган суҳбатдошимиз ҳар жиҳатдан - муомала, кийиниш, сўзларимиз, сўзлашимиз, уй тутушимиз, ҳаракатларимиздан «қишлоқчилик» сезилиб турганини кўриб, яна ўзлари гапга тутундилар.

– Энди, укалар, биз ҳам сизларга ўхшаб қишлоқда ўсганмиз. Қишлоқ йигитлари шаҳарда ўсганлардан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Айбга буюрмайсизлар, баъзи гапларни айтишга тўғри келади. Мана мен сизларнинг хоналарингга келдим. Ўзимни таништирдим. Сизлардан ҳам бир киши барчаларингизни таништирганда маъқул бўлар эди. Кимдир хатоимизни тузатган бўлди ва бизни таништира кетди.

- Сизлар ҳар куни жисман, маънан, илман ўсишингиз лозим. Ҳар бир нарсадан ўрнак олинг. Яхшидан ҳам, ёмондан ҳам. Кўрганларингизни яхшисига интилинг, ёмонидан қочинг. Бир дақиқани бекор ўтказманг. Бу ишнинг мен учун қандай фойдали, яхши томони ва қандай зарари бор деган савол ҳар доим эсингизда турсин. Кўчада, маҳаллада, бозорда синчков бўлинг, кузатишни билинг, тинглашни билинг, ўқишни билинг, уқишни билинг. Бу сўзлар биз учун сеҳрли бўлиб туюлган эди. Ҳаёлимиздан, зўр эканми, биз ҳам шундай бўлсак, қанийди, деган пинҳона ҳавас, орзулар ўтди.

Биз узоқ гаплашиб ўтирдик. Кўпроқ тингловчи ролини ўйнадик.

Энди Абдурашид акани кўрганда меҳр билан салом берадиган бўлдик. У киши бизнинг яқин танишларимиздан бирига айланди. Аста-секин оқ қорани таний бошладик, қарашларимиз, муносабатларимиз, юриш-туришларимиз, кўринишимиз, муомаламиз ўзгара борди. Энди биз ҳам ўзимизни ўнглай бошлагандик.

Чет тиллар факультетида фонокабинет бўлиб, у хонада магнитофонлар ўрнатилган, ҳар бир талаба ўз овозини магнит тасмасига ёзиб, уни қайтадан эшитиш имконияти мавжуд эди. Мен шу кабинетга ёрдамчи талаба сифатида бириктириб кўйилган эдим.



Бир куни Абдурашид ака фонокабинетга келиди (энди у киши педагогика-психология кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлаётган эди):

- Мени бир эшитингларчи, инглиз тилида қандай ўқир эканман. Илмий иш билан машғул бўлиш учун номзодлик имтиҳонини топшириш керак. Бу йил инглиз тилидан имтиҳон топширмоқчиман. Сизлар менинг камчилигимни рўйи-рост айтинглар. Аяб ўтирманглар. Институт ўқитувчисининг талабалар билан шундай муомалада бўлиши, яъни ўрганувчи ролини ўйнаши ва интилувчанлиги бизни хайратга солди, у кишига нисбатан ҳурматимизни янада оширди.

Абдурашид ака энди фонокабинетимизга тез-тез келиб, инглиз тили бўлими талабаларидан ёрдам олар, бунинг учун уларга ташаккур айтар, - "Сиз бундай ўргатсангиз осонроқ тушунилар экан", - деб методик маслаҳатлар берар эди. Ҳамкорлик икки томонлама амалга ошаётган эди. Биз у кишига инглиз тилини, у киши эса бизга ўқитиш методикасини ўргатар эдилар.

Ўқув йили охирида Абдурашид аканинг инглиз тилидан номзодлик имтиҳонини аъло баҳога топширганликлари билан табрикладик. Ёрдам берган талабаларга биттадан китоб совға қилдилар.

1976 йилнинг май ойида илмий иш билан шуғулланиш ниятида профессор А.Раҳимов тавсиялари билан Гафийят ака Тубаев иккаламиз Москвага бордик. Шу пайтда Абдурашид Қаҳҳорович Педагогика фанлар Академияси институтида олти ойлик малака ошириш курсини ўтаётган эдилар. Бизнинг боришимиздан дарак топиб Домодедово аэропортида кутиб олдилар ва Керченский кўчасига жойлашган меҳмонхонага олиб бордилар. Абдурашид аканинг биз учун меҳмонхонадан жой тайёрлаб қўйгани ва половни дамлаб қўйиб аэропортга чиққани бизни лол қолдирди. Аканинг оналари ҳақиқатдан ҳам педагог, ўқитувчи, тарбиячи қилиб туққан эканлар, деб ўйлаб қолдим. Чунки Москва шаҳрида юриш-туриш, кишилар билан муомала қилиш, кутубхоналар ва улардан фойдаланиш, ҳамма ҳаммаси ҳақида у кишидан маслаҳатлар олдик.

Эрталаб нонуштадан сўнг Педагогика фанлар Академиясининг институтларидан бирига бордик. У ерда бир илмий ҳодим қабулида бўлдик. Суҳбат чоғида менинг ўзимни тутишим, саволларга берган жавобим, нутқим Абдурашид акани қониқтирмади шекилли,

- Мен сизни суҳбатга тайёрлашим керак экан, - деб қолдилар.

- Бугун мен дарсга боришим керак. Сиз Москвада метрода юришни ўрганинг, адашиб қолсангиз ташвишланманг, магазинларни кўринг, кинога кириг, хуллас, сиз билан кечқурун меҳмонхонада учрашамиз, - деб хайрлашдилар.

Мен энди ўзим йўл топиб юришим, рус тилида мустақил муомала қилишим, саккиз миллионлик шаҳарда эсанкирамай, якка ўзим сўраб-суриштириб манзилимга етиб боришим керак эди.

Кечқурун меҳмонхонада учрашдик.

- Мен сизга дастур тайёрлаб қўйдим, - дедилар.

- Икки кун кутубхонада ишлайсиз. Кутубхона билан танишасиз, у ерда ишлашни ўрганасиз. Ҳар куни кечқурун Сиз билан суҳбатни машқ қиламиз. Сиздаги ректорат томонидан ёзилган илмий раҳбар топишга ва тадқиқот мавзуини танлашга ёрдам беришингизни сўрайман, деган хатларга зарурат йўқ. Раҳбарни ҳам, мавзуни ҳам ўзимиз топамиз.

Уч кундан сўнг Педагогика фанлар Академиясининг «Таълимнинг мазмуни ва методлари» номли илмий текшириш институтига бордик. Абдурашид ака институтнинг чет тили таълими лабораторияси бошлиғи қабулига олиб кирдилар. Бизни Анна Давыдовна Климентенко қабул қилди. Акамиз Москвада юравериб, олимлар қабулида бўлавериб, улар билан гаплашиш йўлларини яхши билиб олган эканлар.

Ўзларини таништирдилар.

- Бу бизнинг ёш истиқболли, қобилиятли, лекин жуда камгап ўқитувчимиз, - деб мени таништирдилар.

Ректор телефон қилганлигини, менинг илмий ишни бошлашимга ёрдам беришни илтимос қилганлигини ва шу муносабат билан ушбу лаборатория бошлиғи ва ҳодимлари

маълум ва машҳур бўлганлиги учун шу ерга мени бошлаб келганликларини айтдилар. Климентенко номини Ўзбекистонда ҳамма билади, деб қўшиб ҳам қўйдилар.

Лаборатория бошлиғи инглиз тили бўйича мутахассис бўлгани учун О.З.Якушинани ҳузурига чорлади:

- Сиз Ўзбекистонлик бўлажак тадқиқотчига маслаҳат беринг, фақат консултация, - деб унинг тиззасига қўлини қўйиш билан қандайдир белги берди.

Мен бу ишорани - бу йигитни биз лабораторияга олмоқчи эмасмиз, у мен учун ҳеч ким эмас, шунинг учун бирор қатъий қарор қабул қилманг, илмий раҳбарликка рози бўлиб қўйманг, - деб тушундим.

Анча фойдали маслаҳатлар олган бўлсақда, бу ердан ҳам ҳафсаламиз пир бўлиб, бўшашиб чиқдик.

Бир неча илмий текшириш институтларига, Олий ўқув юртрларига мурожаат қилиш, Абдурашид ака билан ҳар куни қилинган маслаҳат, Ленин номидаги кутубхонада китоблар билан танишишдан қўйидаги хулосага келган эдим.

Энди илмий раҳбар излаш, кимдандир илмий тадқиқот мавзуини тавсия қилишни илтимос қилиш тўғри эмас, балки қайсидир олий ўқув юртига илмий тадқиқотчи сифатида бириктирилиш чорасини қўриш лозим экан.

Бир кун кечқурун Абдурашид ака:

- Оғайни, ҳамма ҳам илм йўлига шундай қийинчилик билан киради. Бу ҳаммаси холва. Ҳамма машаққатлар олдинда. Уларга тайёр туриш керак. Асло тушкинликка тушманг. Биз ҳам сиздан баттар бўлганмиз. Ҳали ишларингиз юришиб кетади. Ҳамма эзгуликнинг бошланиши қийин бўлади, асло чўчиманг. Бугун сизга топшириқ, кутубхонага боринг. Москвадаги энг зўр чет тиллар институти ҳақида маълумот олинг. У ердаги кафедралардан бирини танланг, кафедра мудирининг илмий ишларини ўрганинг.

- Айтингчи, сиз немис тилида яхши суҳбатлашасизми еки рус тилидами?

- Бу ҳақда ўйлаб кўрмаганман, - дедим. - Ундай бўлса ўйланг, немис тилида суҳбатга тайёргарлик кўринг. Кечқурун машқ қиламиз, эртага ўша институтга суҳбатга борамиз.

Мен кутубхонада, Ўзбекистондан борган тадқиқотчи, аспирантлар билан маслаҳатлашиб, Морис Торез номидаги Москва Давлат чет тиллар институти Чет тил ўқитиш методикаси кафедрасига тадқиқотчи бўлиб қабул қилинишига уриниб кўришга қарор қилдим.

Кечкурун қароримни Абдурашид акага айтдим.

– Жуда маъқул. Фараз қилинг, мен кафедра мудириман, суҳбат бошланди. Савол-жавоб рус тилида, сўнгра немис тилида такрорланди.

Ҳар томонлама саволлар ёғилиб кетди.

- Мулла Саидумар, - дедилар Абдурашид ака, - энди сиз суҳбатга тайёрсиз, суҳбат чоғида кўпроқ немис тилида гапиришга ҳаракат қилинг.

Қаршимда Абдурашид акам ўтирибди, деб ҳисобланг, тортинманг, уялманг, бардам бўлинг. Менинг синовимдан ўтдингиз.

Эрталаб фотиҳа бердилар. Мен руҳим тетик ҳолда Чет тил ўқитиш методикаси кафедраси мудирини Надежда Ивановна Гез қабулига кирдим. У мен билан узоқ суҳбатлашди, мени рус ва немис тилларида синаб кўрди. 1976 йилнинг сентябр ойидан кафедрага тадқиқотчи сифатида қабул қилишга рози бўлди. Менинг қувончим чексиз эди.

Шу ўринда илм йўлига кирмоқчи бўлган ёшларга икки оғиз сўз айтиш ўринли деб ҳисоблайман. Ростини айтсам, институтни имтиёзли диплом билан битириб, немис тили кафедрасида беш йил ўқитувчилик қилган бўлишимга қарамасдан, илмий тадқиқотнинг нималигини астойдил тушунмас эдим. Москвада ўн кун мобайнида кўрган-кечирганларим, илм кишилари билан бўлган учрашувлар менга кўп нарсани ойдинлаштирган эди. Кутубхонага аъзо бўлдим. Кутубхона, қироатхона нима эканлигини шунда тушундим. Уч юз киши бирданига ишлаши мумкин бўлган зал, ҳар бир китобхонга стол, стул ва чироқ. У ердаги тартиб, интизом, маданият ўрнатилган олса арзийдиган даражада. Бошқаларга ҳалал бермаслик ҳам маданиятлилигининг бир белгиси эканлигини англадим. Дунёда мен ҳали кўрмаган, номини ҳам эшитмаган китоблар сонининг чексизлигига ҳайрон қолдим. Бир қатор

китобларни кўриб чиқишга улгурдим. Китоблар рўйхати залида ҳар бир соҳа учун адабиётларнинг қанчалик саноксиз эканлигидан хайратга тушдим. Қизиқиш ҳайрон бўлишдан бошланар экан. Китобларни ўқиганим сари, улардан кўп далилларни топганим сари ўзимнинг қанчалик кам билишимни англай бошладим.

Илмий иш қандай бўлиши кераклигини, мавзу танлаш, китоб билан ишлаш, конспект олиш, цитата келтириш, фикрни инкор ёки тасдиқ этиш, хулоса чиқариш ва бошқа бир қатор саволларга жавобни Приходьконинг «Тропой науки» китобидан олдим. Илм йўлига кирмоқчи бўлган ҳар бир ешга ушбу китобни ўқиб ўрганишни тавсия қилган бўлар эдим. Бу китоб илм ҳақида фан борлигини кўрсатиб беради.

Абдурашид ака билан хайрлашиб, Наманганга учиб кетдим. Хайрлашиш чоғида у киши:

- Минг марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган яхши деб шуни айтадилар. Мана энди анча ўзингизга келиб олдингиз. Лекин бу бошланиши. Илмда текис, осон йўл йўқ. Ҳали нима қилар эдим ўқишга келиб, тинчгина ишлаб юрган эдим, талабалар ҳурмат қилар эди. Бунинг устига декан муовини эдим, обрўим яхши эди. Энди бўлса қорним нонга тўйиб-тўймай, оиламдан узоқда, мусофирчиликда қийналиб юрибман, деган фикрларга ҳам борасиз. Бу кунларни албатта бошдан кечириш керак. Ана шунда илмнинг, олимнинг қадрига етилади. Гап ўзини йўқотмасликда, қийин ҳолларда тушкунликка тушмасликда. Белни маҳкам боғланг! – деб тасалли бердилар.

1976-1982 йиллар мобайнида мен Москвада аввал тадқиқотчи, сўнгра аспирант бўлиб номзодлик диссертацияси устида иш олиб бордим.

Абдурашид ака ҳар сафар хизмат сафари билан ёки малака оширишга Москвага борганларида, бизни бир кўриб ўтардилар.

- Йигитлар, бир менинг номимдан палов дамланглар, - деб Намангандан олиб келган ноз-неъматлари билан бизни меҳмон қилар, узоқ суҳбатлашиб ўтирар эдилар. Суҳбат чоғида аспирантлик давридаги ўзларининг бошларидан кечирган қийинчиликлари ва илмий раҳбарлари билан бўлган мулоқотлари ҳақида гапириб берадилар.

Сухбатлардан бирида гап илмий ишга мавзу танлаш ва мавзуни қолипга солиш, қоғозга тушириш ҳақида гап кетди. Сухбатдошлардан бири ёш аспирант Абдурашид ака билан баҳслашиб қолди ва бу баҳс менга малол келгандек бўлди. Мен ҳамхонамга, сен ёшсан ҳали илмнинг нима эканлигини тушуниб етганинг ҳам йўқ, бу одам ўтган йўллардан биз ўтишимиз керак, - деб танбеҳ бергандек бўлсам, Абдурашид ака менинг фикримга қўшилмадилар.

– Қўйинг, дўстингиз гапирсин. Ақл ёшда эмас, бошда дейдилар. Ҳақиқат баҳсда юзага чиқади. Мақтов ҳаммага ҳам ёқади. Лекин унинг фойдаси камроқ. Танқид эса аччиқ, лекин фойдаси кўп. Гап мақтовдан ҳам, танқиддан ҳам киши ўзи учун хулоса чиқара олишда. Сизлар кўпроқ баҳс қилинглар. Илмий баҳс килиш санъатини, маданиятини ўрганинглар, фақат бир-бирларингни ранжитманглар ва ранжиманглар, - деб маслаҳат бердилар.

Абдурашид аканинг ҳар қандай воқеа, ҳодисада ҳам яхши, ижобий томонини кўра билиши ва ундан чин юракдан қувона олиш ҳислатига ҳам қойил қолар эдим. У киши дўстлари, оиласи, фарзандлари, ҳамкасблари ва уларнинг ишлари ҳақида гапирганда доимо ижобий ҳислатларни топиб, фахрланиб гапирар эдилар.

Абдурашид ака очиқ юзли, бағри кенг, бошқаларнинг қувончи, ютуғи, муваффақиятидан қувонадиган инсон эдилар. Ҳой, фолончи зўр экан, манави ишни боплади, бу гапни тўғри айтди, - деб гапни ҳеч букмасдан очиқ юз билан айтар эдилар.

Кўпинча биз замондошларимизнинг қадр-қиммати, ҳислати, қобилияти, таланти, меҳнатсеварлиги, қаҳрамонликларини ва бошқа ҳислатларини улар борлигида қадрлай олмаймиз. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деб бежиз айтилмаган. Биз ўзимиз учун қадрдон, қимматли ҳурматли бўлган кишиларнинг қадрини уларни йўқотиб қўйгандан кейин биламиз, ҳис қила бошлаймиз, кашф қиламиз. Улар биздан қанчалик узоқлашса, уларнинг бизга қанчалик яқин бўлганликларини ҳис қиламиз. Хом сут эмганлигимизнинг моҳияти ҳам шунда бўлса керак.

Абдурашид ака ҳам бизга шунчалик қадрли эканликларини, ҳаётлик чоғларида бунинг қадрига етмаганимни дилдан ўкинч билан эслайман.

Жойингиз жаннатда бўлсин, руҳингиз шод бўлишини Жаноби Аллоҳдан сўрайман. Сиз фарзандларингиз, рафиқангиз, ёру-дўстларингиз, шогирдларингиз қалбида абадий яшайсиз, ёзган илмий асарларингиз, рисола-ю дарсликларингиз сизни авлодлар онгига, шуурига абадий пайвандлаб бораверади.

Шайх Саъдий айтганларидек, сиз дунёга йиғлаб келдингиз, дунёдан эса ҳаммани йиғлатиб кетдингиз.

## ЭЪТИРОФ

1981 йилнинг ноябрь ойида номзодлик диссертациям Морис Торез номи Москва давлат чет тиллар педагогика институтининг Методика кафедрасида муҳокама қилинди. Муҳокамада 50 га яқин киши иштирок этди. Мен илмий тадқиқотда қилинган ишлар ва унинг асосий мазмуни билан иштирокчиларни таништирганимдан сўнг, менга ишим юзасидан йигирмадан ортиқ савол берилди. Саволларга қўлимдан келганича жавоб бердим. Ўйлайманки жавобларим илмий раҳбарим Ирина Александровна Жучкова ва кафедра мудирини Надежда Ивановна Гезни қониқтирди.

Одатда муҳокамадан аввал илмий тадқиқот матни билан кафедранинг уч аъзоси танишиб чиқади ва ишнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида қатнашчиларга ахборот беради. Уччала тақризчилар ҳам диссертациянинг яқунланганлиги ва мавзунинг тўла еритилганлигини эътироф этган ҳолда, айрим камчиликларни бартараф этгандан сўнг ишни ҳимояга тавсия этиш мумкин деган фикр билдирдилар. Кафедра йиғилиши диссертацияни ҳимояга тавсия этди.

Иштирокчилардан бири, чеҳраси очиқ, юз-кўзидан олимлиги шундоққина сезилиб турган, истараси иссиқ, қиров босган сочларини орқага тараган, ғоз гавдали зиёли сўз олиб, жарангдор рус тилида ўзини таништиради ва тадқиқот мавзунининг долзарблиги, диссертантнинг яхши

тайёргарлик кўрганлиги, қилинган тадқиқотнинг Ўзбекистон учун назарий ва амалий аҳамияти жуда катта эканлиги ҳақида гапирди. Шундай илмий ходимларни тайёрлашда Методика кафедраси жамоасининг роли ниҳоятда катта эканлигини эътироф этган ҳолда ўзбекистонлик мутахассис сифатида Морис Торез номли институт олимларига миннатдорчилик изҳор қилди. Бу кафедра аъзолари учун ўзига хос ташаккурнома бўлиб, улар меҳнатини эътироф этиш ва уни қадрлаш эди. Шу билан бирга Ўзбекистон ва Россия олимларининг илмий ҳамкорлигини ривожлантиришга қўшилган муносиб ҳисса ҳам эди.

Бу инсон, мен у ҳақда кўп эшитган, китобларини ўқиб ўрганган, улардан фойдали маслаҳатлар олган, лекин ўзини хали кўрмаган, Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти методика кафедрасининг мудирини профессор Жамолиддин Жалолов эди. Домланинг илмий тадқиқотим ҳақида илиқ гапларни айтиши мен учун ўзига хос мақтов ва мукофот бўлди.

Муҳокамадан сўнг, домла менга қараб, юринг мен Сизга бир тушлик қилиб берай, дедилар. Овқатланиб ўтириб, мени самимий табрикладилар. Ишингизнинг моҳиятини яхши очиб бердингиз, саволларга ҳам яхши жавоб бердингиз, домлаларингиз ҳам Сиздан ва ишингиздан миннатдорликларини изҳор қилдилар, бу мени қувонтирди, дедилар оталарча меҳр билан. Энди, Саидумаржон, дедилар домла салмоқ билан, агар хоҳласангиз мен ректоримиз Жамолиддин Бўроновга кўнғироқ қиламан, биз билан бирга ишлайсиз. Бу мен учун қутилмаган таклиф ва Тошкентлик олимнинг мени мутахассис сифатида эътироф этиши эди.

Мен бир оз эсанкираб қолганимдан нима дейишни ҳам билмай лол эдим. Бироз ўзимга келиб, домлага таклиф учун миннатдорчилик билдирдим ва хали танишиб улгурмаган кишининг шунчалик ишонч ва эзгуликлик билан қилган илтифотидан жуда таъсирландим. Келажакда домланинг этагидан маҳкам тутиб, у кишининг илм ва тажрибасидан кўпроқ бахраманд бўлишим кераклигини дилимга тугиб кўйдим. Домланинг шогирдлар ютуғидан қуванадиган бағрикенг устоз эканликларини эътироф этдим.



... Ҳамкорлигимиз жараенида бундай эътирофлар сон-саноксиз бўлди.

## ШОГИРДЛАРИ БИЛАН ФАҲРЛАНАДИГАН УСТОЗ

Нурмуҳаммад Эрматов 1941 йилнинг 13 сентабрида Янгиқўрғон туманида деҳқон оиласида таваллуд топди. Отаси Эрмат Ҳомидов урушда вафот этди.

1948-58 йилларда Янгиқўрғондаги 2-ўрта мактабда ўқиди. Урта мактабни битиргандан сўнг, 1958 йили Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг немис тили факультетига ўқишга кирди. У ерда Б.Л.Бондаревский, О.И.Хазова, И.И.Краус, Я.Р.Беньяминов ва бошқа устозлардан немис тили сирларини ўрганди.

У 1963 йилда факультетни имтиезли диплом билан битириб, Наманган Давлат Университетига муаллимликка ишга юборилди.

Университетнинг чет тиллар кафедрасида Ю.Абдумўминов, И.Сахов, М.Камолиддинов ва бошқалар билан немис тилидан дарс бера бошлади.

1964-65 йиллар давомида ҳарбий хизматни ўтади.

1965 йилнинг августидан бошлаб яна чет тиллар кафедрасида фаолиятини давом эттирди.

1966-1967 ўқув йилида университетда чет тиллар факултети ташкил қилиниб, немис тили бўлимига 34 нафар талаба қабул қилинди. Домла учун ҳақиқий фаолият ва синов энди бошланди. Немис тили фани бўйича мутахассис тайёрлаш ўз-ўзидан бўлмайди. Чет тилида олиб бориладиган маъруза ва семинарларга жиддий тайёргарлик куриш талаб этиларди. Домла ҳам астойдил ишлаб бор кучини, илмини мутахассис тайёрлашга ишига сафарбар қилди.

1971 йилда факультетнинг биринчи қалдирғочлари сафидан С.Сайдалиев, Ж.Турдиева, Р.Тожимирзаев, З.Абдурахимовалар, 1972 йилда эса Ҳ.Нурматов кафедрада ўқитувчи бўлиб ишлаш учун олиб қолинди. Энди талабалар билан ишлаш билан бир қаторда еш домлалар билан ҳам ўзига хос тарзда фаолият олиб бориш талаб этилар эди. Бу вазифа кўпроқ Н.Эрматов зиммасига

тушарди.

Н.Эрматов 1969 йилдан 1981 йилга қадар катта ўқитувчи ва кафедра мудири лавозимларида ишлади. Домла ўз фаолияти давомида немис тили кафедраси ва бўлимнинг моддий базасини яратиш, ўқув қуроллари ва воситалари билан таъминлаш борасида катта ишларни бажарди.

Домла ҳалол инсон, айти пайтда немис тили ва уни ўқитиш методикасини яхши биладиган мутахассис ҳисобланади.

Талабалик йилларимизда домла бизга немис тили соҳасида энг билимдон, қироати ёқимли, ғайрат-шижоатли муаллим сифатида танилган эди. Домланинг дарслари қизиқарли, демократик мезонга амал қилинган ҳолда ташкил қилинар, талабалар ўзини эркин ҳис қилар, дарс юморга бой бўлиб, вақтнинг қандай ўтгани ҳам сезилмасди. Домла бир томондан талабчан, қатъиятли, билдиришни истайдиган муаллим бўлса, иккинчи томондан бағри кенг, талаба шахси ва билимини ҳурмат қиладиган, уларни ҳамиша қўллаб-қувватлайдиган, далда берадиган, вақтида танбеҳ бериб, дўқ- пўписа қилса-да, ҳеч қачон шахсиятига тегмас, жаҳли чиққан кезларда бир оздан сўнг яна самимий муомалада бўлар эди. Шунинг учун бўлса керак имтиҳон ва синовлар чоғида талабалар, айтиқса паст ўзлаштирувчи талабалар, домлага жавоб беришни истар эдилар. Бошқа гуруҳда ўзлаштирамовчилар сафида бўлган айрим талабалар домланинг гуруҳига ўтказилганда уларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари яхшиланган ҳоллари кўп бўлган.

Домла бизга немис тилининг сирларини ўргатган, назарий грамматика, таржима назарияси, оғзаки ва ёзма нутқ амалиёти курслари бўйича дарс берган. Домла ўргатиш билан бирга ўзи ўрганар, буни талабалардан яширмасдан, бемалол немисча-русча луғатдан топилган сўзларнинг маъносини гуруҳимиздаги рус мактабини битирган айрим талабалардан сўраб олар ва бу билан ўзига нисбатан талабаларда яқинлик, ишонч ва ҳурмат ҳиссини уйғотар эди.

Беш йиллик талабалик ўқиш-ўрганиш, ўқитиш-ўргатиш

жараёни фақат аудиторияларда кечмасдан далаларда пахтага ишлов бериш ва пахта терими жараёнида ҳам давом этган. Қишлоқ хўжалик ишларига чиққанимизда домла ҳар доим биз билан бирга бўлар, кечқурунлари қизиқарли суҳбатлар қураб, шахмат ўйнаб, вақтимизни чоғ этишга ҳаракат қилар, шу билан бирга бизни қаттиқ назорат остида ушлаб турар эди. Домла бизни эҳтиёт қилиш учун ўзи тиниб-тинчимас, шунинг учун ҳам кутилмаганда домла келиб қолиши мумкинлигини ҳар бир йигит-қиз билгани ҳолда хушёр турар эди. Шуниси қизиқки, домла бизни қанчалик қаттиқ назоратда ушлаб турмасин энг кўп даҳанаки жанг ёки ёшликнинг бебошликлари домланинг сменасида содир бўларди. Домла воқеани астойдил муҳокама қилар, гарчи осмонни ташлаб юборадиган даражада дўқ-пўписа қилса ҳам, яна бир оздан сўнг жаҳлидан тушиб, бу сафарча кечирдим, энди бундай номаъқулчиликни бошқа қайтарманглар,- деб бизни кечирар эди.

Шунинг учун ҳам биз сиримизни, дардимизни тортинмасдан, яширмасдан домлага айта олар эдик. Тўйимиздан аввалги биринчи совчиликни домла ташкил қилганлар. Маликжон Шамсиддинов, Йўлдошали Абдумўминов ва домла курсдошим Жамилаларникига оиламиз номидан совчи бўлиб боришган. Домлаларнинг совчиликка бориши, набирасини уйимдан беш юз метр ҳам узоққа узатмайман, деб юрган Турғунбой бобонинг сўзидан қайтишга мажбур қилган. "Эрмуҳаммад мен сенга ишонаман,-" деган бобо оқ фотиҳа берган.

1971 йили бизни кафедра ассистентлигига олиб қолишда ҳам домла ташаббускор бўлган. Тажрибасиз, ғур, билим даражаси ҳали етарли бўлмаган, талим-тарбия ишини ва методикасини олий мактабда ишлаш даражасида эгаллаб олмаган ёш мутахассисларга домлалар ҳам турлича муносабатда бўлганлар. Ҳатто Эрматов кафедрага ҳеч нарса қўлидан келмайдиган болаларни йиғиб олди,- дегувчи домлалар ҳам бўлган. Домла бизни бундайлардан ҳимоя қилишга уринар, ёмонимизни яшириб, яхшимизни ошириб кўрсатишга ҳаракат қилар эди.

Қирқ йилга яқин ишлаб ортирган тажрибадан келиб

чиқиб айтаман-ки, ёшларни тарбиялаш, уларга йўл-йўриқ кўрсатиш, уларга меҳр бериш, доимо ниманидир ўргатиш, ҳалолликка ва тўғри йўлга бошлаш шогирдлар учун қанчалик зарур бўлса, устоз учун ҳам шунчалик керак экан. Вақт шиддат билан шунчалик тез ўтар экан-ки, ҳамма кўрган-кечирганларинг кўз ўнгингда кечагидек намоён бўларкан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур айтганидек,

*Ҳар ким-ки вафо қилса, вафо топқусидир,*

*Ҳар ким-ки жафо қилса, жафо топқусидир.*

Домла бизларни ўқишни давом эттиринглар,- деб барча шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилган устозлардан ҳисобланади. Москвада аспирантурада ўқиб юрган чоғларимда ҳар йили ёрдам тариқасида менга 240 соатдан дарс ажратар, бу дарсни ўтишга ҳатто домла ёрдам ҳам берар эди. Мен ёзги таътилга келганимда бу дарсларни ўтиб бир оз моддий ёрдам олар эдим.

Домла шогирдим мендан зўр, мен уй ўқиши дарсини шогирдимчалик ўтолмайман, буни фалончи шогирдим қотиради, бу нарсани пистончи шогирдимдан сўраймиз, дейиш билан ўз шогирдларининг ютуқларидан қанчалик қувона оладиган ҳақиқий устоз эканлигини намойиш қилади. Албатта, бундай қилиш ҳамма устозларнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Баъзан: "Сенлар жуда қувсанлар, мени мақтаб барча коспектларим ва китобларимни олиб қўйдиларинг",- деб ҳазиллашиб ҳам қўяди, сўнгра жиддий тортиб, - менинг барча йиққан китобларим сизларники, сизлар фойдалансаларинг, мен хурсанд бўламан,- дейди самимийлик билан.

Университетни битирганимизга 20, 25, 30, 35 йил бўлган саналарни нишонлаш пайтида барча курсдошлар домла ва рафиқаси Орзухон аяни дастурхон тўрига ўтқазиб, уларнинг ҳурматини жойига қўйиб миннатдорчилик сўзларини айтганда ҳар доим домланинг кўзига севинч ёшлари келади, бундан қувонади, биз ҳам ўз навбатида шундай устозимиз борлигидан қувонамиз, ўзимизга ҳам шундай иззат-ҳурмат билдира оладиган шогирдлар тилаймиз. Домлага ҳамиша ҳавасимиз келади. Узоқ яшашларини, даврамиз тўрида савлат тўкиб ўтиришларини

жаноби Оллоҳдан сўраймиз.

Кафедранинг катта ўқитувчиси Жамилахон Турдиева домла ҳақида қуйидаги илиқ сўзларни айтади:

"Биз домланинг эрка, севимли толибаларидан бўлганмиз. Домла бизга бор кучи, илми, зеҳни билан фан сирларини ўргатган устозлардан ҳисобланади. Биз домлага жуда ишонар, ўзимизни отамиздек муомалада булар эдик. Шунинг учун ҳам домла бизни ўз фарзандидек қаттиққўллик ва меҳр билан ҳимоя қилар ва келажақда рақобатбардош, етук мутахассис бўлишимизни жуда-жуда хоҳлар эди. Шунинг учун бўлса керак, мен домла бизга сидқидилдан ўтган назарий ва амалий грамматика курслари бўйича мутахассис бўлишни истадим ва домла кўмагида бунга эришдим. Менга қимматли маслаҳатлар бериш билан бирга ўзи тайерлаган конспектлар ва барча китобларни ҳам совға қилди. Мен бундан жуда миннатдорман.

Домла бизнинг барча сир-асрорларимиздан хабардор эди. У бизга қаттиқ ишонарди. Шунинг учун ҳам биз домланинг ишончини оқлашга чин дилдан ҳаракат қилардик. Домла курсимиздаги ҳар бир йигит-қизнинг келажақда бахтли ҳаёт кечиришини, яхши мутахассис бўлишини истарди ва бунинг учун ўзининг амалий ёрдамини ҳам аямасди. Менга турмуш ўртоғимни танлаш борасида ҳам маълум хизматларни қилган ва тўйимизда бош-қош бўлган. 40 йиллик иш тажрибасига эга бўлсам ҳам, ҳозиргача домладан ота-устоз сифатида маслаҳат ва ёрдам олиб тураман ва бундан фахрланаман. Шундай устоз ҳаммага ҳам насиб этсин."

Ўз фаолияти давомида бир неча бор Тошкент шаҳрида ва Германияда малака ошириш курсларини ўтаб келган Эрматов домланинг набира шогирди Филология фанлари номзоди, доцент Зоҳиджон Содиков: "Мен 1978 йилда Наманган Давлат педагогика институтининг чет тиллар (немис ва инглиз тиллари йўналишлари бўйича) бўлимига ўқишга кирдим. Бизга Жамилахон Турдиева, Саидумар Сайдалиев, Уктамжон Нурматов каби малакали устозлар дарс бера бошладилар. Талабаликнинг юқорироқ босқичига ўтганимиздан сўнг назарий ва амалий грамматика курсларидан домла Нурмуҳаммад Эрматовдан сабоқ

олганмиз. Тўғриси айтганда устозларимнинг устози ҳақида гапириш анча қийин. Аммо Н.Эрматов домладаги соддадиллик, ҳалоллик, самимийлик, ўзини талабаларга яқин тута билишлик хислатлари у инсон тўғрисида гапириш муаммосининг осон ечилишига ёрдам беради. Домла узоқ йиллар немис тили кафедрасига мудирлик қилганлар. Ўз иш фаолиятлари давомида ҳеч бир ҳамкасблари, шогирдлари ва талабалари кўнглини бесабаб оғритганликларини эслолмайман. Салкам ўттиз йилдан бери домлани билган шогирд сифатида айтишим мумкинки, бу инсон ҳеч қачон таъмагирлик, калондимоғлик кўчасига кирган эмас. Менимча бу олий таълим соҳасидаги мутахассис учун энг зарурий хислат. Устоз Ғайбулла ас-Салом айтганларидек, - ҳалоллик бозорда сотилмайди. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, домла ана шундай хислатга эга бўлган, пиру-бадавлат инсон. Бугунги кунда у ўз умр йўлдоши, ширин-шакар фарзанд ва набиралари даврасида бахтли ҳаёт кечираётганлигининг боиси ҳам ана шундан деб биламан. Домладаги бу ажиб жиҳат унинг шогирдларига ўтган, десам янглишмайман. Домланинг вилоятимиз олий ва ўрта-махсус ҳамда ўрта умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган шогирдлари устоз ҳақида ҳамиша ширин сўзларни айтадилар. Ўйлайманки, домланинг набира шогирдлари ҳам анъаналарга содиқ қолган ҳолда мамлакатимиз ёшларига таълим-тарбия беришда бор билим ва кучларини сарфлайдилар.”

## ШОГИРДЛАР ЭЪТИРОФИ

Устоз ва шогирд муносабати нозик, муқаддас ва шу билан бирга мураккаб ҳисобланади. Гарчи ҳар қандай кишининг ўз устозлари ва шогирдлари бўлса-да, ҳар қандай муаллимни ёки устани устоз ҳамда ҳар қандай ўқувчини шогирд деб бўлмайди.

Одатда иши юришиб кетган ўқувчини шогирдим, ва аксинча, юқори мартабаларга эришган кишини менинг устозим эди, дегувчилар кўп бўлади. Ҳеч кимнинг нотўғри йўлга юриб кетган ўқувчини менинг шогирдим, ўқувчим эди, дегиси келмайди. Устозлар яхши ўқувчилари билан

фахрланадилар, лекин яхши ўқувчиси билан фахрланиш ҳамма устознинг ҳам қўлидан келавермайди. Шогирдлар ютуғидан қувониш ҳислати муҳтарам Домламининг фазилатларидан бири эди.

Уйчи туманининг Ахси қишлоғидаги 12-сон саккиз йиллик мактабнинг 6-синфида ўқиётган чоғимизда немис тили фани ўтила бошланди. Бу биз учун бутунлай янги фан бўлиб, уни жийдакапалик Домла олиб борардилар. Домла олти километр масофадан велосипед билан қатнаб ишлардилар. Ута содда ва ишонувчан қишлоқ болаларида Домла ўтаётган дарслар, дунёда ўзбек тилидан ҳам бошқа тилнинг мавжудлиги жуда ғаройиб таассурот қолдирди. Бутун мактаб немис тилини ўрганиш билан банд бўлиб қолди. Ўқувчилар танаффусда ҳам янги фан ва "немис домла" ҳақида гаплашардилар. Домла мактабимизга ҳафтада фақат икки марта келганликлари учун биз "немис домла"мизни орзиқиб кутардик. Биз учун янги фандаги ҳамма нарса янги эди: Домла, китоб, расмлар, сўзлар, ҳарфлар. Бундан ташқари Домланинг самимий муносабатлари, ҳушмуомалалиги, босиқлиги, мулоҳазалилиги, педагогик тажриба ва маҳоратлари, ўзига хос ёқимли ва қатъий "немисча" қироатлари барча ўқувчиларни ром этганди. Домланинг биринчи мутахассисликлари ўзбек тили ва адабиети ўқитувчиси бўлганлиги учун ҳам икки тилни чоғиштириб ўтиш борасида шухрат қозонгандилар.

Барча ўқувчилар қалбини ром этган Домла тез орада синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ҳам жонлантириб юбордилар. Мактабда интернационал дўстлик клуби ташкил қилиниб, унга алоҳида хона ажратилди. Дарсдан сўнг биз шу хонага йиғилиб кўرғазмали қуроллар тайёрлар, деворий газеталар чиқарар ва турли тадбирларга тайёргарлик кўрардик.

Ҳозирги илмим, тажрибам, дунёқарашим билан бундан қирқ йиллар аввал ташкил қилинган байналминалчи дўстлик клуби фаолиятига назар ташласам, Домланинг ҳар бир ўқувчига индивидуал ендошиш принципи асосида ишни шунчалик усталик билан ташкил қилганликларига тасанно айтмасдан иложим йўқ.

Бир гуруҳни йиғиб, сизлар сурат солишга яхшисизлар, бу суратлар остига уларнинг номларини немисча ёзинглар, бошқа бир гуруҳга чизма чизишга ўқувларинг яхши, сизлар бу воқеаларни чизма шаклида ифодаланглар, қизлар гуруҳига мана бу кийимларни бичиб тикинглар, номларини немисча ёзиб қўйинглар, бошқа гуруҳга бу предметларнинг макетини ясанглар, макетларга немисча ном беринглар, деган топшириқлар билан ҳар бир ўқувчининг лаёқатига яраша вазифа берардилар. Бу билан Домла худди жўжаларга дон сепиб, катакка қамагандек бизга ўз ҳоҳишимиз билан ўзлари истаган ишни қилдирган эканлар. Шу аснода педагог маҳорати юксак самара бериб, у илғор педагогик технология деб номланувчи маҳорат даражасига кўтарилган экан.

Шунинг учун бўлса керак, синфимиздагина эмас, балки мактабимиздаги кўпчилик ўқувчилар немис тили ўқитувчиси бўлишни орзу қилардилар.

Мактабимиз саккиз йиллик бўлганлиги учун 9-синфни Жийдакападаги 2-сонли ўрта мактабда давом эттирганмиз. Етти нафар ўқувчи велосипед билан ҳар куни 6 км масофани у ва бу ёққа босиб ўтиб, ўқишга қатнардик.

Мактабда учта 10-синф бўлиб, бизнинг синфимиз йиғма синф эди. Унда Уйчи туманининг 12, 18, 19, 24, ва Калкўз, Қурама ва Даҳяк Ота қишлоқларидаги саккизинчи синфни битирган ўқувчилар ўқишарди. Синфимизга тарих ўқитувчиси Тошпўлат Тожибоев раҳбарлик қилганлар. Синфимиз ўқувчилари турли мактаб битирувчилари бўлганликлари учун уларнинг ўқишга бўлган иштиёқлари баланд эди. Дарслар жуда жонли, мусобақа тарзида ўтар, ўқитувчиларимиз ҳам ғайрат билан дарс берардилар. Домлаларимизнинг билимлари ва дарс ўтиш маҳоратлари бизни ром қилиб қўярди. Айниқса физика ўқитувчиларимиз Эргашали Акбаров, Одилжон Аҳмадалиев, адабиётчи Насимбой Ёқуббоев, тарихчилар Ҳолмирза Саидбоев, Тошпўлат Тожибоев, математик Собиржон Мирзараҳимов, жамиятшунослик фани ўқитувчиси Неъматжон Абдуллаев ва немис тили ўқитувчимиз дарсларини маромига етказиб ўтардилар. Фақат бизнинг синфдагина немис тили ўқитиларди.



Домларимизнинг билими, кийиниши, ҳулқи, юриш-туриши, муомаласи, турмуш даражаси бошқа касб вакилларига нисбатан анча юқори даражада эди. Шунинг учун бўлса керак, битирувчилар ўртасида муаллим бўлиш орзусида бўлганлар кўпчиликни ташкил қиларди. Биз ҳаммамиз ўқитувчиларимизни ҳавас қилиб, уларга тақлид қилардик.

1966 йили 2-сонли мактабни учта 10-синф ва учта 11-синф ўқувчилари тамомладилар. Олти нафар ўқувчи мактабни кумуш медал билан битирди. Улар сафида мен ҳам бор эдим. Мен синфдошим Маҳмудов Файзулло билан биргаликда Тошкент давлат чет тиллар институтига ўқишга боришни режалаштириб турганимизда Наманган давлат педагогика институтида чет тиллар факультети очилиб қолди. Биз шу факультетга ҳужжат топшириб, кириш имтиҳонларидан муваффақият билан ўтдик.

Домла ўз ўқувчиларидан икки нафарининг немис тили факультетига қабул қилинганлигини эшитиб чексиз хурсанд бўлдилар. Бизни чин юракдан табриклаб, астойдил ўқишга даъват қилдилар. "Агар сизлар институтни тамомлаб, мен орзу қилган немис тили ўқитувчиси бўлсаларинг, - дедилар Домла, - менинг армоним қолмайди." Яна қўшиб қўйдилар: - "Ҳар бир шахс ўз соҳаси бўйича ўринбосар-шогирд тайёрласагина, жамият олдидаги ўз бурчининг бир қисмини бажарган бўлади."

Бу борада Домла ўндан ортиқ шогирд тайёрлаб бошқаларга ўрнак бўларли иш қилдилар.

Институтда ўқиб юрган чоғимизда ҳам Домла биздан тез-тез хабар олиб турар, талабалик йиллари бошдан кечирган қийинчиликлари ҳақида гапириб берардилар. Домла ўтказган ҳар бир суҳбат биз учун қизиқарли ва таълимий бўларди. Баъзан у ёки бу нарсадан нолиб қолсак, сабр ва шукур қилиш керак, бизни қийналиб ўқиган деса бўлади, бекорга илм олиш игна билан қудуқ қазишга баробар, деб айтилмайди. Сизларга яратилган шароит бизларнинг тушимизга ҳам кирмаган, - деб бизга таскин берардилар. Шу билан бирга, - лекин хотиржам бўлиш ҳам ярамайди, доимо олға интилиб яшаш керак, - деб бизни олға интилишга чорлардилар. Биз зриша олмаган ютуқ ва

мартабаларга сизлар эришишларинг керак, ахир айтишадик, устоздан ўтмаган шогирд ҳақиқий шогирд эмас, - деб. Бу Домланинг олға ундовчи севимли гаплари эди.

Домла биз билан учрашганда ҳар сафар бизни мактабга таклиф қилар, ўқувчилар билан учрашишга, мактаб ҳаёти билан яқиндан танишишга чорлардилар. Бундай учрашувлар икки томонлама, ҳатто, уч томонлама самара берарди. Бир томондан, биз учрашувга жиддий тайёргарлик кўрар, иккинчи томондан, ўқувчилар ҳар сафар бирор дастур тайёрлаб бизга намойиш қилишар, учинчи томондан эса, Домла ўқувчилари ва ҳамкасабалари ўртасида, мана, менинг бундай шогирдларим бор, кўриб кўйинглар, деб ўқувчиларда ўқиш ва ўрганишга бўлган ҳавас ҳиссини тарбияласалар, ҳамкасабаларини эса ўз соҳалари бўйича шогирд чиқаришга ундардилар.

Институтни битирганимиздан сўнг мени немис тили кафедрасида ўқитувчи вазифасида олиб қолишди, курсдошим ва ҳамқишлоғим Файзулло Маҳмудов Домла ишлаётган мактабга немис тили ўқитувчиси бўлиб борди. Бундан Устознинг қувончи чексиз эди.

Домла ҳар доим менинг ўқишни давом эттиришим кераклиги ҳақида уқдирардилар.

Москва шахрига аспирантурага кетаётган куним мени кузатгани чиқдилар. Дадам билан бирга оқ йўл тилаб, фотиҳа бераётиб: "Лайлакнинг кетишига эмас, келишига қара, деганлар, сизни биз, ота-онангиз, оилангиз ва дўстларингиз яхши ният ва катта орзу-умидлар билан кузатмоқдамиз. Сиздан астойдил ўқиб-ўрганиб, ўз вақтида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб келишингизни сўраймиз, бунга мен қаттиқ ишонаман," - дедилар. Бу ўзига ҳос масъулият юкловчи тилак ва топшириқ эди. Шунинг учун ҳам бу сўзлар беш йил давомида ҳар доим қулоқларим остида жаранглаб турди.

Домла менга москвалик олима Савельева Виктория Викторовна исмли аёл номига қисқа саломнома ёзиб, унинг адресини ҳам бердилар. Мен бу аёл билан Германияда малака ошириш курсида бўлганман. У жуда билимдон ва тажрибали олима. Унинг кўплаб китоблари чиққан, - дедилар Домла. Москва шахрида мен В.В. Савельевадан

илм соҳасида кўп нарсани ўргандим, жумладан, ўқиш китоби тайёрлашда методик ёрдам олдим, у билан ҳамкорликда китоб ёздим. Москвага борган дастлабки ойларда бу оила мен учун таянч нуқта бўлди. Виктория Викторовнанинг турмуш ўртоғи ва қизчасидан русча мулоқот сирларини ўргандим.

Аспирантурани тамомлагандан сўнг НамДУнинг немис тили кафедрасида ишлаш билан баробар Наманган вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида ҳам дарс бериб турардим. Навбатдаги янги гуруҳда машғулот бошлаш учун аудиторияга кирсам Домла ҳам тингловчилар қаторида ўтирибдилар. Саломлашгандан сўнг, Домлага мурожаат қилиб:

- Агар Сиз менинг эркин дарс ўтишимга ердам бераман десангиз..., дедим дудуқланиб.

– Ҳа, сиз мени дарсингизга қўймоқчи эмасмисиз? – дедилар Домла.

Мен, ундай демоқчи эмасман, агар сиз хонада ўтирсангиз, мен яхши дарс ўта олмайман, - дедим.

Домла, - Жуда яхши, сиз мени хонада йўқ деб ҳисобланг, ахир сиз Москвада ўрганиб келганларингиздан мен ҳам бахраманд бўлишим керак-ку, - дедилар.

Мен дарсни бошлашга мажбур бўлдим. Бир оз ноқулайликлардан сўнг ўзимни унглаб олдим. Домла курс давомида энг фаол ва илғор тингловчи бўлдилар. Кўп ҳолатларда ўзларининг илғор педагогик тажрибалари билан менга кўмак бериб турдилар. Мен дарсларга ҳар сафаргидан ҳам пухтароқ тайергарлик кўрардим. Бу ҳам мен учун Домла томонидан ўтказилган ўзига ҳос имтиҳон ва синов бўлди.

Вилоят малака ошириш институти Мингбулоқ тумани марказида чет тил ўқитувчиларининг семинарини ташкил қилди. Семинарда вилоятнинг барча чет тил ўқитувчилари, мактаб, туман, шаҳар ва вилоят халқ таълими ташкилотлари раҳбар ходимлари иштирок этдилар. Чет тил таълимининг долзарб масалалари ва кун тартибида турган муаммолар муҳокама қилинди. Мен ҳам "Чет тил дарсларида такомиллашган ўқув дастури асосида ишлаш" мавзуида маъруза қилдим. Тингланган маърузалар ва

кузатилган дарслар юзасидан куннинг иккинчи ярмида мунозара ва музокара ўтказилди.

Домла ҳам сўз олиб, ўз тажрибалари асосида мактаблардаги чет тил таълимининг аҳволи ва уни ривожлантириш борасидаги таклифларини баён қилдилар. Семинарнинг барча қатнашчилар учун фойдали бўлганлигини айтиб:

- Мен бугун жуда бахтли муаллимман, чунки бугун мени узоқ йиллардан бери ташвишга солиб келаётган муаммолар кун тартибига қўйилди, бу муҳокамада вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ва ходимлари ҳам иштирок этдилар. Бу ишларимизнинг янада ривож топишга замин бўлади. Бу кун мен учун яна шуниси билан ҳам унутилмаски, мен шогирдимнинг маърузасини тингладим, бошқалар ҳам уни диққат билан тинглашдан ташқари кўп маълумотларни ёзиб ҳам олдилар, энди менинг армоним йўқ, - дедилар. Бу маърузачини мақташ билан бирга, кўриб кўйинг, менинг шундай шогирдим бор деб, ўзига хос фахрланиш ва ғурурланиш ҳам эди.

Домла чет тилларни ўқитишни ҳудудлаштириш ва кўптиллилиқни жорий қилиш ҳақида ҳам кўп қайғурардилар. Вилоятимиз учун, қолаверса, Республикамиз учун кўп тилларни биладиган мутахассислар сувдек зарур. Инглиз, немис, франсуз, испан ва рус тилларидан ташқари, хинд, япон, корейс, хитой, араб ва бошқа тилларни биладиган мутахассислар керак. Ҳаёт шундай ривожланиб бораверса бунга эҳтиёж кундан кунга ортиб бораверади. Ахир бизнинг бобоколонларимиз кўплаб тилларни билганлар. Барча илмли кишилар форс, тожик ва араб тилларини билганлар. Юқоридаги фикрлар Домла томонидан ҳамиша такрорлаб келинган.

Домла бизга кўп такрорлайдиган ўғитлардан яна бири ҳалол меҳнат қилиш ва бу меҳнатнинг натижасини кўрсата билиш ҳақида эди. "Фаолиятингизни назорат қилишга келган кишиларга ўқувчингиз ва талабангиз иштирокида бирор тадбир ўтказиш ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини намоиш қилиш меҳнатингиз самарасини дарҳол намоиш қилиш имконини беради," таъкидлардилар Домла.

“Ҳар бир синф ёки гуруҳда шеър, қўшиқ, рақс ва бошқа бадиий чиқишларни тайёрлаш сабр билан меҳнат қилишни талаб қилади ва шу билан бирга меҳнат натижасини дарҳол баҳолашга шароит яратади. Сизлар бунга алоҳида эътибор беринглар,” дер эдилар.

Бир куни “касбий касаллик” тушунчаси хусусида, унинг нима эканлигини сўраб қолдик. “Ҳар бир касбга оид касаллик бўлади” деб тушунтира кетдилар Домла. “Масалан, қурувчига ўзга киши қурган бино қийшиқдек кўринади, боғбонга мевалар кам ҳосилдек, чорвадорга ҳайвонлар озғиндек, шунга ўхшаб ўқитувчи ҳам бир оз номаъқул ишни кўрса, бепарво ўтиб кетолмайди, дарҳол танбеҳ бергиси келади. Айниқса, бу касб эгалари кексайганда кўпроқ гапирадиган бўлиб қоладилар. Бунинг сабаби уларнинг назарида ўқувчилар тушунмай қолаётганга ўхшайди, натижада нутқидаги қисқалик йўқолиб, кўпроқ гапириб юборади. Бу, албатта, дуруст эмас.”

Инсон ўзидан насл, яхши ном қолдириш учун, унинг яхшиликларини эслашлари учун яшайди. Ўқитувчи шогирд чиқариш борасида жон куйдиради. Унинг учун энг катта бахт шогирдлар эътирофи. Шу сўзлар билан Домла ўша суҳбатни якунлаган эдилар.

Мана бир неча йилдирки Устозимиз Халқ маорифи аълочиси Маъсуфхон Нуъмонов орамизда йўқ. Биз шогирдлар Устозни соғинамиз, у кишининг суҳбатлари ва маслаҳатларига эҳтиёж сезамиз. Шунда Домланинг бизга қилган насихатлари ёдимизга тушади. Устознинг ҳақиқий устоз эканликларини эътироф қилган холда, у кишининг руҳларини шод бўлишини тилаб, ишимизни астойдил давом эттиришга бел боғлаймиз.

## МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ТАРИХЧИСИ

Биз бугунги кунда ўта шарафли тарихий бир даврда яшамокдамиз. Мустақилликка эришганимиздан кейинги тарихан қисқа даврда мамлакатимиз ҳаётида ҳам, одамлар турмушида ҳам кескин бурилиш ясалди. Одамларнинг фикрлашлари, тафаккури ўзгарди. Бундай ўзгаришларни рўебга чиқишида ўзининг серқирра илми, юксак

маънавияти, намунали хулқи ва маданияти ҳамда раҳбарлик салоҳияти билан обрӯ-эътибор топган, қалби пок, ижтимоий ҳаётнинг қайноқ ўринларида фаолият кўрсатаётган фидоий инсонлардан бири Турсунбой Файзуллаевнинг хизматини алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур.

Унинг сермазмун ҳаёти, илмий-ижодий ишлари ҳамда ташкилотчилик фаолияти бугунги кунда барча учун, айниқса профессор-ўқитувчилар ва талаба ешлар учун ибратлидир. Бу инсоннинг асосий мақсади мустақил давлатимизни мустаҳкамлаш, талаба ешлардаги иймон-эътиқодни, жонажон Ватанимиз ва меҳнаткаш халқимизга бўлган меҳр-муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада кучайтиришдан иборат.

Турсунбой Файзуллаев 1944 йилда Чуст туманидаги Баймоқ қишлоғида хизматчи оиласида таваллуд топган. Ўткир зеҳни, масъулиятлилиги, куйинчаклиги, ташаббускорлиги билан мактабда ҳам бошқалардан ажралиб турарди. 1960-1965 йилларда Наманган Давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетида ўқиб юрган кезларида ҳам илмга чанқоқлиги, мамлакатда юз бераётган сиёсий жараёнга қизиқиши ва бу борада ўз фикри борлиги билан устозлар эътиборини тортди. Институтни битириб, икки йил ҳарбий хизматда бўлгач, 1967 йилдан бошлаб ўзи таҳсил олган олий даргоҳда дарс бера бошлади.

Мазмунли маърузалари, қизиқарли семинар машғулотлари билан тез орада талабалар эътиборини қозонди. Домланинг 70-йиллардаги семинар машғулотларини ҳали ҳам мароқ билан эслаймиз. Машғулотларда ҳар бир сиёсий атамага жиддий муносабатда бўлишимиз, сиёсий воқеаларга бефарқ бўлмаслигимиз, уларга изоҳ беришда жиддий мулоҳаза юритишимиз талаб қилинар эди. Шунинг учун бўлса керак, сиёсий мавзулардаги баҳсларда ҳозир ҳам Т.Файзуллаев берган маслаҳат ва сабоқлар қўл келади, тортишувда ҳеч кимдан кам бўлмасликка ҳаракат қиламиз, бу менинг барча курсдошларимга ҳос, деб эслайди Уйчи тумани 18-мактаб физика ўқитувчиси Раҳимжон Буронов.

Т.Файзуллаевдаги билимдонлик, ташаббускорлик

юқори ташкилот раҳбарларининг эътиборидан четда қолмади. Шунинг учун ҳам уни Наманган шаҳар фирқа кўмитасининг бўлим мудирининг вазифасига ишга тайинланди ва у бу лавозимда етмиш биринчи йилдан бошлаб тўрт йил давомида фаолият кўрсатди. Ундаги билимга бўлган чанқоқлик ва интилиш барибир устун чиқди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих институтининг аспирантурасида ўқиди ва номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Шундан кейин Наманган Давлат педагогика институтига ишга қайтиб, ўзбек филологияси факультетини бошқарди. Етмиш бешинчи йилдан бошлаб, то саксон саккизинчи йилга қадар вилоят фирқа кўмитасида тарғибот ва ташвиқот ишлари бўлими мудирининг вазифасида сидқидилдан меҳнат қилди. Кейинроқ тўқсонинчи йилгача идеология бўлими мудирининг, тўқсон биринчи йилгача эса вилоят фирқа кўмитаси саркотибининг ёрдамчиси вазифаларида фаолият кўрсатди.

Тўқсон биринчи йилдан яна кадрдон касбига ишга қайтди. Наманган давлат педагогика институти ректорининг ўринбосари сифатида ишлаб, олийгоҳ ривожини, ўқув-тарбия ишларининг мустаҳкамланишига самарали ҳисса қўшди. 1993 йилнинг февраль ойидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш кўмитаси котиби вазифаларида ишлаб, халқимиз ишончини қозонди. Шу сабабли ҳам 1995 йилнинг январь ойидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис депутати сифатида ҳукуратимиз парламентида ишини давом эттирди.

Ушбу вазифада Т.Файзуллаев ўзининг нотиклик санъати билан ҳаммага манзур бўлган билимдонлардан ҳисобланади. Унинг маърузасини бир марта тинглаган ҳар қандай киши нутқининг мазмуни, мантиқийлиги, сўзлар танлови, мазмун ва шаклнинг ҳамоҳанглигига, нутқ мазмунига оҳанг, овоз баландлиги, урғуларнинг қўйилиши, имо-ишора ва тана ҳаракатларининг мослиги ҳудди талантили актёр ижросининг гувоҳи бўлаётгандек маҳлиё бўлиб қолишини тан олади.

Нотикнинг чиройли, мазмундор, нутқ шароити ва

вазиятига мос равишда фикрини ифодалаш санъати ва санъаткорлигининг сири ва сеҳри, унинг ҳар қандай тадбирда сўзлаш учун масъулият билан, пухта тайергарлик кўришида, нутқини ҳаёлан бир неча марта такрор қилишида, энг асосийси тингловчиларнинг баҳосига жуда катта масъулият билан қарашида эканлигини ҳар ким ҳам пайқайвермайди. Т.Файзуллаев нутқининг қизиқарли, тушунарли ва ёқимли бўлишининг яна бир сири, унда тинглаш қобилиятининг ривожланганлиги, тинглашга усталлиги, тинглаш орқали суҳбатдошнинг қалбини, зеҳнини ва юрагини забт этиши ва энг асосийси ўзи гапирётган гапга ўзининг қаттиқ ишонишида эканлигидир.

НамДУ тарих факультети магистранти Ш.Абдуллаев домла ҳақида қуйидагиларни баён қилади:

Наманган давлат университетининг етакчи олимларидан бири ва узоқ йиллар давомида нафақат ушбу илмгоҳда раҳбарлик лавозимида, балки вилоят ҳокимлигида ҳам маъсул вазифаларда меҳнат қилган сиёсатшунослик фанлари доктори Турсунбой Файзуллаев ёшларнинг севимли устози ва мураббийи саналади. У киши кўплаб изланувчан талабаларнинг илм йўлига киришига ва тадқиқот ишларини олиб боришига сабабчи бўлган, йўналтирган ҳамда бевосита раҳбарлик қилган. Жумладан, менинг «Ўзбекистонда парламентчиликнинг шаклланиши тарихидан» мавзуида магистрлик диссертациясини езишимда менга нафақат илмий раҳбар, балки меҳрибон устоз сифатида ҳам жуда кўп йўл-йўриқ кўрсатиш, мураккаб тарихий ва сиёсий жараёнларни еритиб, илмий таҳлил қилиб беришда у кишининг хизмати катта. Бундан ташқари устознинг бевосита мамлакатимиз қонун чиқарувчи вакиллик органи Олий Мажлисда 2 муддат, яъни 10 йил давомида халқ ноиб сифатида фаолият кўрсатганлари ҳам биз ёшларга жуда катта мактаб вазифасини ўтайди. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, домланинг хушмуомалалилиги ва ҳар қандай масалада фикрингизни охиригача тинглаб, сўнгра ўз фикрларини баён қилишлари ва ушбу масала юзасидан сиз билдирган фикрни таҳлил қилиб, уни тўғри еки нотўғри эканлигининг мантиқий тушунтириб беришлари кишини лол қолдиради. У киши



учун, менинг ёшим ва илмий унвоним улуғ, деб ўз фикрини мажбурий қабул қилдириш умуман бегона. Шунинг учун ҳам домланинг номлари олийгоҳдагина эмас, балки бошқа жойларда ҳурмат билан тилга олинади, биз шогирдлар бу билан тўла фахрланамиз. Домланинг «Ўзбек халқининг мустақиллик учун кураш тарихи» ва «Мустақил Ўзбекистон ривожланиш йўналиши ва муаммолари» фанларидан қилган маърузалари долзарблиги, тарихий ҳақиқатни ёритиб берилиши ва сиёсий жараёнлар ривожини мантиқий кетма-кетликда баён қилиб бериши ҳамда амалий машғулотларда ҳар бир талабани эркин фикр билдириши, баҳс-мунозараларга тортилиши ва эркин иштирок этишларига имконият яратиб берилиши, мавзуга оид материални пухта ўзлаштириб олиш ва улардан амалда фойдаланишга асос бўлади, деб ҳисоблайман. Мен домлани нафақат илмий раҳбар, балки катта ҳаётий тажрибага эга бўлган олим ва устоз деб биламан ва ёшларга узоқ йиллар давомида сабоқ бериб, мамлакатимизда илм-фан ривожига хисса қўшишларига тилақдошман.

Балоғат даврим, университетдаги таҳсил йилларим, қолаверса, салкам ўн йиллик меҳнат фаолиятим давомида мен учун намунали ҳаёт тарзига эга бўлган кишилар жуда кўп, деб ёзади Ҳ.Иброҳимов. Ота-онам, биринчи ўқитувчим, университетдаги устозларим, ҳамкасбларим, дўстларим уларнинг барчаси мен учун бениҳоя қадрли ва азиз! Уларнинг барчаси мен учун буюк устоздир!

Ана шундай кишилар орасида ўзининг шахсияти, ибратли фазилатлари, менинг бугунги камолатимдаги иштироки билан алоҳида ажралиб турувчи инсон Турсунбой Файзуллаевдир. Турсунбой Файзуллаев камтарин инсон, салоҳиятли олим, уста нотиқ, раҳбарлик тажрибасини мукаммал эгаллаган шахсдир.

Бугун домла билан биргаликда ишлаган давримни хотирлар эканман, у кишидаги ибратли қирраларни хаёлан тавсиф беришга ҳаракат қиламан.

Мен у киши раҳбарлигида беш йилдан ортиқ муддат мобайнида бирга ишладим ва айтишим жоизки, бундан доим фахрланиб келаман. Домладаги ишда ва шахсий

ҳаётдаги самимийлик ва бир хиллик, ҳамкасбларга нисбатан хушмуомалалик, ҳар бир ишга, ҳоҳ у ўта долзарб ва йирик кўламда бўлсин, ҳоҳ арзимас, ўткинчи ҳолат бўлсин, бундан қатъий назар, масъулият билан ёндошиш, қарор қабул қилишда вазминлик, жамоатчилик манфаатини кўзлаш фазилатлари эътиборимдан четда қолган эмас. Тўғри, баъзида, ёшликнинг ҳиссиётли туйғуларига берилиб, кескин ва қатъий қарорлар қабул қилиниши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида фикр билдирган пайтларим ҳам бўлган. Бундай пайтларда домла, мени тинглар, мулоҳазаларимни эшитар ва айни пайтда ўз қарорининг моҳиятини, тўғрилигини асослаб берарди. Бугун худди фазодаги иккита нуқтани туташтирувчи чизиқлар сони чексиз ёки тоғ чўққисига чиқишнинг минг хил йўли бўлгани каби, вазминлик билан қабул қилинган қарорда ҳам вазиятни ҳар томонлама таҳлил қилиш, уни юзага келтирган омиллар таъсир даражасини ҳисобга олиш кам хатоларга йўл қўйишга эришишнинг гарови эканлигини яхши тушунаман. Ва албатта буни англашимда Турсунбой Файзуллаевнинг роли катта бўлган, деб дадил айтаоламан.

Улкан тарихимизда мустақиллик даврининг алоҳида аҳамияти бор. Оммага мустақиллик тушунчасининг моҳиятини, унинг аҳамиятини тушунтириш, мустақиллик давридаги ютуқларни етказиш бугунги кун сиёсатшунослари зиммасида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ушбу вазифаларнинг амалий ижроси сифатида Н.Жўраев ва Т.Файзуллаев ҳамкорликда яратган "Мустақил Ўзбекистон тарихи" деб аталган асар ёрқин мисол бўла олади.

Китобда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришиши, янги жамиятга ўтиш даврида сиёсий ислохотларнинг амалга оширилиши, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, фуқаролик жамиятининг шакллантирилиши, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир тадбирлар, мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш омиллари, маънавий-руҳий покланиш ва миллий қадриятларнинг тикланиши ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиши каби масалалар кўриб чиқилган.

Ўзбекистон истиқлол йилларида босиб ўтган

машаққатли ва шарафли йўли тарихини яратиш ишига улкан ҳисса қўшган олимни республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Наманган Давлат университети ректори вазифасига ишга тайинланиши жамоани беҳад қувонтирди. Етук зиёли, забардаст олим ва серғайрат ташкилотчи, катта-кичikka ҳамкор ва ҳамнафас инсон тез орада НамДУ жамоасининг ҳамдарди ва ҳамнафас кишисига айланди. М.Маъмуров ўзининг «Менинг университетим» шеърисида Т.Файзуллаевга ҳос хислатларни куйидагича тасвирлайди:

Ватанга содиқлик, муҳтарам ректор,  
Барча ишингизда етакчи мақсад.  
Бир дона сўзингиз мингларга татир,  
Йўлингиз бузолмас ҳар қандай ҳасад.

Камтарлик – кеманинг лангари, демак,  
Сизнинг сиймонгизга бу фазилат хос,  
Ҳомийсиз талаба, домлага бирдай,  
Ёшу қари Сизга қилади ихлос.

Ҳар бир нутқингизда мантиқ ҳукмрон,  
Саъю-ҳаракатга қиламиз ҳавас.  
Отни чудаё беринг, келажак томон,  
Аҳил сафларимиз ҳамдам ҳар нафас.

Наманган диёрида бўлиб ўтган республика талаба ёшларининг биринчи "Универсиада-2000"нинг юксак савияда ўтишида ҳамда икки универсиадада ҳам президент совғасига сазовар бўлишда НамДУ профессор-ўқитувчилари, талаба ёшларининг, айниқса дорилфунун ректори Турсунбой Файзуллаевнинг муносиб ҳиссаси бор.

У ташкилотчи раҳбар бўлиш билан бирга, изланувчан ва сермаҳсул олим. Унинг олти китоби ва юздан зиёд номдаги илмий мақолалари мамлакатимиз ва хорижда чоп этилган. Докторлик диссертацияси ҳам мустақиллик мавзусига бағишланган бўлиб, "Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш жароёнлари назария ва амалиёти" деб номланади. Йирик сиёсатшунос олим

мактабда ўқиётган фарзандларимизга 11-синф учун “Ўзбекистон тарихи” (мустақиллик даври) дарслигини ёзиб берган муаллифдир.

Биринчи ва иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис сессиялари томонидан қабул қилинган Қонунлар мамлакатимиз равнақи, халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Зеро, ана шу Қонунларнинг тайёрланиши ва қабул қилинишида Олий Мажлис депутати сифатида бевосита қатнашган сиёсатшунослик фанлари доктори Турсунбой Файзуллаевнинг муносиб ҳиссаси бор. Т.Файзуллаев айрим депутатлар қатори юртимизда юз бераётган ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида қатнашиш имкониятига қайтадан эга бўлганлигидан ҳам бу инсоннинг халқпарвар ва юртпарварлиги яна бир бор тасдиқланди. У давлат ва жамоат арбоби, юксак фазилатларга эга бўлган маънавиятли инсонлардан биридир. Камтарлик ва самимийликни, жамият таянчи бўлган аёлларга меҳр-муҳаббат ва иззатни, гузал лутф ва юксак маънавиятни ўзида мужассамлаштирган устоз.

Т.Файзуллаев қаерда ва қайси вазифада ишламасин, матбуот орқали, меҳнаткаш одамлар билан юзма-юз мулоқотда бўлиб келаётган маърифатчи, маънавияти бой олимдир.

Шу билан бирга меҳрибон ота, оилапарвар садоқатли комил инсондир. Турмуш ўртоғи Турсунхон опа билан солиҳ фарзандларни ўстиришган. Қизлари Гулнора, ўғиллари Улуғбек, Алишерлар масъулиятли вазифаларда ишлаб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

## ОТА НАСИҲАТИНИ МУҚАДДАС БИЛГАН ФУЗАЛО

*Эгри кўчадан юрсанг ҳам тўғри юр,  
кам бўлмайсан (Ота насиҳати)*

Мен ҳурматли устозимизнинг тингловчилар диққатини ром қилиб оладиган ва ҳайратга соладиган нотиклик санъати ҳақида, сиёсий тузумга, ўз ғояларига ва ҳукумат раҳбарларига садоқати, ҳурмат зътиқоди ҳақида, барча

олиму уломолар, фозилу фузалолар томонидан эътироф этилган ва юксак баҳоланган илмий тадқиқот ишлари ҳақида, барчага манзур бўладиган сатрларни битиш соҳасидаги иқтидори ва ўткир қалам соҳиби эканлиги ҳақида, мавзуларни тингловчи ва талабаларнинг белига тугиб қўядиган қизиқарли, муаммоли ва илмий маърузалари ҳақида гапириш ва ёзишни билимдон ҳамкасбларга ҳавола қилган ҳолда Т.Файзуллаевнинг одамийлик фазилатлари ҳақида сўз юритишни ният қилдим.

Устоз энг аввало меҳнаткаш, заҳматкаш, ғайратли, жонкуяр, тартиб ва интизомни яхши кўрадиган, табиатан жиддий ва расмийликка мойил, ваъдасининг устидан чиқадиган, катталарнинг ҳурматини ва кичикларнинг иззатини жойига қўядиган, ўзи ишлайдиган ташкилотнинг манфаати, обрўси ва номи учун ҳамиша қайғурадиган, ўзини ва обрўсини эҳтиёт қиладиган, етти ўлчаб бир кесадиган, меҳр кўрган ва унга ҳурмат кўрсатган кишисининг қадрини охиригача эҳтиёт ва ҳимоя қиладиган, ҳаётдан ҳамиша ижобий хулоса чиқара оладиган, самимий, инсофли, нозиктаъб инсон.

Эндигина институтни битириб рафиқам билан ўқитувчи вазифасида иш бошлаган ғўр ёшлар бўлсақда, Наманган давлат педагогика институтида ўз овози, сўзи, ўрни бор болган физика-математика фанлари номзоди, доцент факультет декани Ҳамидулла Ҳусанов домлага кўшни бўлиб қолдик. Турсунбой ака Ҳусанов домланинг сингиллари Турсунхон аяга уйланганликлари боис бу хонадонга тез-тез келиб турар эдилар. Ҳусанов домла ҳам куевлари Турсунбой акани алоҳида меҳр билан ҳурматлар, у киши ҳақида ҳамиша илиқ сўзларни айтардилар. Ҳамидулла Ҳусановнинг рафиқалари Зарифахон ая баъзан ҳазиллашиб, мунча куевларингизни мақтайверасиз, деб қолсалар, Ҳусанов домла: эй Зояхон-ей, менинг иккита куевим бор-у, иккаласи ҳам тилло, айниқса кичигига гап йўқ. Сиз ҳали кўрасиз, у давлат арбоби бўлиб кетади, илоҳим кўз тегмасин, деб фахрланиб қоярдилар.

Дарҳақиқат домланинг орзулари амалга оша борди. Турсунбой ака меҳнаткашлиги, иқтидорлилиги туфайли эл назарига тушди, раҳбарлар ҳурматини қозонди. Шаҳар,

вилоят миқёсидаги масъул вазифаларга қўйилди, Наманган давлат университетидида кафедра мудири, факултет декани, проректор, ректор лавозимларида ишлади, жамоанинг ва талабаларнинг ҳурмати қозонди, илмий тадқиқот ишлари билан республикага танилди. У қандай вазифани бажармасин масъулият ва фидоийлик унинг тамойили бўлди.

Домла босиб ўтган улкан ва ибратли ҳаёт йўли ҳақида яқинлари билан ўртоқлашганда ҳамиши падари бузрукворлари, ўз даври ва юртининг обрўли, билимдон, тадбиркор, меҳрибон ва жонкуяр раҳбари Файзулла бобонинг насиҳатларини эслади ва унга амал қилганлиги туфайли ҳам ҳаётда қоқилмай, учраган қийинчиликларни мардона енгишга эришганликларини ибратли қилиб ҳикоя қилади. Домланинг дадалари ўғилларига «Ҳамиша тўғри бўлинглар, ҳалол риск топиб энглар, фарзандларингни ҳам шундай тарбияланглар, Оллоҳ инсонларни турли йўллар билан синаб кўради, бирига бойлик, иккинчисига амал беради, учунчисини ҳамма нарсадан маҳрум қилиб қўяди, нима бўлганда ҳам ҳалол бўлиш, меҳнат қилиб риск топшиш, хуллас, эгри кўчадан юрсанг ҳам тўғри юришга одат қилиш ҳар қандай синовдан муваффақият билан ўтишнинг гарови ҳисобланади» деб насиҳат қилганлар.

«Оталар сўзи, ақлнинг кўзи» дейди доно халқимиз. Ота насиҳатига ҳамиша амал қилган устознинг босиб ўтган ибратли ҳаёт йўли ҳаммамиз учун ҳавас қилса арзирли йўлдир.

## ОТАСИ “РЕЖАЛИ ЎЎЛИМ” ДЕГАН ПЕДАГОГ-ОЛИМ

Ярим асрга яқин бир жамоада ўзаро самимий ҳурматга асосланган ҳолда фаолият кўрсатган ҳамфикр қадрдоним ҳақида ёзишни нимадан бошлашни билмай қаламни ушлаб ҳаёлга чўмиш узоқ давом этди. Айниқса, сен таърифини келтирмоқчи бўлган инсон нозиктаъб, мағрур, ўз соҳасининг билимдони, ҳар бир сўзини етти ўлчаб айтадиган ва ёзадиган, қалами ўткир, бир қатор қизиқарли оммабоп ва илмий рисолааларнинг муаллифи, боз устига ўз соҳасининг профессори бўлса у ҳақда ёзиш янада масъулиятли ва

мушкул.

Шунча йил бирга ишлаб, иссиқ-совуқ, муваффақият ва муваффақиятсизлик, мақтов ва дашномларни биргаликда кўриб, ҳаёт тажрибаси орттириб, бу тажрибалардан таълим олиб мутахассис сифатида биргаликда шаклланган ҳамкасабам билан, гарчи бир факультетда таҳсил олган бўлсак ҳам, биринчи бора 1972 йили факультет фонокабинетида яқиндан танишганим кечагидек ёдимда.

Бизга кафедранинг ёш мутахассислари сифатида Тошкент шаҳридан олиб келинган фономатериалларни асл нусхадан янги тасмаларга кўчириб ўтказиш вазифаси топширилган эди. Иш бошлаш учун қўшни хонадан янги магнит тасмаларини олиб чиқиш лозим бўлди. Мен, ўзимча, аввал иш бошлаган, ҳарбий хизматни битириб келган домла сифатида ҳамкасбимга, магнит тасмаларини олиб чиқинг, дедим. У, гўё мени эшитмагандек, ўз ишини қилаверди. Шунда менинг фаросатим шеригимдаги мағрурликни англаб қолди ва тасмани ўзим олиб чиқдим. Мана ҳозиргача ушбу ҳодисадан хулоса чиқарган ҳолда ҳамкасбим билан хушёр муомалада бўлишга ҳаракат қиламан. Бу хушёрлик бизни бир-биримизга яқинлаштирди, ўртамизда самимий ҳурмат, қадрдонлик, ўзаро ёрдамга шайлик ҳисларининг тарбияланишига асос бўлди.

У ўзбек миллатини бошқалардан ажратиб турувчи ота-она, ака-ука, қариндошчилик ва юртчилик анъаналарининг моҳиятини яхши тушунади ва уларга садоқат билан амал қилади. Шунинг учун ҳам "Кунгилдаги гаплар" номли китобида „ўзга юртнинг шакари ҳам бемаза татийди“ деб бежиз айтмаган.

Ҳамкасабамдаги бундай ҳислатларнинг таркиб топишида юз йилга яқин умр кўрган падари бузрукворлари Нурмуҳаммад отанинг, меҳрибон волидалари Зулайҳо аянинг, айниқса, бутун ҳаётини ватанимиз равнақи, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлига бағишлаган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби таниқли журналист, эл севган шоир Эрмуҳаммад Нурматовнинг хизматлари катта. Шу билан бирга Турсунали ака, укалари Рустамали, Испомали, сингиллари Арофатхоннинг меҳр-

оқибатлилигини бутун Олмос халқи ҳавас қилади.

Кўпни кўрган, ҳаётнинг турли синовларида пишиб, ҳар ишнинг корини биладиган, бошқалардан маслаҳати ва ёрдамини аямайдиган, саккиз нафар ўғил-қизни тарбиялаб, ўқитиб, ҳаётда ўз ўринларини топишларида жон фидо қилган Дадалари ҳамкасбимни "режали ўғлим" деб атар эдилар. Бунга сабаб ота ўғитларини жон қулоқ билан тинглаш, унга амал қилиш, ҳаётда отанинг фақат айтганларинигина қилмасдан, балки мулоҳаза, режа, тафаккур билан ундан зиёда қилиб бажариш бўлса керак.

Халқимизда ота дуоси ўқ деган нақл бор. Дўстим ота дуосини олганлиги туфайли ҳам олий ўқув юртини имтиёзли диплом билан тамомлади, ўзи таълим олган даргоҳга муаллим этиб тайинланди, аспирантурада таҳсил олиб, Ф.Шиллер драмалари ва уларнинг таржималари таҳлили бўйича илмий тадқиқот ишини муваффақиятли якунлади, илмли, ўз соҳасини юксак даражада биладиган мутахассис бўлди, талабалар ва профессор-ўқитувчилар ҳурматини қозонди, узоқ йиллар немис ва француз тиллари кафедрасини бошқарди, кафедра профессори лавозимига эришди... Бундай мартабаларга эришишда ота дуоси билан биргаликда унинг меҳнатсеварлиги, бардошлилиги, тиришқоқлиги, интилувчанлиги ва энг асосийси, режалилиги кор келди.

Домланинг нияти, ҳар бир ҳаракати, сўзи режали, маълум мақсадга йўналтирилган. Унинг амалий, семинар машғулотлари ва маърузаларга тайёргарлик кўриши, уларни ташкиллаш, олиб бориш ва якунлаш, ўзлаштиришни назорат қилиш, синов ва имтиҳонлар ўтказиш, талабалар билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш еш муаллимларга педагогик ҳаёт мактаби бўлиб хизмат қилишга арзийди.

У талабалар ва еш муаллимлар учун беминнат ва беғараз маслаҳатчи. Унинг маслаҳатлари билан иш кўрган талаба ва муаллимларнинг мақола, битирув малакавий ишлари ва рисоалари ўқувчида ҳеч қандай зътирозга сабаб бўмайди, маъқулланади.

У билан ўтказилган ҳар бир дақиқа таълимий аҳамият касб этади ва кишини янги режалар тузишга, ижод қилишга,



китоб ўқишга, илм олишга ундайди. Ҳар бир суҳбатдан ниманидир ўрганасиз, дунёқарашингиз кенгаяди. Табиатан камгап инсон адабиётшунослик, таржима назарияси масалалари бўйича суҳбат чоғида қайнар булоққа айланади. Янги-янги фикрлар, мулоҳазалар ва режаларни ўртага ташлайди. Ушбу соҳанинг билимдони сифатида суҳбатдошини лол қолдиради, жўяли маслаҳатлар, кўрсатма ва тавсиялар беради. Лекин унинг низиктаъблигини ҳисобга олмаган суҳбатдош, мулоқотга путур етказди. У "гапни гапир уққанга" нақлига амал қилиб, суҳбатни яқунлайди, қўяди.

У университетда талабчан, синчков ва тажрибали муҳаррир даражасига кўтарилди. Факультетда нашрга тайёрланган ҳар бир илмий мақолалар тўплами, рисола, илмий, услубий қўлланма, албатта, дўстимнинг таҳрири ва таҳлилидан ўтади, ишлов берилади ва сайқал топади. У муҳаррирлик каби машаққатли, лекин шарафли машғулотни ички истак билан бажаради, бу ишдан ўзи завқ олади. Ҳар бир жумлани синчковлик билан назардан ўтказди ва матнга мантиқийлик илмини сингдиради.

Ундаги олмосликларга ҳос чапанилик ва мағрурлик илмий тадқиқот ишлари билан баробар ривожланган бўлса ажаб эмас. Бундай дейишимизга асос бор.

Германиянинг Ваймар шаҳрида театр майдони бор. Майдон марказида немис халқининг буюк мутафаккирлари Гёте ва Шиллерга ҳайкал қўйилган. Эсдалик монументида икки буюк шахснинг ҳарактеридаги ҳислатлар тўлақонли акс эттирилган. Шунинг учун ҳам Шиллер мағрур тасвирланган. Олим бутун умрини Шиллер ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишлаб, бир неча марта Германияда илмий сафарларда бўлиб, илмий сафарлар натижаси ўлароқ бу ҳақда ўндан ортиқ мақола ва "Шиллернинг Макр ва муҳаббат фожеаси" (1990), "Шиллер Ўзбекистонда" (2003), "Фридрих Шиллер драматургияси" (2007) киби рисолаларни яратди, талабаларнинг ўндан ортиқ шу мавзудаги битирув малакавий ишларига илмий раҳбарлик қилди. Буюк немис мутафаккири, драматурги Ф.Шиллер ва унинг бетакроп асарларини ўзбек халқига янада яқиндан танитди. Унинг ижоди мисолида фожеавийлик категорияси, трагик

қахрамон ҳарактери ва унинг ўзига хос тил хусусиятлари, трагедия жанрининг бошқа жанрлардан фарқли томонлари, Шиллернинг бу борада инглиз ва француз драматургларидан ажралиб турувчи хусусиятлари, ўзбек драматургияси тараққиётига Ф.Шиллер ижодининг таъсири масалаларини дадқиқ этди. Шунинг учун бўлса керак Ф.Шиллердаги маърурлик олимнинг табиатида синггиб шарқона, ўзбекона сайқал топган. У бошқа миллат олимлари ва мутахассислари билан бўлган мулоқот, баҳс ва мунозараларда ўзбекона менталитетни бошқа ҳар қандай ҳислатлардан устун эканлигини, бундай ўзига ҳослик ўзбеклардагина бўлишини қатъият билан ҳимоя қилади ва бунга эришади ҳам.

Педагог олим ўқув-методик ишлар билан ҳам жиддий шуғулланиб келмоқда. У олий ўқув юртларининг талабалари учун "Назорат ишлари тўплами" (1987), "Немис алифбосини ўргатиш" (1990), "Ўқиш китоби" (1991), "Немис тили лексикологиясидан маърузалар" (2000), "Уй ўқиши" фанидан сабоқ" (2002), "Немис тилида артиклнинг қўлланиши" (2002), "Немис тили лексикологиясидан тестлар тўплами" (2003), "Немис тилида сифат", "Немис тилида эргашган қўшма гаплар" (2010), "Немис тилида феъллар бошқаруви" (2013), "Немисча ва инглизча ёзма нутқ" (2014), "Ўқиш модули" (2015) "Übungsgrammatik Morphologie" (2016) каби ўқув-методик қўлланмаларни чоп эттирди. Назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган бу қўлланмалардан бугунги кунда таълим жараёнида кенг фойдаланилмоқда.

У немис ва француз тиллари кафедрасига бошчилик қилган йигирма йиллик даврда профессор-ўқитувчилар уни мудир сифатида юксак даражада ҳурмат қилганлар. Чунки комиссия деб аталмиш назоратчиларга бой давримизда, мудир биринчи бўлиб ўзини "ўққа тутиб берарди". У назоратчиларга ҳамма "жон-жон" деб қийналиб таёрлаган қоғозларни эмас, балки авваламбор ўзи тайёрлаган пухта хужжатларни кўрсатарди. Айрим ҳолларда назоратчилар ўзлари тушуниб етмаган масалаларни ҳам мудир тақдироти ёрдамида тушуниб олардилар, тафтиш сўнгида ишни, шундан бир нусха беринг, деб якунлаш ҳоллари кўп бўлган. Мудир хужжат намуналаридан нусхани гурур билан маърур

тафтишчига топширарди. Шу боис кафедра аъзолари кўпинча ортиқча текширувлардан қутулиб қолганлар.

Баъзан ваҳималироқ тафтишчи келиб қолса, унга саволлар билан ақлий хужум қилинади, хусусан, бу масала таълим стандартида, намунавий режа ва дастурда бундай берилган, амалда эса бундай, шунга бизнинг бошимиз қотиб турибди, сиз йўл кўрсатсангиз. Бундай муаммони кутмаган тафтишчи, Сиз қандай таклиф берасиз, деб сўрайди. Мантиқий жиҳатдан тўғри таклифни эшитган тафтишчи текширишни ҳам унутиб чиқиб кетган ҳоллар кўп бўлган.

Шуни айтиш керакки, меъёрий хужжатлар ва кафедра иш қоғозларини юритиш масаласида мудирнинг олдига тушадигани бўлмаганлиги учун кафедрада иш юритиш тажрибаси университет бўйича бошқаларга намуна қилиб кўрсатилган. У кафедра ишини “яхши отга бир қамчи” шиори билан олиб борган ва бирор аъзонинг шахсига тегиш ҳоллари тажрибада кузатилмаган.

Халқимизда ўз шогирдининг ютуқларида қувонмаган устоз ҳақиқий устоз эмас деган гап бор. Ҳақиқий устоз сифатида мудирлик лавозимини очик юз билан ўз шогирди филология фанлари номзоди, доцент Зоҳиджон Содиқовга топшириши ва бу билан фахрланиши ҳамда ўз тажрибаларидан янги мудирни беминнат хабардор қилиб, иш юритиш сирлари билан ситқидилдан ўртоқлашиши, ўз набатида шогирднинг ҳам миннатдорчилик рамзи сифатида устозига жамоа олдида чапон кийдириб дуо олиши кўпчиликка ўрнак қилиб кўрсатса арзийдиган намунавий тадбир дейиш мумкин.

Биз юқорида ота дуосини олган, нозиктаъб, меҳнаткаш, сермаҳсул олим, қимматли маслаҳатчи, билимдон ва тажрибали педагог, синчков муҳаррир, қалами ўткир ва сўзи кескир таржимон, фарзандлари Умидахон, Боходиржон, Дилфузахонларнинг меҳрибон отаси, тадбиркор куёвлари Фаёзиддин ва Мирзаодил, мезбонликни ўрнига қўядиган келинлари Гулнорахоннинг суюкли қайнотаси ва ўнга яқин набираларнинг доно бобоси, Муҳаррамхоннинг садоқатли турмуш ўртоғи, падари бузруквори “режали ўғлим” деб дуо қиладиган инсон филология фанлари номзоди, доцент

ЎҚТАМАЛИ НУРМАТОВнинг ҳислатлари ҳақида айрим фикрларни баён қилиш билан кифояландик.

## СОҒИНЧ

Домлани илк бор 1967 йилда шоир Шухрат билан ўтказилган учрашувда кўргандим. “Жаннат қидирганлар” романи ҳақида Т.Ғозибоев, С.Жамолов домлаларимиз гапирганларидан сўнг минбарга Н.Бобоҳўжаев чиқдилар. У киши роман қаҳрамонлари, муаллифнинг нияти ва унинг бадиий ифодаланиши, асарнинг ютуғи ҳақида ширали ва жарангдор овозда сўзладилар. Домланинг чиқишлари Шухратга маъқул бўлганлиги учун ҳам, битта шеър ҳам эшитайлик, деди. Домла бир оз тин олиб, “Бир пиёла чой” дедилар. Гарчи бу ўқиладиган шеърнинг номи эканлигини Шухрат билиб турган бўлсада, кўлидаги чойни “марҳамат” деб Домлага узатди. Залда жонланиш бўлди, руҳий энгиллик ва самимийлик учрашув қатнашчиларини чулғаб олди. Домла шеърни ажойиб кўтаринкилик ва ўзларига ҳос маҳорат билан ўқиб бердилар. Биз талабалар, учрашув зўр бўлди, ҳаммасидан ҳам шеър ажойиб ўқилди, деб гапириб юрган эдик, ўшанда.

Бизга дарс бермаганлари учун ҳам биз Домланинг турли тадбирлардаги чиқишларини интиқлик билан кутадиган бўлиб қолдик. Ҳар галги учрашувдан эстетик завқ, одоб, ахлоқ борасида сабоқ олардик.

1971 йилда немис тили кафедрасида ишга олиб қолинганлигимизни эшитиб Домла бизни самимий табрикладилар. Илмий иш, адабиётшунослик, таржима ишлари билан шуғулланишимиз зарурлиги, бу борада ҳамиша маслаҳат ва амалий ердамга тайер эканликларини айтиб, бизни руҳлантирдилар.

Биз ёш муаллимлар Домладаги самимийлик, хушмуомалалилик, оталарча меҳрибонлик, шарқона муомала маданиятидан ҳамиша қаттиқ таъсирланар, тинглаш ва суҳбатлашиш маданиятини ўрганиб борардик. Университет миқёсида ўтказилган катта тадбирларда Домла ҳамиша мазмунли ва чиройли маърузалари, ёқимли ва жарангдор қроатлари, мантиқий ва равон гапириш

махорати, келтирилган бадий парчанинг нутқ мавзуи ва мазмунига йўғрилиб кетиши билан тингловчиларни лол қолдирардилар.

Домла ҳамиша ешларни қуллар, ҳимоя қилар, уларнинг ютуқларидан қувонардилар. Сизлар бахтиёрсизлар, бизга қараганда устунлик томонларинг кўп. Гап шундаки, сизлар рус ва немис тилларини яхши баласизлар, дейиш билан бизни рухлантирар ва илмга ундардилар.

1976 йилда мен Москвага ўқишга жунаётганимда, Домла чин дилдан қувониб, мана энди мен хоҳлаган иш бўляпти, сиздан умидим катта, астойдил бўлинг, деб оқ йул тилагандилар. Биз борганда кўтиб оларсиз, деб қўшиб ҳам қўйгандилар.

1979 йилнинг август ойида Домла менга шеърий мактуб йўллаб, Москва шаҳаридан унча узоқ бўлмаган "Подлипки" номли дам олиш уйида эканликлари, менга кўнғироқ қилганлари, лекин жавоб ололмай мактуб йўллаганликлари ҳақида ёзгандилар. Ном манзилларини кўрсатиш билан қуйидагича яқунланганди:

....

Шу боисдан бугун Сизга хат йўлладим, хат,  
Хатни олгач, келсангиз гар яйрардим беҳад!  
Мен турган жой: корпуси ҳам, хонаси ҳам беш,  
Якка ўзим ўзимга хон, гоҳида дарвеш.  
Хуллас, укам, хат битмақдан дийдор муддао,  
Келарсиз деб умиддаман мен НУРИ БОБО.

Мактубни олиб қувонганимдан кеч бўлишига қарамасдан отланиб соат 20 да Домланинг хоналарига кириб бордим. Менинг дархол келишимни кутмаган эканлар, жуда севиндилар.

Биз турли мавзуларда узоқ суҳбатлашдик. Талабалик йилларидаги учрашувларни, ўқинг деб қилган танбеҳларию, таржималаримдаги тузатишларини эсладик. Уғлимнинг хатна тўйида даврани олиб борганликлари ҳам назаримиздан четда қолмади. Мен Домланинг сирли ва сеҳрли суҳбатдош эканликларига яна бир бор иймон келтирдим. Устоз сўзловчини жон қулоқлари ва илиқ табассум билан тинглар, ўрни келганда маъқуллар,

рухлантирар, гарчи билиб турсалар-да, э шунақами, шундай денг, қойил, деган луқмалари билан суҳбатдошни илҳомлантирардилар. Савол бериш бобида ҳам устаси фаранг эдилар. Саволни шундай берардиларки, сен бор бисотингдагини тўқиб солганингни билмай қолардинг.

Домла менинг илмий ишларимнинг бориши билан қизиқдилар. Ўзларинг тажрибаларини гапириб бердилар. Мен ийманиб сўрайолмай турганимни сезган Домла: "Оилангиз тинч, оқила аёлингиз бор, Жамилахон болаларингизнинг тасарруфини жуда яхши қиляпти. Ишини ҳам кўнгилдагидек уддалаяпти. Унинг ҳар бир ҳаракати таълим-тарбияда намуна. Оилангизнинг ташвишини қилманг. Ҳаммамиз ҳам бундай синовлардан ўтганмиз. Сизни орзиқиб кутишаётганларини ҳамиша ёдингизда тутсангиз, ишингиз тезроқ яқунланади,"- дедилар.

Домла мени илмий ходим рўбаро бўлиши мумкин бўлган қийинчиликлардан огоҳ қилдилар. Мени синовларга рухий тайёрладилар. Устоз ва шогирд ўртасидаги ширин, самимий суҳбат узоқ давом этди. Мен Домланинг хоналарида тунаб қолдим.

Эрталаб икки кундан сўнг Ўзбекистонлик аспирантлар ётоқхонасида учрашишга ваъдалашиб, жўнаб кетдим. Ётоқхонадаги водийлик тадқиқотчи ва аспирантлар йиғилиб полов дамладик ва Домлани кутдик. Домлани танимаганлар ҳам "Соғинсам отажоним, излайин қаерлардан" шеърининг муаллифи билан учрашишни орзиқиб кутдилар, лекин у кишидан келолмасликлари ҳақида узр сўраб ёзган телеграмма олдик...

Бир неча кундан сўнг қуйидаги нома қўлимга тегди.

Ассалом, укам мулла Саидумар!

Ваъда қилиб боролмадим, кечиргайсиз бот.

Юрма, деди, оёғимни қийнаётган бод.

Кутган ёмон, ваъдасида турмаслик ёмон.

Ёмон кўриб қолманг, дея, жоним укажон,

Ғубор ичра қолмасин, деб, ихлос, муҳаббат,

Сабабини айтолмасдан, йўлладим сим хат.

Олдингизми, олмадингиз - менга қоронғу,  
Вужудумни чирмаб олди дард бўлиб оғу.  
Атроф гўзал, ўрмонзор, боғ, ҳаволари соф.  
Ғир-ғир эсар елларининг наволари соф.  
Аммо ёмғир ишчан экан, ювиб чарчамас,  
Тонгми, оқшом демайди ҳеч, куйиб чарчамас.

Бу хол эса нам тупроқни баттар қилар нам,  
Бу намликдан оёғим гунг ва карахт танам.  
Кетай дейман, кетолмайман, муҳлатим йироқ,  
Кун ўтмасдан имиллайди қилгандай фироқ.  
Ўнинчимас, олдинроққа олмасам паттам,  
Десам, кунмас бу ердаги қизча сира ҳам.

Хайрон бўлиб йўлингизга кўз тутдим ҳар кун,  
На уйқу бор, на халоват хатто узун тун.  
Ва ниҳоят, арз-дод қилсам, қилсам илтижо,  
Бир амаллаб ниятимни айлади бажо.  
Сентябрнинг иккисида самолёт патта,  
Поезд билан алмашинди – шукур, албатта.

Яна Сизга учди кўзим, ҳаёлларим ҳам,  
Жомадоним кўтаришиб бориб дамба-дам,  
Кузатишиб қўярсиз деб эзилди жигар,  
Аммо Сизга қилолмадим ҳеч қандай хабар.  
Аспирантлик иши кўпми – келмай қўйдингиз,  
Бормаганим қудуратга балким йўйдингиз.

Хуллас, укам, Сиз-ла бирга бўлолмаганим,  
Бирга бўлиб, дилингизни овлолмаганим,  
Хижил бўлиб қолмоқдадир юракларимда,  
Хижил бўлиб қолмоқдадир юракларимда.  
Бу чигални ахир бир кун бирга ечамиз,  
Дипломларнинг шарафига роса ичамиз!

Дўстмуҳаммад деган дўстга калом етказинг,  
Жиззахлик дўст сўрса агар салом етказинг.  
Кўришгунча, ўлишгунча! Укам Саидумар!  
Шундай қилиб, тугади денг, бу бизнинг сафар.  
Айтинг, айтинг, оёқларим топсин деб шифо,  
Поезд билан Наманганга йўл олди БОБО.

Биз номани турли давраларда ўқиб, Устознинг  
одамийлиги, кичиккўнгиллиги, ваъдага вафодорлиги,

дилкаш, хокисор ва ширинсуханликларига қойил қолиб юрдик.

Дамланинг 60 йиллик юбилейлари А.Навоий театрида бўладиган кун "Сизга сўз беришса...", деб қолдилар.

Мен, бундай катта аудиторияда сўзлашга ёшлик қилишим ва журъатим етмаслигини айтиб: "Албатта, 70 ёшингизни байрам қилганимизда сўзга чиқаман," - дедим. "Олтмиш ёшга кириш қандай қийин бўлаяпти-ю, Сиз 70 ёшни айтасиз-а," - дедилар Домла. Афсус ...

Мен шундан бери, Устоз олдида қарздорлигимни, бурчдорлигимни чуқур хис қилиб юраман. Маърузаларини, насиҳатларини, сўзларини, ўзларини соғинаман. Соғинчимни Домланинг китобларини ўқиб қондиргандай бўламан. Ушбу шеър эълон қилиниши билан Устознинг рухлари шод, қиёмат қарзим эса бир оз енгиллагандек бўлади, менимча.

## МУАЛЛИМУ-, ОЛИМУ -, УСТОЗУ ОДИЛ

Муаллим деб дарс берувчи, педагог, ўргатувчига айтилади. Шунинг учун бўлса керак турклар муаллимни "ўратман" деб атайдилар.

Олим деганда фаннинг бирор соҳаси бўйича махсус билимга эга бўлган киши тушунилади. Одатда, олим деганда билимдон, доно, ақлли кишилар назарда тугилади. Устоз деганда касб, ҳунар, илм ва бошқа шу кабиларни ўргатувчи, ўқитувчи, муаллим тушунилади. Ушбу атаманинг иккинчи маъноси йўл-йўриқ кўрстувчи, тарбияловчи, мураббий, раҳнамодир.

Одил сўзи бир томонга ен босмай, қонун, адолат юзасидан, холисона, ҳақиқий иш кўрадиган, адолатли, беғараз, тўғрисиўз кишилар тоифасини англатади. Бундай кишилар одилона, адолат юзасидан, ҳақиқатга асосланиб, беғараз, ҳақиқий иш кўрадилар.

Энди сўз ва тушунчалар изоҳидан мақсадга кўчамиз. Мен устозни биринчи марта талабаликнинг илк йилларида университетнинг катта мажлислар зали минбаридан туриб улуғ бобомиз мир Алишер Навоийнинг 525 йиллик юбилейларининг сенарийси ҳақида гапирганларида



кўрганман ва таниганман. Ўша тантанада менга нотик сирли ва сеҳрли инсон сифатида таассурот қолдирган эди. Билсам бундай тадбирлар шахснинг шаклланиши ва камол топишида муҳим рол ўйнар экан. Катта кишилар билан учрашувлар, уларнинг нотиклик санъати, фикрни ифодалаш усули ва мантиқ, улар нутқидаги маълумотлар ва илмийлик тингловчининг илмий, маънавий ва маърифий ривожига катта аҳамиятга эгаллиги ҳам шубҳасиз. Афсуски кейинги пайтларда бундай тадбирларга эътибор сусайгандек туюлади. Ўша тадбир тугагандан сўнг чортоқлик курсдошимиз бизга қараб, кўрдиларингми, бизнинг ҳамшахаримизни, биз бир жойдан бўламиз, деб ғурур билан мақтаниб қўйган эди. Албатта бизнинг курсдошимизга ҳавасимиз келганди ўшанда.

Кейинчалик домлани катта тадбирларда кўп марта тинглаш шарафига муяссар бўлдим, филология факультетида ҳамкасаба сифатида ишлаш жараёнида факультет кенгашларида енма-ён ўтириш, суҳбатларидан баҳраманд бўлиш насиб этди.

Тўқсонинчи йилларда Филология факультетининг забардаст олиму фузоллари – Тожибой Ғозибоев, Нуриддин Бобоҳўжаев, Солоҳиддин Жамалов, Одилжон Носиров, Уғилхон Азимова, Мирсалим Шарипов, Турсунбой Нуъмонов, Дадахон Эшондадаев, Тождин Акрамов, Муҳаммаджон Иминов, Бойқўзи Турдалиев, Адҳамжон Абдуллаев, Олияхон Ғаффорова, Шаҳодатхон Эгамбердиева ва бошқалар факультетнинг обрў эътиборини бутун мамлакатга кўз-кўз қилиш билан ажралиб турардилар. Улар орасида биз ҳавас қилган Домламиз алоҳида эътиборга лойиқ эди. Албатта, бу дарғаларнинг ҳар бири билан бўлган учрашув, мулоқот ҳар жиҳатдан фойдали бўлар, ҳатто уларнинг бошқаларга бераётган маслаҳатларидан ҳам кўп нарсани ўрганардик.

Устоз маърузаларини жонли, тушунарли, содда тил билан жуда қизиқарли ўқир эдилар. Ҳар бир мавзу ёки масала назарий жиҳатдан мумтоз адабиёт манбаларига таяниб асосланар, сўнгра ҳаётий мисоллар билан қувватланарди. Домла саволларга зринмасдан, малол олмасдан астойдил жавоб берардилар, бошқача айтганда

мавзуни тингловчининг белига тугиб қўядилар. Мавзуни ёритишда, албатта, юмордан ҳам ўз ўрнида фойдаланардилар.

Талабалар билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш, синаш ва баҳолаш ҳам ўзига ҳос тарзда ташкил қилинарди. Домла ҳар бир талаба билан алоҳида суҳбат қилар, эринмасдан тинглар, фойдали маслаҳат беришдан чарчамас, мулоқот қилиб унинг мавзуни ўзлаштириб олганлик даражасини баҳолар ва яна қўшимча маълумотлар билан бойитиб, талабани кўпроқ билдиришга ҳаракат қилардилар. Бу билан синов ва баҳолашнинг таълимийлиги принцили таъминланарди.

Домла ўзларининг илмга қўйган илк қадамларидан тортиб мавзу танлаш, адабиётлар билан ишлаш, мақола, тақриз, аннотация ёзиш, адабиётлардан фойдаланиш, цитата келтириш, тиниш белгиларини ишлатиш, фикрни оғзаки ва ёзма баён қилиш сирлари ҳақида самимий ва беғараз маслаҳатлари билан еш тадқиқотчиларга амалий ердам берардилар. Домлани дарсдан ташқари пайтларда ҳамиша ёзув машинкаси билан ишлаётганларини, чарчаган пайтда эса бешчинор чойхонасида чойхўрлик қилиб шахмат ўйнаётганликларини гувоҳи бўлар эдик. Чойхўрлик ҳам шунчаки чанқоқни қондириш ва салқинлаш бўлмай, балки дарров домланинг атрофларига ҳамсуҳбатлари тўпланишар, қизиқарли гурунг бўлар, ҳар қандай кишини ўзига тортадиган ажойиб фикрлар алмашиш бошланарди. Мавзуларнинг ҳам чегараси йўқ эди. Суҳбатда иштирок этган ҳар қандай киши яна қатнашсам деб ният қиларди.

Домла ҳамиша ердамга тайёр, самимий, қатъиятли, ўз сўзи бор, вадасининг устидан чиқадиган инсон эдилар. Домла тадбиркорлик ишида ҳам ёшларга ўрناк бўлгандилар. Университетда эски ёзувни ўргатиш курси ташкил қилиб, вилоят зиелиларининг маънавий ва илмий эҳтиёжларини қондириш борасида катта хизмат қилганлар. Ушбу курсда мингларча кишилар араб ёзувини ўрганиш борасида ўзларининг билимга чанқоқликларини қондиришга эришганлар. Бу билан улар мумтоз адабиёт намоендаларининг асарларини асл нусхада ўқиш, Қуръони карим ва Ҳадису шарифларни мутолаа қилиш имконини

қўлга киритганлар.

Бугун бутун умрини илму фан ишига, ёшларга таълим тарбия беришга бағишлаган инсон жисман орамизда йўқ, лекин **МУАЛЛИМУ-, ОЛИМУ-, УСТОЗУ ОДИЛ** – филология фанлари номзоди профессор **ОДИЛЖОН НОСИРОВ** ёзган илмий мақолалари, рисоалари, китоблари билан ҳамisha орамизда.

## ФАЙЛАСОФ УСТОЗ

Абдулазиз Абдурахманов 1978 йил 1 январда Наманган шаҳрида ишчи oilасида туғилган. Падари бузруквори Тошбоев Абдурахмон ишчи, волидаси Муҳиддинова Оминахон уй бекаси бўлсада, эски араб ёзувида ўқиш ва ёзишни билган, саводли аёл бўлган.

Абдулазиз Наманган шаҳридаги 5-ўрта мактабда ўқиди.

1957 йилда Самарқандга бориб, ЎзДУнинг тарих факультетида ўқиди ва 1962 йилда университетни муваффақиятли тугатиб Наманганга қайтди.

1962 йилда Наманган давлат педагогика институтининг марказий кафедрасида оддий ўқитувчи бўлиб иш бошлади ва ўзбек тили ва адабиёти факультетида талабаларга «Қадимги дунё», «Ўрта асрлар янги тарихи» фанларидан дарс берди.

1964 йилдан бошлаб фалсафа фанидан дарс бера бошлади ва кейинчалик унинг фаолияти тарих фани билан баробар фалсафа фанидан дарс бериш билан боғлиқ бўлди. У юқоридаги фанлардан ташқари «Хуқуқшунослик асослари», «Диншунослик», «Маънавият асослари», «Миллий истиқлол ғояси» ва бошқа бир қатор ижтимоий фанлардан маърузалар ўқиди ва семинар машғулотлари олиб борди. Домла ўрганган ва машғулотлар олиб борган фанларни жамланса 20 дан ошиб кетади. Бу фанлардан маърузалар ўқиш ўз-ўзидан бўлмайди албатта. Бунинг учун пухта тайёргарлик кўриш, фан оламида пайдо бўлаётган янгилар билан мунтазам танишиб бориш кишидан вақт, кунт, ғайрат ва шижоат талаб қилади. Домладаги ҳар бир ишга масъулият билан ёндошиш, талабчанлик унинг

кейинги илмий ишларида, фан номоёндаси бўлишида қўл келди. Унинг китоб билан ошнолиги, мутолаани севиши, серғарат ва синчковлиги, ҳар бир ишни қунт билан маромига етказиш фазилатлари режалаштирган илмий тадқиқот ишларини ўз вақтида яқунлаш имконини берди.

1972 йилда Ўзбекистон Фанлар Академияси ҳузуридаги «Фалсафа ва ҳуқуқ» институтида академик Иброҳим Нуъмонов раҳбарлигида «Диалектиканинг инкор масаласига доир мавзусида номзодлик, 1992 йилда академик Музаффар Ҳайруллаевнинг бевосита консультантлигида «Социалистик маданият тарққиётидаги ворисийлик» мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1995 йилнинг ноябр ойида профессорлик унвонини олди.

Домланинг маъруза ва семинар машғулотларига ўта масъулият билан қараши туфайли бирор марта ҳам дарс қолдиргани ёки кеч қолганини билмаймиз. Устознинг мавзуни тақдим қилиш санъатида ҳам қойил қоласан. Аввал мавзуга оид асосий масалалар содда, тушунарли баён қилинади, улар соҳанинг классиклари фикрлари билан қувватланади, сўнгра шунга монанд ҳаётий мисол, саҳна асари намунаси ёки талабаларнинг сеvimли шоирининг шеъри билан яқунланади. Бундай тақдимотни талабалар жон қулоқлари билан тинглайдилар. Домла мавзуни масала қўйиш билан яқунлаганликлари учун ҳам талабалар савол беришдан ўзларини тутолмайдилар. Дарс мунозара билан яқунланади. Шунинг учун ҳам талабалардан кимнинг маъруза ва семинар машғулотлари сизга еқади деб берилган анкета саволига биринчилар қаторида устознинг исми шарифларини ёзадилар. Бу ўқитувчи учун энг катта мукофот ҳисобланишини ҳеч ким инкор қилмайди.

2004 йилда домланинг кўп йиллик хизматларини ҳисобга олган ҳолда университет илмий Кенгаши НамДУда хизмат кўрсатган профессор унвонини берди.

1968-78 йиллар давомида Наманган вилоят партия кумитасида аввал лектор, 1973 йилдан бошлаб лекторлар гуруҳи бошлиғи лавозимларида ишлади.

1978 йил ноябрдан бошлаб НамДУда фалсафа кафедраси мудирини ва айни пайтда университет партия

қумитаси котиби, 1983-86 йиллар давомида университет касаба уюшмаси раиси лавозимларида ишлади. Фалсафа кафедрасига мудирлик қилган йиллар давомида 15 нафар профессор-ўқитувчилар, жумладан, Э.Шарипов, М.Оппоқхўжаев, С.Тўхтабоев, С.Норқўзиев, И.Мирзақулов, А.Фозилов, А.Хусаинов, Э.Бозоров, Д.Раҳимбоева, Ғ.Соатов ва бошқалар номзодлик, А.В.Цой, З.Ҳолмирзаев, А.Абдурахмоновлар фалсафа фани бўйича докторлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар.

Бевосита А.Абдурахманов маъруза ўқиган ва семинар машғулотларини олиб борган гуруҳларни битирган қирққа яқин шогирдлари номзодлик, ўндан ортиқ киши докторлик диссертацияларини ёқлаганлар.

А.Абдурахмонов уч ўғил ва икки қизни тарбиялаб вояга етказган. Уларнинг икки нафари махсус ўрта маълумотли ва уч нафари олий маълумотли. Домла йигирмага яқин набиранинг бабоси ҳисобланади.

Домла ўзаро суҳбатларда бутун ҳаёти университет билан боғлиқ эканлиги, бу давр ичида жуда катта ўзгаришлар содир бўлганлиги, илм-фан ривожланганлиги, профессор-ўқитувчилар сафи кенгайиб кўплаб ёшлар келганлиги, бундан астойдил қувониши, шу билан бирга Солижон Турғунов, Нуриддин Маматхонов, Фазлитдин Ғаффаров, Тўлқин Турдиев, ака-ука Ғайбуллаевлар, Я.Бекмаев, М.Шарипов ва бошқалар бугунги кунда орамизда йўқлигига ачиниш билан Оллоҳ уларни ўз раҳматига олишини астойдил тилайди.

Университетнинг ривожланишида йигирма йилдан ортиқ раҳбарлик қилган Муфат Маматовнинг хизмати катта эканлиги, у киши ректорлик қилган даврда университетнинг моддий техника базасига асос солинганлиги, илмий салоҳиятни кўтаришда ректорнинг алоҳида хизмати борлиги, албатта, ҳар бир даврнинг ўз қаҳрамонлари бўлиши, инсон ўз ўтмиши билан кулиб видолашиши фалсафий ҳақиқат эканлигини таъкидлайди.

Устоз таълим-тарбия ишларини янада ривожлантириш учун, тест ва рейтинг назоратини янада мукаммаллаштириш, гуманитар фанлардан кўпроқ оғзаки мулоқатга имконият яратиш лозимлигини ўқтиради. Шу

билан бирга таълим-тарбия жараёнида талабаларнинг шарқона ва миллий ахлоқ-одобга амал қишига бўлган талабни янада кучайтириш керак деб ҳисоблайди.

Профессор-ўқитувчилар фаолиятини янада яхшилаш учун, ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, фон доктори ва профессорларнинг моддий ва маънавий тақдирланиши табақаланиши кераклиги илмий тадқиқот билан шуғулланишга интилишга ижобий таъсир кўрсатади деган фикрни олға суради.

Талабалар билан бир қаторда устознинг ҳамкасб дўстлари, шогирдларлари домла ҳақида илиқ сўзларни қуйидагича баён қиладилар: "Мен дўстим Абдулазизни 1963 йилдан бери, қарийб 56 йил давомида бирга ишлаш жараёнидан биламан. Фалсафа фанлари доктори, НамДУда хизмат кўрсатган профессор Абдулазиз Абдурахмонов ажойиб раҳбар, сермахсул олим, меҳрибон ота, садоқатли дўстдир. Унинг меҳнатсеварлиги принципиаллиги, ердамга тайерлиги, ҳамма гапни кишининг юзига очиқ айтиши мақтовга лойиқ ҳислатлардан деб ҳисоблайман. Унинг ҳислатларидан яна бири шеърятни севиши, жуда кўп шеърларни ёд билиши, маъруза ва амалий машғулотларида улардан унумли фойдаланишида деб биламан," - дейди домланинг сафдоши доцент Эркин Шарипов.

"Мен ҳурматли устоз, А.Абдурахмоновни талабалик йилларимданоқ яхши биламан. Устоз ўзининг билимли эканлигини биринчи маърузаданоқ талабаларга кўрсата олади ва уларда яхши таасурот қолдира оладиган истеъдодли нотикдир. Домла ҳамиша шогирдларига ғамхўр ва меҳрибон йўлбошловчи. Ҳар доим улардан ўзининг қимматли маслаҳати ва кўрсатмаларини аямайди. Шунинг учун ҳам уни олим ва инсон сифатида нафақат вилоятимизда, балки республикамизнинг турли олий ўқув юртларида ҳам ҳурмат қилишади. Мен шундай забардаст, ғамхўр ўз ишига содиқ инсон билан замондош ва бир жойда ишлаётганимдан фахрланаман, - дейди тарих фанлари номзоди Б.Турсунов.

"Мен профессор А.Абдурахмоновни ажойиб инсон, моҳир педагог ва ешларнинг азиз мураббийи сифатида

биламан. У ўз ишига маъсулият билан ёндошади. Ўзини ажойиб мутахассис, моҳир мураббий сифатида кўрсата олади. У киши кафедра ишларини бажаришда ва жамоат ишларида фаол иштирок этади. У ҳар ишда ташаббускор, тўғрисиўз, касбдошларига нисбатан меҳрибон ва ғамхўр. Маърузаларини режали ва мазмунли ўқийди, талабаларга миллий истиқлол ғояси руҳида таълим беришдан чарчамайди. Мен домлани катта тажрибага эга, ўз соҳасининг етук билимдони, меҳрибон устоз сифатида қадрлайман," дейди А.Тўхтабоев.

Ҳамкасблар, шогирдлар ва талабаларнинг самимий дил сўзларига муносиб бўлиш учун устознинг ўзи профессор А.Абдурахмонов каби заҳматкаш, меҳнатсевар, билимдон, ўз ишининг ва соҳасининг устаси бўлишдан ташқари, меҳрибон ва одамохун бўлиши керак.

## НОАНЪАНАВИЙ ОЛИМ МУАЛЛИМ

Ҳамкасбим ўрта бўйли, спортчилар каби кенг елкали, оқ сариқдан келган, пешонасининг кенглиги ақллилигидан далолат бериб турадиган, мўйлови ўзига ярашган, камгап, мулоҳазали инсон. Бунинг боиси, унинг ҳаётини хулосалари бўлса керак. "Ҳаёлга келган учта фикрдан иккитасини айтиш билан чегараланган инсон ақлли, биттасини айтган эса донодир." Бу унинг севимли шиори.

Мақтанишни ёмон кўради. Унинг фикрича ҳар бир инсоннинг фаолияти, туриш-турмуши, меҳнати, кишиларга муносабати ҳақида ўзгалар баҳо бериши керак. Шунинг учун ҳам сафдошим, "Инсон учун энг қийин муаммо бошқалардан муносиб баҳо олишдир," деб ҳисоблайди. Ижобий баҳо олиш учун эса шунга муносиб бўлиш керак. Унинг фикрича, энг қийин иш, айбдор бўлмаган ҳолда ўзини оқлашдир.

Одатда инсонлар ҳақида, уларнинг туриш-турмуши, оиласи ҳақидаги гаплар жуда тез тарқалади, бироқ унинг яхши, ибратли ишлари ҳақидаги маълумотлар ҳадеб эсланавермайди, шунинг учун ҳам биродарим, "мен ўзим ҳақимда билдирмоқчи бўлганларим унчалик тез ейилмайди, лекин сир сақламоқчи бўлганларим эса ҳаммага аён,

таажуб,-" деб хайрон қолади. Унингча, инсоннинг қалби қаримайди, овози ҳам анчагина секин ўзгаради.

Талабалар уни чин дилдан ҳурмат қиладилар, севадилар. Домла профессор-ўқитувчиларнинг обрўли вакили, талабаларнинг самимий, оталарча меҳробон устози, у ўзининг юксак кийиниш маданияти, намунавий хулқи ва одоби, ибратли маънавий инсоний қиёфаси ва фазилатлари билан талабалар ўртасида катта ҳурмат қозонган. Факультет декани сифатида талабаларга саволномалар билан мурожат қилганимда, "Сиз ҳавас қилган ўқитувчи", саволига жавоб сифатида бир қатор ўқитувчиларнинг биринчиси бўлиб домланинг исми-шарифини ёзганларида чин дилдан қувонганман.

Талабаларнинг гувоҳлик беришларича, Домланинг дарслари бир-бирини тарорламайди, бир-бирига ўхшамайди. Ҳар бир дарсда қизиқарли, илғор педагогик технологиялардан фойдаланилади, талабалар зерикмайдилар, бўш ҳам қолмайдилар. Домла изланувчан, ижодкор муаллим, талабаларни ҳамиша фикрлашга, ўйлашга мажбур қиладилар. Менга домланинг дарс ўтишлари худди жўжаларни катакка қамаш жараёнини эслатади. Дарсда талаба ўқияпман, ўрганаёпман, деб эмас, балки мулоқот қилаяпман, ўйин ўйнаёпман, севимли машғулотим билан бандман, деб ўйлайди. Фаолиятининг натижаси эса юксак даражада бўлади. Ўқув материални қандай ўзлаштирганини сезмай қолади.

У хотамтой, ҳақиқий педагог, юмшоқ муомала қилади, шу билан бирга талабчан ва адолатгўй. Кейинги пайтларда кўп такрорланаётган илғор педагогик технологиялар ва интерфаол методларнинг нима эканлигини домланинг дарсларида назарий жиҳатдан астойдил тушуниб етдик ва амалдаги тадбиқининг гувоҳи бўлдик. Бу фикрларни кўпчилик талабалар изҳор қилдилар.

Тажриба ва мулоқот шуни кўрсатадики, методист ва муаллим тушунчаларини кўпчилик талабалар ва хатто айрим ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам фарқламайдилар. Агар методист ўқув материални танлаш, таснифлаш, тавсифлаш, уларнинг тақдимот усуллари ва йўлларини ишлаб чиқса, муаллим буларни амалда ижро қилади,



амалга оширади. Гўёки методист масаллиқни тайёрлаб, уни пишириш йўлларини ўргатади, муаллим эса ушбу тавсиялар асосида таомни тайёрлайди ва дастурхонга тартади. Домла ҳар қандай мавзуга оид материални шундай содда ва ҳаётий мисоллар билан талабаларнинг белига тугиб қўяди.

Тилшуносликка кириш курси бўйича ўқилган маърузаларда талабалар ўзлари учун кўплаб янгиликларни кашф қиладилар, мавзуга оид тушунча ва атамаларнинг турли маъноларини, тилшунослик борасида соҳага ҳисса қўшган таниқли лингвист олимлар, тилшунослик мактаблари ва уларнинг илмий ишлари билан танишиб борадилар, масалалар содда, талабалар учун тушунарли тилда баён қилинади.

Домланинг ўзи расм чизиш санъатидан бохабар бўлганлиги учун бўлса керак, маъруза жараёнида аудитория тахтасида мавзуга оид ажойиб чизмалар, ёзувлар ва турли рамзий белгилар пайдо бўлади. Маъруза ниҳоясида кўз ўнгингизда мавзунини тўла еритувчи шпаргалка намоён бўлади. Бу билан таълим-тарбия амалиётида муҳим аҳамият касб этувчи кўрғазмалилик принципи таъминланади. Бу шпаргалка билан ўтилган мавзу тез ва тушунарли такрорланади. Қизиғи шундаки, келгуси маъруза бошланишида домла аудиториянинг доскаси олдида ўтган мавзунини талабалар ташаббускорлигида яна бир бор такрорлаб чиқади. Маърузачи ўтган дарсда чизган чизмасини ўрнини кўрсатиш билан кифояланади, талабалар эса фикран шпаргалкани тасаввур қиладилар, шу йўл билан уларнинг фикрлаш қобилиятлари ривожлантирилади.

Ҳар қандай таълим-тарбиянинг илмийликка асосланишини барчага маълум. Лекин илмийлик нима деган саволга ҳамма ҳам дабдурустдан жавоб айтолмайди. (Ишонмасангиз, шу жойда ўқишни тўхтатинг-да, ўзингизни синаб кўринг). Шундай савол-жавоб ва мулоқотлардан бирида, домла илмийлик деганда, қуйидагилар назарда тутилади, деб изоҳ бергани ёдимда.

Илмийлик деганда:

- илм-фанга оид, ҳақиқатни рӯёбра чиқарувчи маълумотдан фойдаланиш;
- илмий жамоатлар томонидан қабул қилинган соҳага оид тушунча, атама ва ибораларни қўллаш;
- соҳа бўйича таниқли олимларнинг илмий асарларига таяниш ва улар асосида фикр билдириш;
- тилнинг оғзаки ва ёзма нутқ мезонларига амал қилган ҳолда илмий услубда фикр баён этиш назарда тутилади.

Синчков талабалардан бири:

- Домла, нега айрим ёш ўқитувчилар савол берган талабаларни ёқтирмайдилар-у, Сиз эса савол берганларга алоҳида ҳурмат билан қарайсиз, хатто уларни мақтаб ҳам қўясиз,- деб сўраб қолади.

Домла ўйланиб туриб:

- Кузатувчанлигингизга қойилман, (уни рухлантириб) савол бериш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди, ниманидир билган, тушунган, мулоҳаза қилган киши савол бера олади. Ахир айтишади-ку, буш калла фикрламайди, деб. Савол беришдан турли мақсад кўзда тутилади. Масалан, тушуниб ёки тушунмасдан, синаш ёки хайрон қолдириш учун, мақтаниш ёки маърузачини мулзам қилиш ниятида ва ҳо казолар. Энг фойдали ва кучли савол, менимча, салмоқлаб жавоб беради домла, фикрлашга, мулоҳаза қилишга ундовчи савол ҳисобланади. Энг муҳими, савол берган талаба сизни тинглаган бўлади, у савол беришга руҳан, фикран, жисмонан, маънан тайёргарлик кўради. Шунинг учун ҳам мен уни ҳурмат қиламан ва маъқуллайман.

Биз юқорида тажрибали, билимдон, синчков, фидойи, сеvimли, ноанъанавий олим муаллим Халқ маорифи аълочиси, олий таълим фидойиси, суяги олимлик ва муаллимликда қотган меҳнаткаш инсон Ғабдулхаков Фарит Авхунувичнинг айрим қирралари ҳақида фикр баён қилиш билан кифояландик.

## ОТА ДУОСИНИ ОЛГАН ДОМЛА

Уйчи туманининг Аҳси қишлоғида Киримжон Назаров дейилса, барча катта ёшдаги аҳоли билимдон, ташкилотчи, ўқувчиларга меҳрибон, ўқитувчиларга ажойиб устоз, бошлиқлар билан муомалани ўрнига қўядиган ташаббускор директорни эслайдилар. Домла Аҳси мактабини 1947-1958 йиллар давомида бошқариб, қишлоқ ёшларини илмли бўлишини астойдил истаган, мактабнинг моддий базасини яратиш ва ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшибгина қолмасдан, балки Уйчи туманининг Қизилровот, Машад, Ўнҳаёт қишлоқлари ёшларининг таълим-тарбияси билан машғул бўлган инсонлардан биридир. Фарғона ўқитувчилар институтининг география бўлимини битириб, ҳали олий маълумотли бўлмаган мутахассиснинг шундай улкан ишларнинг соҳиби бўлганига ва ёши улғайиб қолган бўлишига қарамасдан, зиммасида мактабни бошқаришдек ўта масъулиятли вазифа тургани холда Наманган давлат педагогика институтида сиртдан ўқиб олий маълумот олишга бел боғлаган инсоннинг ғайрат-шижоати ва сабр-бардошига тасанно айтиш, бошқаларга намуна қилиб кўрсатиш лозим.

Бундай инсонларда Ватан тушунчаси унинг иш жойи, жамоаси билан уйғунлашиб, йўғрилиб кетади. Уларнинг уйи ҳам, ўйи ҳам иш жойи ҳисобланади. Шунинг учун бўлса керак домланинг фарзандлари у киши қаерда ишлаган бўлса ўша жойдаги мактабда таҳсил олганлар. Турмуш ўртоқлари Роҳилахон ая эса шу қишлоқ кутубхоналарида мудиралик қилиш билан баробар директорнинг энг ишончли ва беминнат ёрдамчисига айланган, шу билан бирга тўққиз фарзандни – беш ўғил ва тўрт қизни оқ ювиб, оқ тараб намунали тарбия берган. Қарангки, ўғиллар Раҳимжон, Шарифжон, Зокиржон, Тохиржон ота изидан боришни – ешларга таълим-тарбия бериш йўлини танладилар, қизлар – Моҳирахон, Муборахон, Мавлудахон Муҳаббатхонлар эса тўқувчилик касбига меҳр қўйдилар, Зарифжон тадбиркорликка бел боғлади.

Ҳаётнинг қизиқлигини қаранг, Назаров домла Аҳси қишлоғида таълим-тарбия бериб, ўқишга, муаллимликка

ундаган Иззатилла Мингбоев Тошкент чет тиллар институтини битириб Ўнҳаят қишлоғига ишга юборилади, мактабда инглиз тилидан дарс беради. Бир қатор ўқувчиларни келажакда инглиз тили бўйича мутахассис бўлишга ундайди. Улар сафида Назаров домланинг икки фарзанди Раҳимжон ва Шарифжонлар ҳам Наманган давлат педагогика институтига кириб, ҳушмуомалалиликни Дадахон Эшондадаевдан, инглиз тилининг сир асрорларини Малик Шамсиддинов, Боходир Бахромов ва бошқа бир қатор устозлардан ўрганадилар. Институтни битириб ўрта мактабда инглиз тилидан дарс берадилар.

Бадий асарларда "динамик образ" деб номланувчи тушунча бор. Бу образларга мисол ҳаётдан олинади. Биз таърифламоқчи бўлган инсон ҳам бундай қаҳрамонлар учун прототип бўлиб хизмат қилишга лойиқ.

Наманган давлат институтини тамомлаб, Ҳарбий хизматни ҳам ўтаб бўлиб Уйчи туманининг 4-сонли ўрта мактабида инглиз тилидан дарс бериб турган Раҳимжон Каримов 1991 йилда Наманган давлат университети қошида ташкил қилинган Вилоят тил ўргатиш марказига ишга таклиф қилинди. Бу таклиф унинг учун қутилмаган бўлгани боис бироз чўчиди. Ишлаб юрган мактабидан кузи қиймадими ёки университетда дарс бериш бир оз ваҳималироқ туюлди, аввалига рози бўлмади.

Дўстларнинг қистови ва далдаси билан тил марказида иш бошлаган Раҳимжон тез орада жамоага киришиб кетди. Дарсларга пухта тайергарлик кўриш, ўз устида тинмай ишлаш, самиймийлик ва педагогларга хос бағрикенглик, доимо ердамга тайер туриш, дарсларни қизиқарли педагогик технологиялар асосида ўтиш уни жамоага янада жипслаштирди, у энди турли тадбирларда ўз тажрибаси ва ҳаракатчанлиги, ишбилармонлиги ва тадбиркорлиги билан бошқаларга ўрناк бўла бошлади. Шунинг учун ҳам уни хорижий филология факультетидаги маъруза ва амалий машғулотларни олиб боришга жалб қилинди. У адабиётшунослик, мамлакатшунослик ва инглиз тили назарий фонетикаси фанлари бўйича маърузаларга тайергарлик кўрди, тажрибали ва билимдон профессор-ўқитувчиларнинг дарсларини кузатди, иш тажрибалари ва

методларидан бахраманд бўлди, улардан амалиётда ижодий фойдаланди, ўз фанининг устаси бўлишга интилди. Унинг ҳаракатлари зое кетмади.

У 2003 йилнинг октябрь ойида филология фанлари доктори профессор Н.Отажонов илмий раҳбарлигида "Бобурнома"даги шеърлар хорижий таржималарининг қиёсий таҳлили" мавзуида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Диссертацияга расмий оппонентлик қилган филология фанлари доктори, профессор Ҳ.Кароматов ва филология фанлари номзоди, доцент Н.Қамбаров илмий тадқиқотга юксак баҳо бердилар.

Раҳимжон илмий тадқиқот билан машғул бўлган чоғидаги қийинчиликларни қуйидагича эслайди. "Диссертация ёзиш осон иш эмас экан. Сен қойиллатиб дарс ўтишинг, қизиқарли маъруза ўқишинг ёки амалий машғулотларни юксак даражада олиб боришинг мумкин, лекин фикрингни жамлаш, ўзгалар фикридан хулоса яшаш, мавзунини илмий жиҳатдан еритиб бериш осон кечмас экан. Тўғри, ўзгалар ёзган диссертацияларни ўқиш жараёнида унда баён қилинган фикрлар жўн, содда, осондек туюлавераркан, лекин ўзинг қоғоз-қалам олиб ёзишга киришаман десанг, қаламинг қоғозда юрмай туравераркан. Албатта фикрни ёзма равишда илмий баён қилиш кишидан илм, малака, тажриба ва иқтидор талаб қилади. Бунинг учун мунтазам ўқиш, ўрганиш, игна билан қудуқ қазишдек машаққат чекиш лозим. Бундан ташқари номзодлик имтиҳонларини топшириш, илмий раҳбарнинг кўнглига йўл топиш, расмиятчилик ва бошқа бир қатор ишлар тингкангни қуритиб қўяди. Шунинг учун ҳам диссертация ёзиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди."

Инсон ўтмиши билан кулиб видолашади. Диссертацияни муваффақият билан ҳимоя қилган Р.Каримов таълим-тарбия ишларига астойдил киришиб, дарсларини ғайрат билан ўта бошлади, жамоатчилик ишларида фаоллик кўрсатди.

Раҳимжондаги ғайрат, шижоат, ишбилармонлик ва, айниқса, садоқатни пайқаб қолган факультет декани профессор Н.Отажонов уни ўзига муовин этиб тайинлади. Яхши ўринбосар жоннинг ҳузури деганларидек, Раҳимжон

ўз вазифасини ситқидилдан бажарди, садоқат билан иш олиб борди, факультет деканини тиндирди, қўйди.

Уни Наманган давлат университети қошидаги Вилоят тил ўргатиш маркази директори вазифасига ишга қўйилди. Ҳар қандай вазифада ҳам масъулиятни тула ҳис қиладиган Раҳимжон марказнинг ишини қайта қурди, моддий базасини ривожлантириш учун астойдил меҳнат қилди, янги гуруҳлар очди, серғайрат ва истиқболли ёшларни ишга жалб қилди. Икки йиллик курсларни битирган тингловчилар вилоятимизнинг турли мактабларида инглиз тилидан дарс бера бошладилар. Марказни битирган ёшларнинг кўпчилиги чет элларда ўқишни давом эттириб, мамлакатимизнинг турли ташкилотларида муваффақият билан хизмат қилмоқдалар.

Ҳаёт худди чархпалак, ғир этиб айланиб ўтганини билмай қоласан, аспирантлик даври эса дўппини бир айлантириш билан баробар, - дер эдилар устозимиз Малик Шамсиддинов. Шунинг учун вақтни бекорга ўтказмай илм-фан билан машғул бўлиш, ҳар дақиқадан унумли фойдаланиш даркор. Бекорга айтилмаган, вақтинг кетди, бахтинг кетди, нақдинг ҳам кетди, деб. Раҳимжон Каримов ушбу ҳикматга амал қилган холда қисқа - атига 15 йил ичида оддий ўқитувчиликдан, катта ўқитувчи, фан номзоди, доцент, вилоят тил ўргатиш маркази директори, кафедра мудири, факультет декани даражасига кўтарилди.

Кечагина факультетга ишга келгани чўчиб турган эдингиз, энди эса шу факультетга ўзингиз декансиз, дейилса у мийиғида кулиб кўяди. Бу ўринда раҳбарнинг ўрни ва ролини ҳам алоҳида кўрсатиш лозим. Раҳбарликнинг ҳам ўзига яраша шарти, сирини ва машаққатлари бор. Юқоридаги гапларни эшитиб уни қўл остида ишлаётганларга турлича етказиш мумкин, бу албатта раҳбарнинг характери, иқтидори, манфаат ва мақсадларига боғлиқ. Ота тарбияси ва насиҳатини ҳамиша юксак деб билган Раҳимжон факультетда таълим-тарбия иши юрсин, маънавият ривож топсин деб ишлайди. Ҳар бир профессор-ўқитувчи ва талабанинг ҳолатини тушунишга ҳаракат қилади, масалаларни сокинлик, мулоҳаза ва оқиллик билан ҳал қилади. Шунинг учун ҳам жамоа уни

самимий ҳурмат қилади, эъзозлайди.

Биз ота дуосини олган домла Раҳимжон Каримовнинг айрим қирраларинигина ёритишга ҳаракат қилиш билан бирга, унинг меҳрибон ота, суюкли бабо, сеvimли ёр, бағрикенг қўшни, интизомли жура, хотамтой мезбон ва бошқа хислатлари ҳақида кўп гапириш мумкин.

## САНКТ ПЕТЕРБУРГ ФИЗИКА МАКТАБИНИНГ НАМАНГАНЛИК ВАКИЛИ

“Менинг физик бўлишимда тоғаларим Маҳмуджон, Ҳабибуллоларнинг физик бўлганлиги, айниқса катта тоғам Абдуллажон Раҳимовнинг Тошкентда, Москвада физика ва уни ўқитиш соҳасида илмий изланишлар олиб борганлиги ва кейинчалик шу соҳанинг етук профессори бўлганлиги асосий тurtкилардан бири бўлган эди”, деб эслайди Наимжон Раҳимов. Мактаб физика, математика ўқитувчилари Абдусаттор Тожибоев ва Акбарали Абдуллаевларнинг фидойи меҳнатлари мурғак Наимжон қалбида устоз, мураббий бўлиш орзусини уйғотди

Раҳимов Наимжон 1951 йил 2 май куни Наманган туманидаги Ровустон қишлоғида таваллуд топди. Унинг отаси Раҳимжон Бойдедаев ширкат хўжалигида табелчи, бригадир, хосилот лавозимларида фаолият курсатган меҳнат фахрийси.

Онаси Раҳимахон Бойдедаева уй бекаси, қахрамон она. Наимжон Раҳимов ун фарзанднинг тунғичи. У 1968 йили Наманган туманидаги 18-мактабни олтин медал билан тугатди. Мактабда физика, математика фанларини жон дили деб ҳисоблаган Наимжон туман, вилоят олимпиадаларининг ғолиби, 10-синфда эса физика бўйича Республика олимпиадасининг иштирокчиси бўлди. Шундай қилиб, Наимжон Раҳимов 1968 йили Тошкент давлат университети физика факультетининг талабасига айланди.

Университетда фақат аъло баҳоларга ўқиди, учинчи-бешинчи курсларда, уч йил давомида “Ленин стипендиати” бўлди. Бу университет тарихида ҳам кам кузатиладиган ходиса эди. Чунки Ленин стипендияси ўша даврнинг энг атоқли стипендияси бўлиб, энг аълочи, жамоатчи, фаол

талабаларга 1,2 йил давомида берилар эди. У иқтидорли талабалар қаторида 3-курсни битиргач, 1 ойга Дрезден Техника университетига юборилди. Ушбу сафар уни янада астойдил ўқишга, илм кишилари томон интилишга ундади. Таниқли кишилик билан учрашув унинг энг севимли машғулоти эди. Шунинг учун ҳам москвалик таниқли олим Х.А.Рахматулин билан бўладиган учрашувга Мирзагулдан пахта йиғим-теримидан махсус автобусда олиб келинганимизда, шунингдек яна бир москвалик таниқли олим В.И.Стафеевнинг ярим ўтказгичли қурилмалар физикасидан ўқиган маърузаларида иштирок этганида ундан бахтли инсон йўқ эди. "Университетда толиби илмларга чуқур сабоқ берган Э.Назирова, Р.Вакилов, К.Муқимов, Р.Х.Маллин, А.Тешабоев каби устоз-мураббийларни дуненинг ҳеч қайси бурчагидан топа олмаслигимизни биз кечроқ англаб етган эканмиз", - деб афсусланади Наимжон Раҳимов.

Бўлажак физик олимнинг илмга бўлган интилишини сезган "ярим ўтказгичлар ва дизлектриклар физикаси" кафедраси мудири, профессор А.Тешабоев диплом ишини тайёрлаши учун уни РФАсининг А.Ф.Иоффе номли Ленинград физика техника институтига илмий сафарга юборади. Бешинчи босқич машғулотлари ва синовларини тўла шу институтда ўтади. У ФТИ профессори А.А.Лебедев раҳбарлигида диплом ишини тайёрлади ва муваффақиятли ҳимоя қилди.

Университетни имтиезли диплом билан тугатган Наимжон Раҳимов Тошкент давлат педагогика институтининг назарий физика кафедрасига ишга юборилади. Кафедрада илиқ кутиб олинган Наимжон Раҳимовни профессорлар Р.Х.Маллин ва А.И.Бойдадаевлар катта умид ва ишонч билан А.Ф.Иоффе номли ФТИга икки йиллик илмий стажировкага юбордилар.

Ёш тадқиқотчи А.Ф.Иоффе номли ФТИда академик Ж.И.Алферов илмий раҳбарлигида профессор В.И.Корольков, катта илмий ходим В.Г.Никитинлар билан биргаликда гетероўтишлар асосида янги турдаги ярим ўтказгичли қурилмалар тайёрлаш технологияси ва физикасига оид илмий-тадқиқот ишларини бошлаб юборди.



Илмий стажировка давомида изланувчан ёш олим сифатида шаклланди, семинарларда маърузалар билан чиқди, конференция ва симпозиумларда иштирок этди. Илмий стажировка якунлангач, уни профессор В.И.Корольков А.Ф.Иоффе номидаги ФТИ аспирантурасига тавсия этади 1975 йили аспирантурага қабул қилинди. Илмий раҳбар қилиб академик Ж.И.Алферов тайинланди.

Аспирантура давомида ҳамюртимиз гетероўтишлар асосидаги тиристорлар технологияси ва физикасини яратган ёш олим сифатида танилди. Ушбу ишлари учун у 1977 йили А.Ф.Иоффе номи ФТИ ёш олимлари ва аспирантлари кўрик танловида фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, Наимжон Раҳимов тезкор фото қурилмалар, қуёш энергиясини электр энергиясига айлантиришда юқори самарадорликка эга бўлган фотозлементлар технологияси ва физикасига оид қатор илмий-тадқиқот ишларини амалга оширди. Илмий тадқиқот натижаларини нуфузли журналларда чоп эттирди ва кўплаб семинарлар, конференция, симпозиумларда маърузалар билан қатнашди.

Наимжон Раҳимов 1979 йили 22 январь куни А.Ф.Иоффе номидаги ФТИ ихтисослашган илмий Кенгашида номзодлик диссертациясини химоя қилди. Илмий Кенгашга раислик қилувчи академик В.М.Тучкевич, Кенгаш аъзолари академик Ж.И.Алферов, академик Б.П.Захарченко, профессор И.В.Грехов, В.Е.Челноков, Б.П.Константинов, Таллинлик профессор Г.А.Ашкиназе ва бошқалар ишга юксак баҳо бердилар.

Номзодлик диссертацияси химоясидан сўнг Наимжон Раҳимов ўзининг илмий ва педагогик фаолиятини Наманган давлат педагогика институтида давом эттирди. Физика кафедрасининг ўқитувчиси (1978-1979), катта ўқитувчиси (1979-1981), доценти (1982-1988) лавозимларида ишлаб механика, электродинамика, радиотехника ва радиоэлектроника фанларидан маърузалар ўқиди, амалий ва лаборатория машғулоти олиб борди. У педагогик маҳоратни эгаллашда устоз-мураббийлар доц. Ф.Ғайбуллаев, проф.А.Раҳимов, доц. М.Мамадалиев, катта

ўқитувчи К.А.Қосимоваларнинг тажрибалари ва маслаҳатларидан самарали фойдаланди. Айниқса, Наманган педагогика институтида узоқ йиллар мобайнида кафедра мудир, декан, ректор лавозимларида фаолият кўрсатган доцент Ф.Ғайбуллаевдан олий ўқув юртида ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш соҳасида кўп сабоқ олди.

Унинг илмий раҳбарлигида талабалардан Б.Тоташадзе, Ё.Рафиқовлар Тошкент, Новосибирск, Рига шаҳарларида ўтказилган илмий танловларда маърузалар билан иштирок этдилар. Наимжон Раҳимов институт тарихида биринчи бўлиб ҳужалик шартномаси асосидаги илмий - тадқиқот ишларини йўлга қўйди. Унинг илмий раҳбарлигида Ленинграддаги "Светлана" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ўн йил давомида ҳужалик шартномаси асосидаги илмий - тадқиқот ишлари олиб борилди.

Наимжон Раҳимов 1983 йили Наманган давлат педагогика институти ректори профессор М.Маматов ва ўқув ишлари проректори профессор А.Раҳимовларнинг ташаббуси, таклифи ва йўлланмаси билан яна Ленинграддаги А.Ф.Иоффе номли ФТИга докторантурага катта илмий ходим сифатида юборилди. Профессор Абдуллажон Раҳимовнинг "Сиз албатта докторантурага боришингиз керак. Ленинградда номзодлик диссертацияси ҳимояси чоғида илмий Кенгаш раиси академик В.М.Тучкевичнинг "Наимжон Раҳимов бу соҳада биринчи қалдирғочлардан ва ушбу илмий ишни албатта давом эттириши зарур" деган сўзларини эслатиб, Наимжонга дадиллик бағишлади.

Академик Ж.И.Алферов, профессор В.И.Королевлар уни қучоқ очиб кутиб олдилар. У ўзи билан А.А.Пўлатов, Д.Нўъмонов, У.Раҳимов, Р.Ғуломов, Х.О.Абдуллаевларни Ленинграддаги А.Ф.Иоффе номли ФТИга стажёр - тадқиқотчи, аспирант сифатида олиб келди. Кейинчалик улар сафига А.Холмирзаев, М.А.Афроиловлар ҳам қўшилдилар. Наимжон Раҳимов докторантура давомида гетеро ўтишлар асосида янги турдаги транзисторлар, тиристорлар ва фото элементлар технологияси ва

физикасини яратди. Илмий тадқиқот ишлари натижаси бўйича ўн саккизта журналларда илмий мақолалар, ўттиздан зиёд конференция, семинар, симпозиумларда маърузалар, ўн бешта ихтиро учун муаллифлик гувоҳномаси, битта монография тайёрлади. Физика техника институтининг аънавий қишки, ёзги семинарларида, академик А.Ф.Иоффе хотирасига бағишланган ўқишларда иштирок этди. Илмий ишлари юзасидан Москва, Кишинев, Киев, Минск, Таллин олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтлари олимлари билан ҳамкорлик ўрнатди.

Наимжон Раҳимов 1988 йили 8 январь куни Кишинев амалий физика институти ихтисослашган илмий Кенгашида академик С.И.Радауцан раислигида докторлик диссертациясини мувафақиятли ёқлади. Унинг шогирдлари ҳам бирин-кетин Ленинградда, Кишиневда номзодлик диссертацияларини ёқлаб қайтдилар. Турли даврларда Ленинград мактабини ўтаб қайтган шогирдлари У.Бобоҳўжаев, Р.Икрамов, Ё.Рафиқов, А.Султонов, М.Убайдуллаевлар ҳам аллақачон фан номзоди бўлиб етишганлар. Улардан У.Бобоҳўжаев НамДУ физика - математика факультети декани бўлиб ишламоқда.

Профессор Наимжон Раҳимов собиқ Иттифоқ Фанлар Академиясининг "Диагностика полупроводников и полупроводниковых структур" шўъбасининг аъзоси сифатида шўъбанинг турли шаҳарларида бўлиб ўтган йиғилишларида фаол иштирок этди. Унинг ташаббуси билан 1988 йили шўъба йиғилиши Наманганда ташкил этилди. Унда Тошкент, Москва, Ленинград, Киев ва бошқа шаҳарлардан юздан зиёд таниқли олимлар иштирок этдилар. Кейинчалик ушбу аънава давом эттирилиб, НамДУда бир неча халқаро ва Республика миқёсидаги конференциялар ўтказилди. Навбатдаги конференция "Муқобил энергетика муаммолари ва энергия тежамкорлиги" мавзуси остида 2007 йил 25-26 сентябрь кунлари ўтказилган.

Наимжон Раҳимовнинг илмий педагогик ва ташкилотчилик фаолияти мустақиллик йилларида янада ёрқинроқ намоён бўлди. Наманган педагогика институти университетга айлантирилгач, Наимжон Раҳимов 1993-2000

йиллар давомида илмий ишлар проректори, 2000-2005 йиллари ўқув ишлари проректори лавозимида фаолият кўрсатди. Бу даврда НамДУда кадрлар таёрлаш миллий дастурини амалга оширишга ўзининг муносиб хиссасини қўшди. Жумладан, НамДУ ректори профессор А.Аъзамов билан биргаликда НамДУ иқтидорли талабалари учун университет атама стипендиялари, вилоят ва шаҳар хомий ташкилотларининг атама стипендиялари ташкил этилди. Наимжон Раҳимовнинг илмий раҳбарлиги остида физика факультети талабаси Равшанбек Сайдалиев биринчилардан бўлиб Улуғбек номидаги Давлат стипендияси совриндори бўлди. Бу ишларнинг натижаси ўлароқ кейинчалик НамДУда ҳар ўқув йилида беш-олти нафар талаба Давлат атама стипендияларининг совриндори бўлишди. Иқтидорли талаба ва аспирантлардан Д.Раҳимова, Н.Абдуллажонова Президент Давлат стипендияси совриндори бўлдилар. Физика бўлими иқтидорли талабаларидан бири А.Бозоров Васеда университети (Япония) магистратурасини битирди.

Наимжон Раҳимов 1993-2002 йиллар мобайнида кафедрада "Фундаментал тадқиқотлар" дастури доирасида бошқарилган грантларнинг илмий раҳбари бўлган. Физика кафедрасида "Яримўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси" мутахасислиги бўйича магистратура ва аспирантура фаолият кўрсатмоқда. Кафедра қошидаги аспирантурани битирган М.Дадамирзаев, С.Бойдадаевлар номзодлик диссертацияларини муддатда ҳимоя қилишган,

Шогирдлар Наимжон Раҳимов ҳақида доимо илқ сўзларини айтадилар.

"Устоз Наимжон Раҳимов номзодлик диссертациясини ёқлаб Наманган педагогика институтига ўқитувчи бўлиб келганларида бизга дарс берганлар. Барча илмга интилувчи, иқтидорли талабалар қатори мен ҳам домлага ҳавас қилардим. Ҳавас мени ҳам илм йўлига етаклади. Устоз А.Ф.Иоффе номли Физика техника институтигага докторантурага жўнаб кетаётганларида мен ҳам бирга кетдим ва академик Ж.И.Алферовнинг шогирди, профессор В.И.Королков ва устоз Н.Раҳимов илмий раҳбарлигида А.Ф.Иоффе номли ФТИда аввал 2 йил стажер-тадқиқотчи

бўлдим, сўнгра аспирантурада ўқидим. Ленинградда устоз Н.Раҳимовга янада хавасимиз ортди. Чунки Н. Раҳимовнинг А.Ф.Иоффе номли ФТИ да ҳам катта обрўси ва ўз ўрни бор экан. У киши бизга масалалар қўяр ва уни хал қилиш йўлларини ўргатарди.

Устозни Москва, Кишинев, Таллин ва бошқа шаҳарлардаги кўплаб олимлар ҳам жуда ҳурмат қилишади. Устоз ҳар хафта Москва, Кишинев, Тарту, Минск, шаҳарларидан бирига хизмат сафарига борар эдилар. Устознинг кўрсатмалари ва маслаҳатлари билан биз номзодлик диссертациямизни ўз муддатида еқлаб қайтганмиз", деб миннатдорчилик билдиради **физика-математика фанлари номзоди А.Пўлатов.**

"Профессор Наимжон Раҳимов Наманган давлат педагогика институтида биринчилардан бўлиб хўжалик шартномаси асосидаги илмий тадқиқот ишларини бошлаб берган олимлардан бири. Хўжалик шартномаси асосидаги илмий тадқиқот ишлари Ленинград, Москва, Одесса шаҳарларидаги ташкилот ва ишлаб чиқариш корхоналари билан тузилган эди. Мана шундай ишларнинг иштирокчиси сифатида мен Москвадаги илмий тадқиқот институтларида бўлганман, шимолий муз океанида сузганман. Устоз йўлланмаси билан Ленинград А.Ф.Иоффе номли ФТИда аспирантурада ўқидим ва номзодлик диссертациясини муддатида химоя қилдим. Ленинградда яшаган кезларимизда устоз бизга илмий ва маънавий сабоқ берардилар. Ҳар якшанбада илмий семинар ўтказиларди. Кейинчалик ўйлаб кўрсам ўша пайтда устоз Ленинградда наманганлик еш олимларнинг кичик илмий мактабини тузган эканлар" дейди физика-математика фанлари номзоди А.Холмирзаев.

"Биз аспирантлар устозимиз профессор Наимжон Раҳимовнинг Ленинграддаги А.Ф.Иоффе номли ФТИ олимлари ўртасида ўзининг муносиб ўрни борлигидан фахрланар эдик. Устознинг наманганлик шогирдларидан ташқари ленинградлик шогирдлари ҳам кўп эди. Ленинград политехника университети, Ленинград электротехника ва алоқа институтидан келган бир неча талабаларнинг диплом ишларига устоз илмий раҳбарлик қилганлар.

“Оптоэлектроника” кафедрасининг кўпгина талабалари устоз илмий раҳбарлигида курс ишлари, дипломолди амалиёти ўташган. Устоз Ленинграддан Наманганга байрамга еки таътилга қайтганларида ФТИдан профессор В.И.Королков бошчилигидаги лаборатория ходимлари Наимжон Раҳимов қачон қайтади? Тезроқ қайтсин. Намуналар тугаяпти. Янгисини тайёрлаш зарур”, деб уни орзиқиб кутиб туришарди.

“Устоз НамДУда кафедра мудирини, проректор лавозимларида ишлаб турганида Наманган Мухандислик педагогика институти ректори профессор Т.Эргашев НамМПИ илмий салоҳиятини кўтариш учун уни ўриндошлик асосида ишга таклиф этганда, Наимжон Раҳимов лаббай деб жавоб беради ва 1989 йилдан бошлаб беш йил давомида институтда профессор лавозимида ўриндошлик асосида фаолият кўрсатади”, дейди физика-математика фанлари номзоди НамМПИ энергетика факультети декани Р.Ғуломов.

Ҳа, ўз соҳасининг етук мутахасиси бўлиш, талаба ва илмий ходимлар, шогирдлар ва ҳамкасбларнинг бундай баҳоларига муяссар бўлиш ҳар кимга ҳам насиб бўлавермайди. Бунинг учун самимий юрак, меҳнат, сабр-бардош ва одабийлик талаб этилади. Бу ва бошқа кўпгина хислатлар Санкт-Петербург физика мактабининг наманганлик вакили профессор Наимжон Раҳимовда мужассам эди.

## ИЛМ ОЛИШГА ЧОРЛОВЧИ БУЮК АЛЛОМА

Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган инсон ҳақида илм аҳлидан кўплаб илиқ сўзларни эшитиб, вақтли матбуотдаги чиқишларини мутолаа қилиб, радио ва телевидение орқали тинглаб, тамоша қилиб юрган бўлсамда, ўзлари билан учрашиш илк бора Москва шаҳрида насиб этган.

Ўзбекистон фанлар академиясининг Рязанский проспект метро бекати енгинасида жойлашган 15 қаватли меҳмонхонаси ўзбекистонлик илм аҳлини учраштирадиган муҳим марказ ҳисобланар эди. Бинонинг 11-15 қаватлари Москва шаҳрида таҳсил олаётган аспирант ва

тадқиқотчилар учун ётоқхона бўлиб, қуйи қаватлари илмий сафар билан келганлар учун замонавий жиҳозланган меҳмонхона эди. Бундай шароит бошқа иттифоқдош республикалар илмий ходимлари учун мавжуд эмасди, шунинг учун ҳам биз бу имкониятни яратган кишилар билан фархрланардик.

Домла илмий сафар билан Москва шаҳрига ёки Санкт Петербургга борганларида ҳар доим ушбу меҳмонхонага жойлашар, кечқурунлари қовун ёки торвуз кутариб, «Наманганликларимни кўриб қўяй дедим», деб бизнинг хонага ташриф буюрар эдилар. Имконимиз борича дастурхон тузаб, Домлани аспирантчасига меҳмон қилардик.

Устоз ўз илмий ишлари, илмни қандай бошлаганликлари, бу йўлдаги қийинчиликлар, китоб билан ишлаш, мақола ёзиш, кишилар билан мулоқот қилиш ва бошқа масалаларда биз билан суҳбатлашар, ҳар биримизнинг ишларимиз билан қизиқиб фойдали маслаҳатлар берардилар.

Домланинг Шарқ маданияти ва адабиетини яхши билишлари ва Қуръони Карим сураларидан айтиб, уларни тафсир қилишлари биз учун қизиқарли ва фойдали сабоқ бўларди. Хуллас, Домла билан биргаликда ўтказган ҳар бир дақиқамиз ўзига хос дарс эди.

Домла 90-йилларда Наманган давлат университетида ишладилар. Ҳар сафар пенсия пулини олганларида хорижий филология факультети деканатига кириб, «Бугун мен нафақа пулини олдим, юринглар бир тушлик қилиб берай», дер эдилар. Ҳар келганларида қайсидир тўплам ёки газетада чоп этилган мақолаларини ёки янги босмадан чиққан китобларини курсатардилар. Домланинг сермахсул олим эканликларига тан берардик. Дархол чой ёки кофе кўйиб домланинг суҳбатларини олишга ҳаракат қилардик.

Домладаги камтарлик, кичиккўнгиллик, ёрдамга доимий тайёрлик кишини хайратга соларди. Берган севолларимизга ҳамиша тўла, батафсил жавоб олардик. Айниқса араб тилшунослиги ва араб халқлари ҳақидаги маълумотлари биз учун қизиқарли бўларди.

Домла ҳар доим ўзларини ташвишлантираётган

масалалар ҳақида эринмай гапирар, жумладан, Ўзбекистонда, хусусан, Наманганда китоб чоп этиш, китоб савдосини янада яхшилаш ҳақида, мамлакатда матншуносликни ривожлантириш, шарқшунослик институти фондида катта миқдордаги ҳали ўрганилмаган китоблар мавжуд эканлиги, уларни илмий жаҳатдан таҳлил қилаоладиган мутахассислар сувдек зарур эканлиги ҳақида куюниб гапирардилар.

Бир куни Домладан Жийдакападаги дўстларим учун суҳбат қилиб беришларини илтимос килдим. «Жийдакапага дарҳол бораман, - дедилар Домла. - У ерда Хилватий домла яшаганлар, уларнинг қабрларини ҳам зиёрат қиламиз».

Синфдошларимдан 15 нафари йиғилган эди. Домланинг ташрифлари уларни жуда қувонтирди. Худди пресс-конференция каби савол-жавоб қизиб кетди. Хилватий ҳақида ҳам кўп маълумотларни билиб олдик. Синфдошларимдан бири суҳбатга беморлиги туфайли келолмаган эди. Уни кўриб келиш ташаббуси Домладан чиқди. У ерда ҳам қизғин суҳбат давом этди. Домланинг ёқимли арабча қироатлари ва парчанинг тафсири ҳаммамизга мойдек еқарди. Шу куни мен ва барча синфдошларим учун ажойиб шарқшунослик дарси бўлди, кўплаб саволларимизга жавоб олдик.

Қайтишда Домла, «Ажойиб, билимдан, қизиқувчан, ҳиммати баланд дўстларингиз бор экан, қойил қолдим», - дедилар.

"-Нимага қойил қолдингиз?," - сурадим мен.

«Менинг, - дедилар Домла бир тўхталиш билан, - ярим Наманганни сотиб олишга имконияти бор танишларим бор, лекин улар 2000 сўмга китоб сотиб олгани пулларини аяйдилар. Сизнинг синфдошларингиз бешта китоб сотиб олишди, шунга қойил қолдим, улар жуда илмга чанқоқ инсонлар экан, хурсанд бўлдим», - дедилар.

Бу биз учун ҳам катта мақтов эди.

Домла немис ва француз тиллари кафедрасида мунтазам чоп этиладиган «Роман-герман филологияси ва тил таълимининг долзарб масалалари» номли илмий мақолалар тўламининг бир неча сониди илмий ишларидан



намуналар эълон қилганлар, ҳаттоки бир сонига сўз боши ҳам ёзиб берганлар. Ушбу ишимиздан қувониб, бизни руҳлантирганлар.

Домла ҳар доим ёшларни билим олишга, ўқишга, ўрганишга чорлашдан чарчамас эдилар.

Мен таниқли шарқшунос, манбашунос олим, таржимон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор, Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори Исматулла хожи Абдуллаевдек бағрикенг инсонни таниганим, учрашганим, суҳбатларидан баҳраманд бўлганим билан ҳақли равишда фахрланаман.

## ЖАМОА МАНФААТИНИ ЮКСАК БИЛГАН ОНАХОН ОЛИМА

Шундай инсонлар борки, улар ҳаётининг мазмуни, барча орзу умидлари, қувончу ташвишлари, маънавий озуқалари, таскин топадиган маконлари улар фаолият кўрсатадиган жамоа ва ишхонаси ҳисобланади. Бундайлар ўзларининг қувонч ва ташвишларини шу макон билан боғлайдилар ва жамоаларидаги инсонлар билан баҳам кўрадилар. Улар учун жамоадаги ёши улуғлар устоз, тенгдошлари маслаҳатгўй, ёшлар шогирд ҳисобландилар. Айниқса шогирдларини эҳтиёт қиладилар. Шунинг учун ҳам жамоа аъзолари ўз анъаналарини сақлаган ҳолда устозларидан кейин ҳам уларни эъзозлайдилар, ҳурматини жойига қўядилар.

Турсуной Абдулҳакимовна Ҳамидова ҳам анашундай жонқуяр муаллима, онахон олима эди. Устоз виқорли, кийиниши, юриш-туриши, ҳаракатлари, гап-сўзлари ўзига ярашган, халқ тили билан айтганда "солидная" ая эди. Унинг ҳузурига дабдурустан, айниқса ўша даврларда ёш домлалар кириб боришга ботина олмас эди. У қайси вазифада ишламасин ўз бурчини ситқидилдан бажарар, жамоа манфаатини биринчи ўринга қўяр, ҳодимларига меҳрибон бўлиб, уларни астойдил ҳимоя қиларди ва айниқса ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб қувватларди.

Мен 80 йилларда Рус тили ва адабиёти факультетида

немис тилидан дарс бериш билан баробар жамоат иши сифатида факультет партия ташкилотининг котиби вазифасини бажарардим. Устозимиз факультет илмий кенгаши ва партия ташкилотининг барча тадбир ва йиғилишларида фаол иштирок этар, бирорта йиғилишни ҳам қолдирмасди. Орқа ўриндикдан жой олиб, тадбирнинг боришини диққат билан кузатиб борарди ва фақат зарур бўлгандагина сўзга чиқарди. Сўзлаганда ҳам аниқ, равшан фикр билдирар, аудиторияни ҳурмат қилар, ҳеч кимни ранжитадиган сўз айтмас, масаланинг моҳиятини ва унга бўлган муносабатини аниқ ва ҳолисона ифода қиларди.

Факультет декани доцент К.Н.Носиров Вилоят ҳокимияти идорасига ишга ўтказилганда, факультет декани лавозимига номзод танлаш анча оғир кечганди. Устоз факультетнинг жонкуяр, узоқ йил ишлаган аъзоси сифатида барча номзодлар билан эринмай суҳбатлашиб чиққанди ўшанда. Шундай суҳбат мен билан ҳам ўтказилганди. Факультет деканлигига кимни тайинлаш мумкин, деган саволга жавобимни эшитганидан сўнг, "Сизни тайинлашса нима дейсиз"- деб сўради оя. "Факультет декани бўладиган киши барча талабаларни билиши, уларга дарс бериши керак, акс ҳолда иш яхши ташкил бўлмайди",- дедим мен. - Бу гапингизда жон бор, маъқуллади устоз. Мен барча гуруҳ талабаларига дарс бермайман, шунинг учун менинг номзодим маъқул эмас"- дедим мен.

Менинг жавобларим уни қониқтирди. Университет илмий ишлар проректори бўлганда: "Сен ўз фаолиятинга танқидий қарар экансан, топшириқларни ҳам ўз вақтида бажаришинг менга маъқул" - деб, мени университет Илмий Кенгаши аъзолигига тавсия қилган эди.

Хуллас, бугунги кунда Т.А.Ҳамидова деганда университетни ва унинг жамоасини чин дилдан севадиган, унинг номини ва обрўсини ҳамиша эҳтиёт қиладиган, ҳаммани шу улуғ илм даргоҳи шани учун курашишга ундайдиган устоз муаллима, олима онахон кўз ўнгимда гавдаланади. Бундай инсонлардан ҳамиша ўрнатқ олсак арзийди.

## ОЛИМА АЁЛЛАР САРДОРИ

Маълумки илғор педагогик технологиялардан бири талабалар кучи билан мавзуга оид ассоциогаммалар тузиш ҳисобланади. Хорижий филология факультети учинчи босқич талабаларидан "АЁЛ" сўзини эшитганингизда ёки ўқиганингизда кўз олдингизда нималар намоён бўлади, шуни қоғозга тушуриш деб сўраганимизда, талабларнинг аксарияти қуйидаги сўзларни ёздилар: она, ёр, рафиқа, муаллима, олима, меҳр, муҳаббат, садоқат, алла, фаришта, оқила, доно, шоира, маҳбуба, авлодлар давомчиси ва бошқалар.

Қизиғи шундаки юқоридаги тушунчалар умумий маънода аёл ҳақида билдирилган бўлсада, биз таъриф ва тавсифини келтирмоқчи бўлган қахрамон ҳақидаги ўйларимизга бутунлай мос тушаётган эди.

Фақат дудуқ эмас, соғ одам ҳам сўзда тутилиб қолиши мумкин. Киши сўзни саралаганда, энг керакли, энг ўринли, энг оқил каломни қидирганда шундай бўлади. Шунинг учун айтган сўздан ҳам айтмаган сўз қимматлироқ (Р.Ҳамзатов). Ҳозир шу ҳолатга тушиб қолдик.

Қахрамонимизни талабалик йилларидан таниймиз ва биламиз. У ҳушбичим, нозиккина, истараси иссиқ, ҳушмуомала, юзидан табассум аримаиди, одобли, интизомли, масъулиятли, ўқишда фаол бўлишдан ташқари жамоат ишларида ҳам бошқаларга ўрнак. Шунинг учун ҳам у гуруҳ сардори этиб сайланган. Курсдошлари билан ширин муомала қилади. Шарқона латофати ва қизларга ярашадиган наманганча еқимли шеваси кишини ўзига тортади.

Биз унинг институтни битирганидан сўнг ўзбек тилшунослиги кафедрасига ўқитувчи этиб тайинланганидан қувондик. Энди у билан ҳамкасбларча мулоқотда бўла бошладик. Унинг билимга чанқоқлиги, ҳар нарсани асосли билишни хоҳлаши, кўп ўқиганлиги, билимдонлиги, оқиллиги, оғир-босиқлиги сўздан, кўздан, юриш-туриши-ю кийинишидан билиниб турарди. У масъулиятли ўқитувчи бўлиш билан бирга, биринчи навбатда, мулоҳазали ва андишали аёл.

Эсимда, у менга, декан муовинига, ҳафтанинг қайсидир икки кунда дарсларини биринчи жуфтликка қўймаслигимни илтимос қилганди.

– Нега, - деган саволга, - менинг оила бошлиғидан аввал уйдан чиқишим одобдан эмас, аёл кишининг биринчи галдаги вазифаси турмуш ўртоғига яхши шароит яратиб бериш, уни парвариш қилиш деб биламан, - деганида мен унинг илтимосини қондирган эдим.

Унинг маърузалари илмийлиги, қизиқарлилиги, ҳаётийлиги билан талабалар ҳурматига сазовордир. У дарсларини катта тайёргарлик кўрган ҳолда ўтиш билан бирга, илмий тадқиқот иши билан ҳам жиддий машғул бўлди. Шунинг учун ҳам қисқа фурсатда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди, тез орада олий аттестация ҳайъати томонидан тасдиғини ҳам олди. У ҳамиша талабалари онгига шахснинг тарбияланганлик ва маданиятлилик даражаси ўз она тилини қай даражада билиши билан белгиланишини сингдириб келади. Бу педагогика фанлари номзоди, ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти Маҳбубахон Собировадир.

Бир кам дунё деганларидек, уни заҳматли, аммо шарафли илм йулига киришида, бу йўлда ютуқларга эришишида ўзининг ғоят тартибли ва одобли юриш-туриши, ҳайратомуз ўта интизомлилиги, кенг мушоҳадага эғалиги билан кишиларнинг ҳавасини келтирадиган қадрли устози, фидойи педагог, заҳматкаш олим, азиз инсони педагогика фонлари доктори, профессор Абдурашид Каҳҳарович Мунавваров оғир ҳасталаниб уни абадий ташлаб кетди. Шунда у яна мардлик кўрсатди. Куйди, йиғлади, лекин ўзини йўқотмади. Зулфияхонимга хос садоқат, Барчинга хос матонат билан фарзандларига ҳам ота, ҳам она бўлди. Уларни ҳеч кимдан кам қилмай тарбиялади, ўқитди, ҳаётга тайерлади. Аламини ишидан, илмдан олди. Турмуш ўртоғининг хотирасига бағишлаб илмий назарий коференциялар ташкил қилишда бош-қош бўлди, “Ойлашунос олим ижодий мероси комил инсон тарбияси хизматида” (Наманган, 2003) номли китобни эълон қилди, турли тадбирлар ўтказди, мархумнинг руhini шод этиб, кишиларнинг дуосини олди.

Мана ҳозир ҳам бўш қолди дегунча китоб билан дугоналик қилади, игна билан қудуқ қазийди. Ҳозирга қадар у икки юзга яқин номдаги рисола, ўқув-услубий қўлланма, кўрсатма ва тасияномалар ҳамда мақолалари билан илм аҳлига танилди, университет профессор ўқитувчилари сафида ўз ўрнига эга бўлди. Унинг илмий-методик ишлари ва мақолаларини ҳавас билан ўқиймиз. Олиманинг мақолаларида кутарилган назарий масалалар соҳанинг таниқли олимлари фикри билан қувватланиши, амалиётдан мисоллар келтириш билан ўзининг илмийлиги ва ҳаётийлигини намойиш қилади. Илмий мақолаларида таълим ва тарбия мазмунини инсонларварлаштириш, талабалар ахлоқига ижобий таъсир этиш, уларни фикрлашга ундаш ва уларда инсоний фазилатларни тарбиялаш, таълим билан тарбияни узвий боғлиқликда олиб бориш, талабаларнинг катталар, ота-оналари ва устозлари олдидаги бурчларини ҳис этишни ўргатиш йўл ва усулларини илмий жиҳатдан асослаш ва ҳаётий мисоллар билан бойитиш борасида кишини мулоҳаза қилишга ва фикрлашга ундайдига тавсиялари билан чиқиб ҳавасингизни келтиради.

Биз ҳамкасбимизнинг барча ёзганларини, хоҳ у илмий мақола, эсдалик, эссе, очерк, публистик мақола, шеър, тақриз бўлсин, барча-барчасини зўр қизиқиш билан ўқиймиз, мантиқийликдан хайратланамиз, завқланамиз ҳамда маънавий озуқа ва услубий сабоқ оламиз.

Вилоятимиз олима аёллари вакили Маҳбуба Собирова энг улуғ нарса энг содда нарсада, улуғ одам йирик нарсани ҳам, кичик нарсани ҳам кўра билади, энг майда нарсада энг улкан нарса ётганини кўради ва одамларга ҳам кўрсата билади, деб талабаларга сабоқ беради ва ўзи ҳам ушбу ҳикматга амал қилади.

## **“ҚАҲРАМОН” ОТАНИНГ УМИДЛИ ЖОНКУЯР ҚИЗИ**

Ҳар бир инсон ва оиланинг ўз яқинлари бўлади. Бундайлар ҳақида ҳамиша илиқ сўзларни айтгинг ва ёзгинг келади. Улар дилга яқин кишилар бўлиб, тез-тез учрашишни, суҳбатлашишни истайсан. Учрашувлар кишига

яхши кайфият, илҳом ва яна кўришиш истагини ҳада қилади. Бундайларни дилтортар, меҳригие кишилар деб атайдилар.

Биз таърифини ва тавсифини келтирмоқчи бўлган инсон ҳам ана шундай яқинларимиздан бири, НамДУнинг инглиз тили ва адабиёти кафедрасининг катта ўқитувчиси Умидахон Адашева бўладилар.

Умидахон яхши мутахассис, инглиз тилининг билағони, тажрибали педагог, ғайратли ташкилотчи, чин дўст, меҳрибон она, талабчан устоз, жонкуяр дугона, меҳрибон рафиқа, доно буви. Биз Умидахонни талабалик йилларидан биламиз. Наманган шаҳар 7-умумтаълим мактабини битириб, чет тиллар факультетига ўқишга кирган нозиккина, ҳушбичим, кийимлари ўзига ярашган, (дугоналари Барчиной, Роҳила, Зухра, Замира, Дамира, Ҳабиба, Малика, Матлуба, Доно... ҳам шунақа эди) кишини дарров ўзига тортадиган, гапи бутун, дадил қиз бизнинг эътиборимизни тортди. Кейинчалик билсак, бу қизча нафақат Наманганда, балки Республикамизда таниқли, Наманган вилоятидан чиққан тўрт нафар "Ватан уруши Қаҳрамони"нинг бири, ажойиб инсон Соли Адашев ва у кишининг рафиқаси, фронт ортида жонбозлик кўрсатган, кейинчалик турли раҳбарлик лавозимларида фаолият олиб борган Танзилахон аяларнинг фарзанди экан. Гарчи Умидахон ўзига туқ, ҳамма танийдиган оилада таваллуд топиб, катта бўлган бўлсада, ундаги муомала маданияти, ўзини тутиши, ўртоқлари ва муаллимларга муносабати, ўқишга бўлган иштиеқи, меҳнаткашлиги, ғайрати, интизоми, ҳулқи ва одоби бошқаларга намуна бўлиб хизмат қиларди. Дарслардан бирида "Сиз нега инглиз тили муаллимаси бўлишни орзу қилгансиз?" деган саволга Умида қуйидагича жавоб берганди: "Мактабда ўқиб юрган пайтимда оиламизга таниқли езувчи Мирзакалон Исмоилий оила аъзолари билан ташриф буюришди. Менга езувчининг келини, роман-герман филологияси бўйича мутахассис опа жуда еқиб қолдилар, у кишига ҳавас қилдим. Шундан сўнг инглиз тилини астойдил ўрганиб, шу соҳа бўйича мутахассис бўлишга қарор қилдим."

Хуллас, билимга чанқоқ талаба яхши ўқиди,

домлаларнинг назарига тушди, билим ва иқтидори туфайли университетда муаллима бўлиб ишлаб қолди. Унинг барча ижобий фазийлатлари ҳаётнинг кўплаб қийинчиликларини бошдан кечирган, жон деб қон кечган падари бузрукворлари ва оиланинг мустаҳкам бўлишини ҳамжиҳатликда, бориға барака деб яшашни ўргатган муҳтарама оналарининг хизматларида деб биламиз.

Бу оилада ота-она ва фарзандлар муносабатига алоҳида эътибор берилган. Айниқса онанинг таъсири ва роли алоҳида эътиборли. Ота-она ҳар жиҳатдан ҳаммага, айниқса фарзандларга ўрнак ва намуна бўлганлар.

Бу оилада инсондаги бутун гўзаллик қуёш нурлари-ю ва она меҳридан. Жаҳоннинг бутун ғурури оналардан, қуёшсиз гуллар очилмайди. Аёлсиз муҳаббат йўқ. Онасиз шоир ҳам, қаҳрамон ҳам бўлмайди. Она қалби битмас-туганмас мўъжизалар манбаидир. Аллоҳнинг инсонга бахш этган илк неъмат – она муҳаббати бўлади, деб тушунилган ва тушунтирилган. Меҳрибон, билимдон, тadbиркор ота бу ғояни фарзандлари онгига сингдирган. Ўзи аёлига шундай муносабатда бўлган, ўғиллари Маҳмуджон, Тоҳиржон, Муроджон, Маликжон, Маъмуржон ва Мақсуджонлардан ҳам шундай бўлишни талаб қилган.

Аллоҳга бўлган ишқ билан онага бўлган муҳаббат ўзаро боғланган. Агар биринчиси бўлмаса, иккинчиси ҳам йўқ, ёки аксинча. Шунинг учун ҳам Навоий бобомиз "Жисми кил садқа ано бошига", деб айтган ҳикмат, фарзандлар онгига, онанинг муборақ боши учун бутун жисминини садақа қилиб юборсанг, яъни жонингни берсанг арзийди, деб сингдирилган.

Бу оила мисолида шуни кузатиш мумкинки, Онанинг фарзандга меҳри унинг фитратида-яратилишида бор. Оналарга хос бўлган меҳр фақат ўз фарзандларига аталмаган. Улар бегоналарга, хатто дин ва миллатини фарқламай меҳр курсатадилар. Буни Адашевлар оиласининг яқинлари, дўстлари, қариндош-уруғлари мисолида кўриш мумкин. Ахир бу оила дастурхонида кимлар меҳмон бўлмаган дейсиз.

Фарзанднинг ҳаётига сабаб бўладиган биринчи қувват – она жисмидаги қондир. Чақалоқ шу қондан озиқланиб

ҳаётини сақлайди. Шунинг учун ҳам сут билан кирган жон билан чиқади. Бола биринчи сўзни онадан эшитди ва ундан ўрганади. Ота тили эмас, она тили дейишимизнинг боиси ҳам шунда. Бу барча тилларда ҳам шундай янграйди: Она тили, родной язык, Muttersprache, mother tongue, la langue maternelle. Умидахоннинг оналари ана шундай фазилатларга эга ва буларни фарзандларига сингдирган ҳазрати инсонлар тоифасига кирадилар.

Болани устиришда, тарбия қилишда отага қараганда она кўпроқ ҳисса қўшади. Ота кўча одами. Она хушёр, масъулиятли, меҳрибон ва талабчан бўлиши керак, деб ўқтирадилар Танзилахон ая – Бувижон, фарзандларига. У киши ўзгаларга ўртак қилиб, кўп ҳикматларни келтирадилар. Ахир ат-Термизий ҳазратлари буюклик даражасига етишларига оналари сабаб бўлганлигини ёзадилар-ку. Имом Бухорийнинг ожиз кўзлари Аллоҳнинг иродаси ва оналарининг дуолари туфайли очилган-ку. Оналарга хизмат қилиш жаннатий амаллардандир. Она ҳақини тўлалигича, бекаму кўст адо этмоқ бу дунёда мумкин эмас.

Бир киши Муҳаммад алайҳиссаломдан:

- Мен онамни кўтариб Маккани зиёрат қилдирдим, ҳақини адо этдимми? – деб сўради.

Расулulloҳ (с.а.в.) унга жавоб бердилар:

- Йўқ, у сени қучоғида олиб юрганда "фарзандим униб-ўссин, катта бўлсин" – деб ўйлаганди. Сен эса кўтариб юрган пайтингда онамнинг ўлими ҳақида ўйлардинг...

Абдуллоҳ ибн Умар яманлик бир одамнинг ўз онасини опичлаб, хонаи Каъбани тавоф қилдириб юганини кўрдилар. У сўради: Эй Абдуллоҳ ибн Умар, мана шу хизматим билан мен онамнинг хизматини адо қила олдимми?

- Йўқ, бу хизматинг сени туғиш вақтида онамни қийнаб тутган тўлғоқларининг биттасига ҳам баробар эмас, - дедилар.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, она ва фарзанд ўртасидаги муносабатлар жуда нозик ва муқаддасдир. Ҳаёт давом этиши учун она фарзандлари учун ғамхўрлик қилади, ўз навбатида фарзандлар ҳам ўз зурриетларининг



ташвишини қиладилар, улар учун қайғурадилар.

Хуллас, ҳаёт шу тарзда давом этаверади. Бу бир қонуният. Ушбу қонуниятни яхши тушунган Танзилахон ая ўз фарзандларига шунчалик меҳрибон ва уларнинг ўсиб-улғайишлари учун барча шароитларни яратиб бердилар. Олти ўғил ва икки қиз жамиятимизнинг энг муҳим соҳаларида меҳнат қилдилар, ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. эндиликда улар ўз зурриетларининг ташвиши билан машғуллар. Лекин оналарининг ҳурматини ҳам ўрнига қўядилар, эзозлайдилар, дуоларини оладилар. Айниқса, Умидахон ва Иродахон.

Аллоҳнинг бандаларига берадиган энг улуғ неъматларидан бири - фарзандлари камоли ва роҳатини кўриш. Она муҳаббатидан муқаддасроқ ва беғаразроқ ҳеч нарса йўқ. Ҳар қандай меҳр-муҳаббат, ҳар қандай эҳтирос унга нисбатан ё ожиз, ё ғаразлидир. Буни яхши англаган Умидахон болалиқдан она кўзларига боқиб, улардаги ташвиш ва ҳоловотни, тинчлик ва ҳаяжонни кўришга ўрганган, шунинг учун ҳам у тўқсон ешдан ошган бувижонини ҳар икки кунда зиёрат қилади, ҳар ҳафтада уйларига олиб келиб парваришлайди, дардлашади, дуоларини олади. Буни кўрган фарзандлари ҳам ундан ўрнак оладилар, ўрганадилар.

Умидахонга тиниб тинчимаслик, фаоллик оналаридан ўтган. У университетда ўқитувчилик, катта ўқитувчилик, кафедрага мудирлик қилиш билан баробар 1996-2004 йиллар давомида университет хотин-қизлар кенгашини бошқарди. Бу даврда у оммавий тадбирлар, вилоятимиз фаоллари, мутахассислари, турли соҳа вакиллари, республикамизнинг таниқли кишилари билан учрашувлар ташкиллади, профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасида кўрик-танловлар ўтказишда бош-қош бўлди. Айниқса университетда фаолият кўрсатаётган эр-хотинлар иштирокида ўтказилган тадбир ёки Санамлар сарвари номли танлов ҳеч кимни бефарқ қолдирмаган. Бундай тадбирлар дастурининг пухта ўйланганлиги, ўзининг намунавийлиги ва тарбиявийлиги билан маънавий ва ахлоқий тарбияга қўшилган муносиб ҳисса бўлиб хизмат қилган. Бу ишларда Умидахоннинг алоҳида роли борлигини

таъкидлашни истардик.

Умидахондан, турмуш ўртоғингиз Абдулвосит билан танишувингиз қандай бўлган? – деб сўрасангиз, у бир оз ийманиб:

- Ота-оналаримиз туфайли танишганмиз. Ота-она ҳеч қачон фарзандига ёманликни раво кўрмайди. Ҳарқалай улар ёшларга нисбатан кўпни кўрган, тажрибаси ҳам бой. Айрим ёшларнинг буни ҳисобга олмасликларига қўшилмайман, деб айтади. Яна гапида давом этиб, биз ота-оналаримизнинг истак-хоҳишлари билан турмуш кўрдик, яхши яшаямиз, бир-биримиздан мамнунмиз, ҳамжиҳатликда уйлар кўрдик, тўрт нафар фарзандли бўлдик, тўйлар қилдик, фарзандларимиз ўқимишли бўлди, дўстлар орттирдик, буларнинг барчаси Аллоҳнинг иродаси ва ота-оналаримизнинг дуолари туфайли бўлди, деб айтади.

У жамоадан мамнунлиги, нафақада бўлса ҳам улар билан алоқани узмаслиги, тез-тез учрашиб туриши, кўрмаса соғиниши ҳақида тўлқинланиб гапиради. Айниқса инглиз тили мутахассси бўлгани билан фахрланади. Чет элларда, жумладан, Полша, Хитой, Бирлашган Араб Амирлиги, Малазия, Туркия ва бошқа мамлакатларда бўлганимда, инглиз тили бўйича мутахассис бўлганимдан фахрландим. Мен таржимон сифатида обрў топдим," - деб ғурур билан ҳикоя қилиб берди Умидахон.

"Дунё кўрганинг сари, ўзингни ва ўз ватанингни яхшироқ англа экансан. Ўзгалар билан қиёслаш имконияти кенгайиб борар экан. Мустақиллигимиз туфайли барча ижодкорлик ишларига кенг йўл очилди. Буни бизнинг оиламиз мисолида айтадиган бўлсам, жияним Адашева Сабоҳат "Менинг бизнес ғоям" Республика танловида биринчи ўринни олди. Юртимиз тинч. Мамлакатимизда бўлаётган бунёдкорлик ишларини кўриб дилинг яйрайди. Калбинг қувончга тўлади. Яшагинг, ижод қилгинг, яратгинг келади." Буларнинг барчаси Умидахоннинг дил сўзлари.

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ ФИДОЙИСИ

Баходиржон Бахрамов 20 март 1940 йилда Наманган шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. Отаси, Худайбердиев Баҳромжон, 1943 йили немис-фашист босқиниларига қарши курашда ҳалок бўлган. Оналари Худайбердиева Маҳбубухон уч фарзандни оқ ювиб, оқ тараб тарбиялаб, олий маълумотли қилиб ўстирди.

Баходиржон 1948 йили Наманган шаҳридаги 2-сонли етти йиллик мактабнинг 1-синфига ўқишга борди. 1955 йили 7-синфни тугатгандан сўнг, шаҳардаги 5-сонли ўрта мактабнинг 8-синфига қабул қилинди. Мазкур мактабни 1958 йили аъло баҳолар билан битирди. Мактабда чет тилига қизиққанлиги сабаб, Тожикистоннинг Душанбе университетининг Чет тиллар факультети инглиз тили бўлимига хужжат топширди. Кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, талабалikka қабул қилинди. Б.Баҳрамов 1964 йили мазкур олий даргоҳнинг инглиз тили бўлимини имтиёзли диплом билан битирди. Университетни битиргандан сўнг, Душанбе шаҳридаги "Интурист" ташкилотига ишга таклиф қилинади. У ерда Африканинг Кения штатидан келган талабаларга таржимон сифатида бириктириб қўйилди. Улар шаҳардаги 3-сонли касб-хунар мактабида ўқишар эди. Баходиржон улар билан дарсда қатнашиб, ўтилган дарсларни инглиз тилига таржима қилиб берарди. Бир йил ишлагандан сўнг, 1964 йили Ленинобод вилоятидаги Ўрта Осиё Политехникумида инглиз тилидан сабоқ берди. 1966 йилнинг август ойидан Наманган давлат педагогика институтига ишга қабул қилинди. Аввал ўзбек, кейин тарих-филология ва чет тиллар факультетларида инглиз тилидан дарс берди. Қайси факультетда ишламасин, Б.Баҳрамов талабаларга инглиз тилидан чуқур билим беришга ҳаракат қилди.

Б.Баҳрамов ўзига ва талабаларга нисбатан талабчанлик билан иш олиб борди. Тилнинг нозик томонларини очиб беришга ҳаракат қилди. Домла талабаларни ўзига яқин олиб, уларни "сен" дер эди. Агар талаба дарс қилмаса, бирор ноҳуя қаракат қилса "сиз" дерди. Сизланган талабалар ўзларини гуноҳкор, деб ҳис қилардилар.

Б.Баҳромов 1978–80 йилларда чет тиллар факультетида декан ўринбосари, 1984–86 йилларда кафедра мудири лавозимларида ишлади. 1975–82 йилларда факультетда педагогик амалиёт бошлиғи сифатида иш олиб борди. Домла 1971, 1977, 1983, 1987 йилларда Тошкент чет тиллар педагогика институтида малака ошириш курсларини ўтади.

Б.Баҳромов асосан I-V курсларда оғзаки ва езма нутқ амалиети фанларидан дарс олиб боради. Дарсларни иложи борича техника воситалари ва интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда зур иштиёқ билан ўтади. Очиқ дарсларда иштирок этган ҳамкасабалар машғулотларнинг юқори савияси ва домланинг педагогик маҳоратига доимо қойил қолганлар.

1994-2000 йиллар мобайнида Б.Баҳромов инглиз тили кафедрасига мудирлик килди. Шу даврда бўлимда чет эл адабиётлари билан жиҳозланган кутубхона ташкил этилди. Кафедрада еш, иктидорли ўқитувчилар жамоасини йиғди. Ҳозирги кунда домланинг шогирдларидан кўпчилиги шу факультетда дарс бериб келмоқда.

“Бугунги кунда, - деган эди профессор Т.Файзуллаев, - ўзининг ҳалол меҳнати билан нафақат вилоятимизда, балки Республикамизда фидойи, заҳматкаш муаллим ва домлаларимиз бор. Баҳодир ака Баҳромов Университетимизда ўзининг ҳизматлари билан талабаларга сабоқ беришда катта ҳисса қўшиб келаётган устозлардан биридир. Бу киши табиатан ҳалол, тўғрисиўз, меҳнаткаш ва фидойи инсон. Мен бу кишини оддий ўқитувчилик давридан, пахта даврида талабаларни далада биргалиқда ишлаган вақтимиздан буён биламан. Б.Баҳромов нафақат оддий ўқитувчи, катта ўқитувчи, кафедра мудири лавозимида ишлаётган пайтида ўзининг ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги, ишчанлиги билан танилган, балки у кишининг юзидан, ҳатти-ҳаракатидан доимо яхшилик ёғилиб турарадиган инсон. Баҳодир ака босиб ўтган йўл нафақат оила аъзолари, балки жамоа учун, вилоятимиз педагоглари учун энг яхши ибратдир, деб баралла айтаоламиз.”

Наманган шаҳридаги 4- мактаб директори Солихон Сиддиқжонов жўралар номидан шундай дейди: “Баҳодир

меҳрибон дўст, садоқатли жўра, самимий ва камсукум инсон сифатида ҳамдарт дўстлари орасида алоҳида ўринга эга. У вояга етказган, ҳаётга йўллаган шогирдлар бугунги кунда Ўзбекистонимизнинг барча вилоятларида ҳалол меҳнат қилиб келмоқдалар. Биз ҳамиша унга ҳавас қилиб келамиз, зотан дўстимиз боғ яратувчи боғбон, маънан юксак инсон, билимли мутахассис, меҳрибон мураббий, ҳамиша изланувчан, интилувчан илмга чанқоқ, серғайрат олим. Оила парвар ота, ахлоқан покиза, меҳрибон падар, турмуш ўртоғлари Саломатхоннинг ишончли суянчиғидир. Самимий ва меҳрибон дўст. Бировнинг дилини оғритмайдиган, фақат яхшилик ва эзгулик қилишга интилувчан, иймони бутун биродар. У ҳамиша бизнинг кўнглимиз тўрида.”

Мен Б. Бахрамов билан 1965 йилдан буён ишлаб келмоқдаман, - ёзади чет тил факультетининг ташкилотчиси Маликжон Шамсиддинов. Бизнинг кафедрада жуда кўп ўқитувчилар ишлаган. Шуларда бири Баходиржон. Узоқ йиллар бирга ишлаган бўлсак ҳам бир - биримизга нисбатан кўнгилни хира қиладиган гаплар орамизда ўтмаган. Бунга сабаб Баходирнинг ҳақиқий инсон эканлиги, тарбиясининг жуда юқори эканлиғидир. Баходирни бугун "тўй бола" деб тарифламоқчиман.

Тўй боланинг исмлари Баходир.

У кишининг муомаласи бебаходир.

Юзида кулгу, шу туфайли кайфияти, доим баҳордир.

Талабасин ҳеч урушмайди,

Юзлари ҳеч буришмайди,

Унга қўйганим «беш» баходир.”

Профессор Н.Отажонов қуйидаги мулоҳазаларни билдиради:

Баходир ака кўп қиррали инсон. У киши НамДУнинг чет тиллар факультети асосчиларидан ҳисобланади. Баходир ака талабалар юрагига йўл топа оладиган, талабаларга инглиз тилини мукамал ўргата оладиган устоз. Бугун Республикада фаолият кўрсатаётган бир қатор элчихоналар ва илмий тадқиқот институтлари Баходир акани инглиз тилининг билимдони деб тан оладилар. У киши ҳар қандай хорижий мутахассис билан беллаша оладиган жонли луғат.

Доцент Дадахон Эшондадаев Б.Бахрамов ҳақида шундай дейди: Ҳамкасб бўлсангиз одамнинг ким эканлигини тезда билиб оласиз. Баҳодир ўзининг ҳулқи, талабаларга берган билимлари ҳақида ажойиб таъсурот қолдирган. Биз ҳаммамиз ота-оналаримизга хизмат қилганмиз. Баҳодирнинг хизмати онага нисбатан жуда юқори бўлган дея оламан. У киши ҳар куни туш пайтида овқат пишириб оналарига олиб борар эди. Бунга бир неча бор гувоҳ бўлганман, шундай ишлар қилишларига оналаридан дуолар олишларида тумуш ўртоқлари Саломатхоннинг хизматлари катта.

Домла бир неча мартаба Халқ Таълими Вазирлигининг, Университет ректорати ва Касаба уюшмасининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган. Вилоятимизга чет эл меҳмонлари ташриф буюрса, албатта, домла таржимон сифатида таклиф этилади.

Домланинг тўрт нафар ўғиллари бор. Уларнинг ҳаммаси Олий маълумотли, вилоятдаги турли ташкилотларда муваффақиятли иш олиб борапти. Келинлари ҳам Олий маълумотли ўқитувчи. Турмуш ўртоқлари эса олий маълумотли иқтисодчи. Домла 2000 йили 60 ешга тулишлари муносабати билан Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий таълим фидойиси» кўкрак нишони билан тақдирландилар. Ҳозирги кунда ҳам домла факультет профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлари билан доимий алоқада.

1998 йили инглиз тили талабалари учун мулжалланган «Инкор сўзларнинг инглизча-русча-ўзбекча луғати»га Б.Бахрамов муҳаррирлик қилди, талабалар ана шу луғатдан унумли фойдаланмоқдалар.

2004 йили факультет талабалари учун чоп этилган «Инглиз тили грамматикаси» ва «Инглиз тилида гапиринг» номли ўқув қўлланмалари талабаларнинг сеvimли китобларидан ҳисобланади.

Олий таълим фодойиси Б.Баҳармовнинг ўзига талабчанлик, шогирдларига меҳр-муҳаббат, ишга масъулият билан ёндошиш, юксак маданият, доимий интилиш каби хусусиятлари бугунги ёшлар учун ўрнак бўладиган хусусиятлардир.

## ЁРКАТАЙЛИК ГЕОГРАФ ОЛИМ

Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Дарҳақиқат, жамоага келиб илк иш бошлаш, бир жамоанинг ўзида ярим асрдан ортиқ ишлаш, кишиларнинг корига яраш, уларнинг ҳурматини, меҳрини қозониш, бутун онгли умрини шу жамоанинг тақдири билан боғлаш, унинг муваффақиятини ҳам, камчилигини ҳам ўзиники деб билиш, унда ўз ўрнига эга бўлиш ва қадр топиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди ва ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Биз 1960 йиллардан бери биладиган география фанлари номзоди, доцент Турсунбой ака Маллабоев ўз тақдирини Наманган давлат университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари тақдири билан бир деб ҳисоблайдиган, жамоанинг ютуқларидан қувонадиган, қийинчиликларидан ўзини четга олмайдиган, керак бўлган пайтда елка қўядиган фидойи домлалардан ҳисобланади.

Домла маърузаларини жиддий тайёргарлик кўрган ҳолда қизиқарли ва тушунарли ўқиганлиги, семинар ва амалий машғулотларни илғор педагогик технологиялар асосида ҳар бир шахснинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўтганлиги, дарс жараёнида ўта талабчан ва қаттиққўл бўлгани ҳолда баҳо қўйишда хотамтой бўлганлиги, талабаларни тинглашни, дардини эшитишни билган инсон сифатида оталарча меҳрибонлик билан фойдали ва жўяли маслаҳатлар берадиган бўлганлиги учун ҳам улар ҳурмат қиладилар ва қадрлайдилар.

Турсунбой ака оддий ўқитувчилигида, кафедра мудирлигида, деканлигию, илмий кутубхона раҳбарлигида, қандай вазифада бўлмасин, ғайрат билан астойдил ишлади, эл билан бирга бўлди, ундан ажралмади, жамоанинг ютуғини ҳам, камчилигини ҳам ўзиники деб тушунди, кишиларга эътиборлилиги, ҳурмати ва меҳр-оқибатлилиги туфайли профессор-ўқитувчилар ва университет ходимлари ҳамда раҳбарларининг меҳрини қозонди, иззат-ҳурматига сазовор бўлди.

Олимнинг жамоада юқори обрў-эътибор топишида,

илм-фанда юксак мартабаларга эришишида, ёру-дўстлари қаторида ҳурмат-эътибор қозонишида, маҳалла аҳли олдида иззат-ҳурматда бўлишида, албатта, сеvimли рафиқлари Дибархон аянинг алоҳида хизматларини эътироф этиш лозим. Шунинг учун ҳам у киши ўз тақдиридан рози, Оллоҳга шукрона келтириб яшамоқда.

## БУЮКЛИГИ КАМТАРЛИГИГА ЯШИРИНГАН ОЛИМ

Республикамиз мустақиллигининг дастлабки кунлари эди. Ҳамма шод-хуррам, иш жойи учун нимадир қилиш билан банд. Наманган давлат университетининг химия-биология факультети биноси олдига тукилган бир неча машина тайёр бетонни замбил билан бино ичкарасига ташилди. Бу ишни факультет талабалари, профессор-ўқитувчилари амалга оширдилар. Менинг эътиборимни оқ халат кийган, одатдагидан бир қадар ўсган жингалак сочлари кумуш ранг, чеҳраси очиқ, мулойим табассум қилиб турадиган, илмлилиги юзида акс турган домла тортди. Домла ёшлар билан баробар бир неча кун давомида ғайрат кўрсатиб ишладилар. У кишининг ғайрати, меҳнатсеварлиги менда домлага нисбатан қизиқиш, ҳурмат ва меҳр уйғотди, у киши билан яқиндан танишиш истагини кучайтирди.

Аста-секин домла билан университетдаги кундалик иш жараёнида, пахта йиғим-терими даврида, илмий конференция ишларида, Немис ва француз тиллари кафедраси ишларини ташкил қилишда, чет эллик мутахассислар билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар жараёнида, университет илмий Ахборотномасини ташкил қилиш ва чоп этиш пайтида, домланинг илмий ишлар бўйича проректорлик фаолияти даврида, Учқўрғон туманидаги "Гулшан" сиҳатгоҳи ҳақида проспект тайёрлаш жараёнида ишбилармонлик ва тадбиркорлик фаолияти у кишининг кийинишда, ташқи кўринишда, муомаласидаги камтарлик, соддалик, масала ва муоммоларга муносабатда ва уларнинг ечимини топишдаги топқирлик ва уддабурронлик, ишни ташкил қилишдаги тартиб ва интизом, вақтдан унумли фойдаланиш, ваъданинг устидан чиқиш, меҳнатсеварлик, самимийлик мени ҳамиша лол



қолдирган.

Домланинг падари бузрукворлари Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор Воҳид Абдуллаевич Абдуллаев Самарқандда 1912 йилда қамбағал деҳқон оиласида туғилган. У кишининг номзодлик илмий ишлари А.Навоийнинг ҳаёти ва Самарқанддаги адабий фаолиятини тадқиқ қилишга бағишланган, докторлик диссертациясиялари эса Хоразмда ўзбек адабиётининг ривожланишига бағишланган. Шундай буюк адабиётшунос олимнинг фарзандлари Шавкат Воҳидович Абдуллаев ҳақида гап кетганда табиий равишда қуйидаги саволлар туғилади.

- Сиз йирик адабиётшунос олим Самарқанд давлат университетининг ректори академик Воҳид Абдуллаев оиласида таваллуд топиб, ўсиб улғайгансиз-у, нима учун кимё фани бўйича мутахассис бўлдингиз? – сўрадим мен.

Бу саволга домла:

- Мен “Қизиқарли кимё” китобининг муаллифи, ўрта мактабдаги кимё муаллимимиз Раҳмонберди Авезовнинг зўрлиги (ўз фанининг фидойиси, болаларни жон-дилдан севувчи) туфайли кимёга қизиқиб қолганман - деб жавоб берди у киши .

- Қандай қилиб Мунаввар опа билан оила қургансизлар? - деган саволга, Домладан қуйидагича жавоб оласиз:

- Аввало, Оллоҳнинг иродаси ва тақдиру азал, қолаверса, оналари Меҳрихон Жалолова асли наманганлик бўлиб, уй бекаси бўлганлар. Шунинг учун ҳам медицина институти толибаси Мунаввархон Абдуллаевани, «Наманганлик қизларнинг тили ширин бўлади, пазандаликни ўрнига қўяди, қайнона-қайнотанинг ҳурматини қойиллатади» - деб келин қилиб олганлар.

Ҳақиқатан ҳам Мунаввархон ая қайнота-қайноналарининг ишончини оқлаб домла билан ширин оила қурдилар, икки қиз ва бир ўғилни оқ ювиб, оқ тараб турмуш ўртоқлари билан биргаликда ўқитиб, тарбиялаб жамиятимизнинг илғор зиелилари сафига киритдилар. Ҳилола рус филологиясини битириб, бошланғич синфларга дарс бермоқда, Зилола ўзбек филологияси бўйича мутахассис, Ғайратжон физик-програмист.

Домла ҳар куни ишга пиёда бориб пиёда келади, устига

устак тушликка ҳам пиёда бориб келади.

- Нега тушликни емакхоналарнинг бирида қилавермайсиз? - деган саволга ошхоналардаги овқатлар мазали бўлса ҳам барибир Мунаввархон аянгиз пиширган таомга ўхшамайди, мен бирор жойим оғриб қолса дорихонадан ҳеч нарса харид қилмайман, аянгиз пиширган таомни еб, дамлаб берган кук чойни ичсам тузаламан қоламан, - деб жавоб беради устоз.

Шавкат ака меҳрибон, оилапарвар турмуш ўртоқ, талабчан ота ва доно бобо бўлиб узоқ йиллар ҳаёт гаштини суриб юришингизни жанобу Оллоҳдан сўраб қоламиз.

## ЎЗ БАХТИНИ МЕҲНАТДАН ТОПГАН ПЕДАГОГ-ОЛИМ

Эркин Шарипов Наманган вилоятининг Чортоқ туманидаги сўлим ва гўзал, ўртасидан зилол сувлар оқиб турган Алихон деган қишлоқда айни қовун-тарвузлар фарқ пишган кезларда 10 август 1938 йилда зиёли оиласида таваллуд топган.

У кишининг оналари қишлоқдаги боғча-яслида мудира, бўлиб ишлаётган Ҳукуматхон ая Юнусова, оталари Шарифжон ака Хонкелдиев қишлоқ шўросида раис лавозимида халол-пок хизмат қилишар эди.

Оналарининг Ҳукуматхон, ўғилларини Эркин деган исм қўйилишида ҳам рамзий маъно бор, чунки бу исмларда хур, эркин замонлар келишига ишонч, умид жамланган. Ёшлик йиллар гоҳ қувноқ, гоҳ ташвиш билан ўтгач, ўша йиллардаги объектив ва субъектив сабабларга кўра Эркин 9 ешга тўлганда 1947 йилда қишлоқдаги 16-сонли ўрта мактабнинг 1-синфига ўқишга кириб, унинг 10-синфини аъло баҳолар билан тамомлади. Ўқувчилик йилларида Эркинбек жамоат ишларида фаол бўлиб, у синфком, кашшофлар сардори, спорт соҳасида (футбол, волейбол, енгил атлетика) тенгдошлари орасида ҳаммага ўрناق бўлган.

"Мен, - деб эслайди Э.Шарипов, - сеvimли ўқитувчи-устозим Маҳмудхон Бурхонов ўзбек тили ва адабиётининг сир-асрорларини, бу фан орқали инсонпарварлик, Ватанни севишга ўргатиш маҳоратларига тан бердим. 8-9

синфларда таҳсил олаётган вақтимизда Устозимиз раҳбарлигида "Ҳамза" спектаклини сахналаштирдик. Мен шайх Исмоил, Эркин Корахонов Ҳамза, Муҳаммаджон Инамов Алижон, Марҳаматхон Хақимова эса Санобар ролини ва синфдошлар қолган роларни ўйнадилар. Катта чойхона биносига йиғилган 200 дан ортиқ томошабинлар спектаклда юз бераётган воқеалардан хайратга тушиб бир неча марта қарсақлар билан олқишлаб туришди. Колхоз раиси Дадахон ота Риззаев устозга ва бизлардан бир неча кишига совғалар берди. Менга ўшанда қора рангли кастюм беришган эди."

1958-1963 йилларда Э.Шарипов Тошкент Давлат университетининг тарих факультетида ўқиди. У талабалик йилларида илм-фан, хусусан, фалсафа фанига ғоят зеҳн қўйди, чанқоқлик ва кунт билан ўқиди, деярли барча фанларни "аъло" баҳоларга ўзлаштирди. "Фалсафа" кафедраси билан бевосита яқиндан алоқада бўлди. Университетнинг битирув диплом ишини ҳам фалсафа фанидан ёзиб, уни аъло баҳога ёқлаб "Тарихчи ва ижтимоёт фанлари ўқитувчиси" деган ихтисосликни олди. Талабалик йилларида дарслар тугагач университетнинг асосий кутубхонасида дарс тайёрлар эдик. Кутубхонанинг барча заллари талабалар билан лиқ тўла бўларди. Кутубхона кеч соат 22:00 гача ишларди. Кутубхонадан тўғри ҳозирги Давлат Цирки рўпарасидаги Тошкент трамвай депосида кеч соат 24:00 гача ошхона ишлар эди, биз шу емакхонада кечки овқат қилардик. Ўқиш, ўқиш, ўқиш! тамойили биз талабалар учун дастуриламал эди, деб хотирдайди домла.

1963 йилнинг августидан Э.Шарипов Давлат имтиҳон комиссияси йўлланмаси билан Наманган давлат педагогика институтида ўқитувчи бўлиб фаолият бошлади. 1963-1964 ўқув йилнинг сентябридан ижтимоий фалсафадан 5-курсларда маъруза ва амалий машғулотларни ҳам кундузги, ҳам сиртки бўлимларда олиб борди. Ёш ўқитувчи педагогик маҳоратини кафедра мудири, доцент Нери Саломонович Исҳақовдан ўрганди.

Эсимда, ноябр ойи (1963 йил) эди - ўша вақтларда институтдаги тарих факультетида сиртки бўлимдаги 5-

курсда битта махсус, битта оддий гуруҳ бўлган эди. Махсус гуруҳда тўлиқсиз олий маълумотли кишилар ўқирди. Шу гуруҳ сардори Ҳамидхон Мажидов "Домла, иқтисод назарияси фанини ўқитган Ҳамидхон Набиевни йўқотди-гу, сизни топдик, чунки ҳар иккинги ўқиган марузалар бизга жуда маъқул бўлди, сизга доим омад ер бўлсин дедилар", деб хотиралайди Э.Шарипов.

Устоз ушбу олий илм даргоҳида 40 йилдан зиёд илмий-педагогик фаолиятда экан, у фалсафа, мантиқ, диншунослик, миллий ғоя, маданиятшунослик, маънавият асослари, фанининг фалсафий масалалари соҳаларида доимо талабаларга маъқул дарслар ўтишини ҳамиша гувоҳи бўлинган. Бундай илиқ сўзларни ҳамкасблари ҳам, факультет деканлари, бўлим раҳбарлари ҳам, дарсларини кириб кузатиб таҳлил қилган комиссия вакиллари ҳам таъкидлайдилар.

Домланинг шогирдларидан Э.Бозоров, А.Хусайинов, А.Бегматов ва бошқалар илмий тадқиқот ишларида фойдали маслаҳатлари учун устоздан миннатдор эканликларини изҳор этадилар.

Эркин Шариповнинг касбдошлари у кишининг ҳамма ишни режали ва маҳорат билан удалашини (профессор А.Абдурахмонов сўзи), масъулиятли ва чидамли эканлигини (Д.Раҳимбоева сўзи), барчадан ўз ёрдамини аямаслигини (А.Ахмедов сўзи), рус ва ўзбек тилида диссертация ва мақолаларини мутахассис сифатида таҳрир қилиб берганидан ғоят хурсандлигини (катта ўқитувчи Д.Тошбоева сўзи), домланинг илмий ишларга йўналтиришдаги, маъруза ва амалий машғулотлар соҳасида, университет ички ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш борасидаги услубий маслаҳатларидан мамнун эканликларини ёш ўқитувчилар И.Икрамов, А.Нормирзаев, А.Нуриддинов, Шоира Алимқулова ва бошқалар баён қиладилар.

Э.Шарипов маъруза ўқийдиган ва семинар машғулотлари олиб борадиган гуруҳларда таҳсил олган талаба-ёшларнинг гувоҳлик беришларича, домла дарсларининг мазмундорлиги, тушунарлилиги ҳамда устознинг талабчан ва адолатпарвар, самимийликларидан хурсандлар. Талабалар фикрича, "Яхши одам топиб

гапирар, ёмон одам қолиб гапирар” деган халқ мақолидаги “яхши одам” Э.Шарипов домлага хос хусусиятли кишидир. Домла талабаларига, илм машаққат билан олинадиган хазина бўлиб, уни доимо тўлдириб бориш лозимлигини таъкидлайди.

Талабаларга илм сирларини ўргатиш билан бирга моҳир педагог ўз устида тинмай ишлаб, 1981 йилда фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини, 1983 йилда доцент унвонини олишга муяссар бўлган олим ҳамдир.

Илмий, илмий-услубий ўқув қўлланма, монография, тўплам, мақолалар ёзиш Э.Шарипов фаолиятининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Ҳозиргача (2007 йил) домла иккита монография, учта ўқув қўлланма, ўн иккита илмий-услубий рисола, еттита услубий кўрсатма, иккита тўплам ва юздан зиёд илмий мақолалар эълон қилди.

Таълим-тарбия жараёнида самарадорликка эришиш учун: талабаларнинг мустақил фикрлаши, ўз мулоҳазасини ҳимоя қилишга ўргатиш, уларнинг ўзаро баҳс-мунозарага киришишга йўналтириш, китоб устида ишлаш малакаларини риважлантириш муҳимдир. Ана шу мақсадда Э.Шарипов семинар машғулотларида мавзу бўйича режадаги асосий саволлардан келиб чиққан қўшимча 10-12 саволлар ва уларга ўзи ёзган жавоблар тайёрлаб келади ва уларни талабалар муҳокамасига ташлайди. Талабалар бу саволлар устида қизгин баҳс-мунозарага киришиб машғулот қизиқ ўтишига эришади. Маърузалар жараёнида мавзуга оид шеър, мақол, матал ва ривоятлардан унумли фойдаланади. Талабалар руҳини кўтаради, уларда ватан билан фахрланиш ва унга муҳаббат қўйиш ҳиссини ривожлантиради.

Устознинг яна бир фазилатини алоҳида такидлашни истар эдик. Бу унинг ишчанлиги, интизомлилиги, ваъдасининг устидан чиқиши ва масъулиятлилигида ўз иқодасини толади. Домла бирор марта дарсга кеч қолган ёки дарс қолдирган ҳолат содир бўлмаган.

Заҳматкаш педагог, тиниб тинчимас олим, халқ маорифи аълочиси Эркин Шарипов «Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройли, халқ мақолини севиб

такорлайди ва ўзининг ҳаётдаги шиори деб ҳисоблайди.

## АЛЛОМАИ ЗАМОН

Ўқиганим бор, ҳазрат Абдурахмон Жомийнинг илм-фан ва адабиётдаги доврўғларини эшитган ва билган, лекин ўзларини ҳали кўрмаган замондошлари тасаввурларидаги виқорли, башанг кийинган, серсавлат олимни зиёрат қилиш учун хонадонларига ташриф буюрганларида эшикни оддийгина, ҳокисор, ҳушмуомала киши очганида "ҳожангизни чақириб қойсангиз" деб ҳижолат бўлиб қолган ҳолатлари ҳам кўп бўлган экан.

Устоз Ҳомиджон Ҳомидийни кўрганимда, суҳбатларида бўлганимда ҳар доим шу ўқиганим ҳаелимда гавдаланаверади. Домлани биринчи бора НамДУ немис тили кафедрасида "Москвалик олим наманганлик шогирдлари нигоҳида ёхуд Яхшилик яхши" номли рисолини муҳокама қилаётганимизда кўрганман.

Китобчанинг "Хотима"сида "Азиз китобхон, мана сиз шогирдларнинг ўз устозлари ҳақида самимийлик ва миннатдорчилик билан ёзган сўзларини ўқидингиз. Шарқда устозидан ўтмаган шогирд ҳақиқий шогирд эмас, ўз шогирдининг ютуқларидан қувонмаган устоз ҳақиқий устоз эмас, деган халқ ҳикмати бор. Устозга нисбатан садоқатли ва оқибатли бўлиш, шогирдини қўллаб-қувватлаш, унга меҳр-муруват кўрсатиш борасида ҳам шарқона удумлар ўрнатилган оларни ҳисобланади. Ўз эсдаликларини битган шогирдлар ушбу удумга амал қилиб, хотираларини қоғозга туширдилар, зеро хотира қоғозга туширилгандагина абадийлашади, авлоддан-авлодга ўтади. Ёши улуғларнинг ҳурматини жойига қўйиш ва ўтганларни эслаш ҳам яхшилик ҳисобланади. Шундай экан, эй одамлар, бирбиримизга яхшилик қилишга шошилайлик!" деган ундалма билан якунланган эди.

Олим китобчани вароқлаб туриб, «Жуда мақул иш қилибсизлар. Ўзингиз қилган яхшиликни дархол унитинг-у, лекин кўрган яхшилигингизни унутманг» дедилар. Сўнгра, «Эй мўмин! Яхшилик қил. Агар яхшилик қилиш қўлингдан келмаса, дағи ёмонлик қилмағилки, ул ҳам яхшилик қилиш

билан баробардир, деб тўдирсангизлар янада яхши бўлади», деб маслаҳат бердилар. Биз шундай қилдик.

Устоз Наманганга келиб қолсалар, албатта, у кишининг шогирдлари, таниш-билишлари тезда бир паёла чой уюштириб, шу баҳонада домланинг суҳбатларини олишга интиладилар. Шундай давралардан бирида домла ва шогирдлар йиғилиб қолинди. Устоз билан бўлган суҳбат ҳудди матбуот анжуманини эслатарди.

Ҳамманинг нигоҳи, диққат зътибори домлага қаратилди. Суҳбат, савол-жавоб форс тили, эрон мамлакати, эронийлар, Авесто, зардуштийлик, оташпарастилик ва бошқа мавзуларда қизигандан қизиб кетди. Бу домлани бир оз толиқтирди шекилли, сизлар мени қаттиқ ишлатаётибсизлар, мени бир оз тинч қўйинглар дедилар, бир оз толиққан оҳангда. Шунда мен, Домлажон билим олишнинг классик йўлларида бири, ва энг синалган ва яхшиси, кўпни кўрган, тажрибали, ёши улў инсонлар суҳбатини олиш ҳисобланади. Сизнинг ҳар бир сўзингиз биз учун ноёб маълумот бўлиб, биз бугун жуда катта сабоқ, Сиз эса савоб олмоқдасиз. Бунинг учун Сиздан жуда миннатдормиз, дедим. Бу сўзлар Домлани яна илҳомлантириб, кучларига куч қўшди. Суҳбат аввалгиданда қизиб кетди.

Энди мавзу буюк ижодкор Фирдавсий, унинг шоҳ асари "Шоҳнома", инсоният маданиятининг нодир ёдгорлиги "Авесто", унинг яратилиш тарихи, сақланиб қолган қисмлари, ғоявий мазмуни, таълимий-тарбиявий жиҳатлари, таржимаси, зардуштийлик ва оташпарастилик, уларнинг бири-биридан фарқи, бу таълимот оташпарастиликдан кейин пайдо бўлган яккахудоликни тарғиб қилувчи, нисбатан тараққийларвар ғоялар ва қарашлар мажмуи эканлиги ҳақида кетди. Буларнинг барчасини жон қўлоғимиз билан тингладик, маънавий чанқоғимизни қондирдик.

Гарчи даврада ўтирганларнинг кўпчилиги Домланинг "Шоҳнома"нинг шуҳрати, "Авесто" файзлари, "Авестодан"дан "Шоҳнома"га ва бошқа китоблари ҳамда Ўзбекистон миллий энциклопедиясида чоп этилган "Зардушт" ва "Зардуштийлик" номли мақолалари билан таниш бўлиб, уларни мутолаа қилган бўлсаларда, бу

масалаларни асл моҳиятигача етиб бориш учун махсус шуғулланиш ва кўплаб саволларни ойдинлаштириб олиш лозим эди. Бу давра иштирокчилари учун шу масала ҳал қилинди. Масалан, “Авесто”ни бошқа илоҳий китоблар қатори муқаддас китоб, Зардуш эса Осиёда яшаган қадимий аجدодларимизга Оллоҳ томонидан юборилган пайғамбар бўлиши мумкинми? Ва бошқа бир қатор саволлар ёғилиб келаверди. Домла энди чарчашни ҳам унутиб қўйдилар. Саволларга берилган жавоблардан устоз ўзларининг зукко, кенг қамровли салоҳият эгаси эканликларини, табарруқ олимликларини намойиш қилдилар. Домлани юксакликка кўтарган ҳислардан яна бири у кишининг поклиги, ҳалоллиги, тўғрисиўзлиги ва камтарлиги яққол намоён бўлди. Ҳаммамизнинг домлага ҳавасимиз келди. Устозга сиҳат-саломатлик, ижодий барака ва ўзимизга, домлага ўхшаб юриш насиб қилишини Оллоҳдан сўрадик.

## ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЁНИБ ЯШЎТГАН ИНСОН

Ота-она, пиру устозларининг дуосини олган, ҳамиша уларнинг ёди билан яшайдиган, эл ардоғига аллақачон сазовор бўлган, ўқувчилари, айниқса, талабалар шеър ва дostonларини севиб ўқийдиган ва учрашув илинжида ташрифини орзиқиб кутадиган, Рустамжон Уммат сўзи билан айтганда, “Отанга раҳмат” олқишига бағоят муносиб, ўзи ҳам, сўзи ҳам, амали ҳам элининг, юртининг корига яраётган фидойи инсон ҳақида жўяли, ўқувчига манзур ва маъқул бўладиган сўз ёзиш осон эмас экан.

Унинг шеърларидаги тағдор ғоявийлик, ҳаётийлик, миллийлик, зукко фалсафа, ўринли қочириқлар, ҳазил-мутойиба, ташбеҳлар, ҳавасни келтирадиган, завқни кўзғатадиган равонлик, халқчиллик ўқувчини ёқасидан ушлаб китобларини ўқишга ундайди, ўқиган кишини завқу шавққа тўлдиради. Уларнинг таҳлили ва аҳамияти ҳақидаги сўзни муҳтарам адабиётчи ва танқидчиларга қолдираимиз.

Унинг кўп қирраларидан бири кишининг ҳавасини, ҳатто ҳасадини келтирадиган воизлигидир. Сўзидаги шиддат, ширин, ширали овози унинг нутқини ҳудди ёқимли мусиқани роҳат қилиб тинглагандек кайфият ўйғотади, тингловчи



қалбини ҳаяжонга солади. Домлалар ва талабалар тили билан айтганда ҳар қандай масалани мияга қуйиб, белга тугиб қўйишга қодир нотиқ. Катта-катта давралар, тантаналарни зукколик билан бошқаришига гап йўқ. Бундайин фазилатни унга Оллоҳ насиб этган.

Дўстлар, ҳамфикрлар билан учрашувларда чин дилдан суҳбат қуради, кўнглини олади, руҳини кўтаради, ҳазил-мутойиба билан дилини равшанлаштиради. Унинг нутқидан бир неча жумлаларни мисол келтирамиз. “Гапиришни ҳамма билади, лекин қулоқ солишни ҳамма ҳам билавермайди... Нима дейишни ва нима демасликни ҳам билиш муҳим... Филолог бўл деган эдиларинг, деҳқон бўлиб қолдик. (Унда шоир жамоа хўжалигига раис эди)... Ўт-ўт деса ўтавериб пойгакка тушуб кетар экансан... Сўз бер деганга сўз бермай, гапирмайман деганга сизга сўз навбати келди деб, қўрқитиб тирикчилик қиламиз.”

Мана ўн йилдирки НамДУ Филология факультети инглиз ва немис тили бўлимлари талабалари таниқли эл севган шоир, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси депутаты **ЗИЁВИДДИН МАНСУР** билан учрашув ва суҳбат ўтказди. Бундай учрашувни талабалар интиқлик билан кутадилар. Ҳатто шоир нойиблик ва бошқа жамоат ишлари бошидан ошиб етганда ҳам бу анъанани бузмади, ҳар йили бир ёки икки марта талабалар ҳузурида бўлиб, улар билан ширин маънавий-маърифий суҳбат қуради, ўзининг янги ижод намуналаридан талабаларни баҳраманд қилиб келмоқда. Чунончи, кейинги йилларда З. Мансур қуйидаги мавзуларда суҳбат ўтказди: „Ёшлар - Ватанимиз келажаги“, “Келажак – ёшларники”, “Бизга фикрловчи ёшлар керак”, “Адабиёт ва ёшлар”, “Элим деб, юртим деб, ениб яшаш керак”, “Тил билган эл билади”, “Она тилим жону дилим”.

З.Мансур ўз ҳаёти ва фаолияти ҳақида талабаларга сўзлаб беради. У адабиётга қизиқишига асосий сабабчи бўлган волидаи муҳтарамаси хотираси билан яшайди. Дарвоқе, яқинда унинг онасига бағишланган “Онажоним, онажонгинам” номли лирик достони чоп этилди.

Она шундай мўтабар зотки, ҳар бир фарзанд қалбида меҳр дея аталмиш бир сеҳрли чўғни пайдо этиб, мангу машъала оловлатиб кетади. Бу ҳарорат қалбимизни бир

умрга тарк этмайди. Бунинг учун фарзандлик бурч ва кечинмаларини дилдан ҳис этиб яшайди шоир.

Мактаб ўқитувчилари, олий ўқув юртидаги устозлари, юртимизнинг таниқли адиблари ва шоир орзу-умидларига, келажак режаларига ижобий таъсир қилган кишилар ҳақида кўп дил сўзларини айтади.

Нотиқ Республикамизда ёшлар таълим-тарбияси борасида қилинаётган ибратли ишлар, юртбошимизнинг ёшларга курсатаётган ғамхўрлиги ҳақида ифтихор билан сўзлаб беради. Шу билан бирга у ёшларнинг бундай ғамхўрлигига жавоб сифатида уларнинг вазифалари, бурчлари, маъсулиятлари масаласига алоҳида тўхталади. Шоир талабаларнинг кўплаб саволларига жавоб беради ва ўз шеърларидан ўқиб беради. Учрашув самимий, дўстона ва ижодкорона ўтади. Талабалар ҳам ўз ижодларидан намуналар ўқиб берадилар.

Шоир билан бўлган ҳар бир учрашув қатнашчилар учун унутилмас дақиқалар бўлганлиги учун ҳам улар бундай тантаналарни қумсайверадилар. Талабалар "Шоир билан бўлган учрашув сизга нима берди?" деган саволга

"Учрашув ниҳоятда фойдали ва тарбиявий бўлди", дейишдан ташқари,

"Мен чет тилларни ўрганаётганим билан фахрланиб кетдим, келажакда ёзувчи ва шоирларимизнинг асарларини чет тилларга таржима қилишга бел боғладим".

Бошқа бир талаба: "Мен келажакда бирор бир мамлакатда давлатимиз ва халқимиз манфаатини ҳимоя қилувчи дипломат бўламан".

Учинчиси: "Мен келажакда депутат бўлиб давлат қонунчилигини янада ривожлантириш учун ҳисса қўшиш орзусидаман".

Тўртинчиси: "Келажакда ўрганаётган чет тилларимни мамлакатимиз ёшларига шундай ўргатайки, улар шифокор, муҳандис, ижодкор, депутат, хуллас ватанимиз ва халқимизнинг корига ярайдиган етук инсонлар бўлсинлар, шу билан бирга хорижий тилларни ҳам она тилидай билсинлар".

Бешинчиси: "Адабиётнинг шунчалик сеҳрли, жозибали ва мафтункор эканлигини энди тушундим, шеърни тушуниш

учун шоир билан учрашиш керак экан”.

Учрашув қатнашчиларининг бундай орзу тилаklarини юзлаб келтириш мумкин. Хуллас шоир билан бўлган ҳар бир учрашув ўзининг таълимийлиги, тарбиявийлиги, ахборот ва маълумотга бойлиги, илмийлиги, эстетик завқ бериши билан талабаларни юксакликларга интиштирувчи ажойиб, жозибали дарс бўлишини алоҳида таъкидлашни истар эдим.

Шоирнинг шеър ва дostonларини мухлис сифатида севиб ўқийман. 8-март муносабати билан “Наманган ҳақиқати” газетасида эълон қилинган “Аёлнинг қирқ жони ҳақида” ривоят газетхонларнинг меҳрини қозонди, катта шов-шувга сабаб бўлди. Ушбу асарни рус, инглиз, олмон, франсуз тилларига таржима қилиш истаги туғилди. Ҳамкасблар ва шогирдлар билан маслаҳартлашганимизда уларда ҳам бундай истак жўш урди.

## **ИНГЛИЗ ТИЛИНИНГ ҚҮНИМЛИ ВА ҚҮНИМЛИ “ОРИФ БАҲОДИР”И**

Шундай кишилар борки, ишидан, ишхонасидан ва бошқалардан ҳеч қониқиш ҳосил қилаолмайдилар, бошқа жой уларга яхшироқ кўринаверади, натижада улар ўз ишларини ва иш жойларини тез-тез ўзгартириб турадилар. Бундайларни халқимиз “қўнимсиз” ва “кўнимсиз” деб атайди.

Биз таърифини келтирмоқчи бўлган одам қўними ҳам, қўними ҳам бор инсон. Чунки у фақат битта мактабда ўқиган, бир олий ўқув юртида таҳсил олган ва бир жойда ишлаб, сабр қилиб, шу ишхона ва жамоанинг борига ҳам, йўғига ҳам, иссиғига ҳам, совуғига ҳам, ширинига ҳам, аччиғига ҳам кўниб, сабр қилиб, шу жойда қадр топган, дўстлар орттирган, ҳамкасбларининг ва талабаларнинг ҳурматига сазовор бўлган, уйлар қурган, туйлар қилган, икки кун йўқ бўлиб қолса полончи қайерда деб сураладиган ва ахтариладиган қадрдонлар топган.

Бу инсон инглиз тилининг билағони, дарсларини ҳам худди театр асари каби қизиқарли, талабаларга маъқул келадиган тарзда замонавий педагогик технологиялар

асосида утадиган, билганларини талабаларнинг белига тугиб қўядиган билимдон-ориф, бағри кенг, қўли очиқ, баҳога қийишмайдиган, хотамтой, золворли Баҳодир муаллим.

Биз домлани кўнимли дедик. Бу ҳислатни у жуда ёшлигидаёқ Акролхон бобосидан ўрганган. Кўпни кўрган бобо набираларига сабр-бардошли бўлинглар, меҳнатдан қочманглар, катталар нима деса хўп денглар, кам бўлмайсизлар деб насиҳат қилардилар. Бобонинг насиҳатларини жон қулоғи билан тинглайдиган набиралар, унга амал қилишга ҳамиша ҳаракат қилар ва ҳаракатининг сийлови учун мукофот олардилар. Орифжон қобил ва итоатгўй бўлганлиги учун ҳам энг кўп ва катта мукофотга сазовор бўларди. Кейинчалик бу ҳислат унда яхши ривожланди. Шунинг учун ҳам домладан норози бўлган ёки ранжиган бирор кишини учратмайсиз.

Домланинг ширин муомала соҳиби бўлишига унинг касби ва фани ҳам тасир қилган бўлса ажаб эмас, чунки инглиз тилида ҳурмат шакли учун ҳам, кўплик маъноси учун ҳам иккинчи шахс баробар қўлланилади. Талабалардан Орифжон домланинг қайси ҳислатлари сизга ёқади, деб сўрасангиз, улар «Устознинг ўз фани ва уни ўқитиш методикаси соҳасидаги билимдонлиги, ширинсуҳанлиги, ҳушмуомалалиги бизга манзур» деб жавоб қиладилар. Домла дарсларининг қизиқарли, ахборотга бой, илмийлиги ва барча талабалар учун маъқуллигига сабаблардан бири унинг изланувчанлиги, дарсларга пухта, жиддий ва масъулият билан ижодий тайёргарлик кўриши билан белгиланади. У ҳар бир дарсида чет элларда олган билим, кўникма ва малакалари, орттирган тажрибаларидан унумли ва ижодий фойдаланади. Айниқса унинг 2003 йилда Австриянинг Вена Техника университетида ва 2008 йилда Малайзиянинг Мара Технология университетида "New Innovative Technologies in the Teaching Process" номли семинар трейнингларда чет тил таълимида илғор педагогик технологияларни тадбиқ қилиш борасидаги тўплаган ўқув материаллари ва ўқитиш тажрибалари домла ўтказаётган ҳар бир амалий машғулотнинг жонли ва сифатли чиқишига сабаб бўлаётган омиллардан ҳисобланади.

Орифжон Баҳодиров камтар, ҳокисор, барчанинг кўнглига қараб иш кўрадиган, самимий, оилапарвар инсон. Унинг оиласини педагоглар оиласи дейишга асос бор. Орифжоннинг турмуш ўртоғи, уч нафар қизи халқ маъорифи соҳасида келажаги буюк давлатнинг истиқболли авлодига таълим-тарбия бериш фаолияти билан машғул. Аъзамжон эса илми ва иқтидорини ички ишлар ҳодимларининг саломатлигини мустаҳкамлаш ишига бағишлаган.

Умр оқар дарё экан. Қарабсизки дўппини бир айлантиргунча Орифжоннинг нафақа ёшига етиб қолганига унинг ўзи ҳам ҳайрон. Лекин у ҳали жуда бардам, бақувват. Унинг "ориф"лиги энди кучайиб, бойиб, мустаҳланиб бормоқда. Унинг ҳали қиладиган ишлари кўп. Талабаларга инглиз тили сирларини ўргатиши, ширин-шакар набираларини ўқитиши, уларга тўйлар ва уйлар қилиши керак. Бундай ширин ташвишларнинг рўёбга чиқиши учун мустаҳкам соғлиқ, куч-қувват ва ғайрат-шижоат керак, қисқаси баҳодир бўлиш керак. Биз инглиз тилининг кўнимли ва кўнимли "ориф Баҳодир"и факультетлараро чет тиллар кафедраси катта ўқитувчиси Орифжон Баҳодировга юқоридагиларнинг барчасини тилаймиз.

## ҲИКМАТ ИЗЛАГАН МУРАББИЙ

Саид Аҳмаддай мўтабар, эл севган ёзувчи шогирди таниқли адиб Ўткир Ҳошимовнинг 70 ешга кириши муносабати билан ёзган мақоласини шундай бошлаган: "Ўзингга яқин ва қадрдон одам ҳақида бирон гап айтиш шунчалар қийин бўлишини билмас эканман. Ҳар куни кўришадиган, неча марталаб гаплашадиган дўстингнинг фазилатлари сенга жуда оддий бир нарса бўлиб қоларкан. У саҳийми, бахлми, бағри кенгми, феъли торми, дўстига вафодорми, бировнинг қайғусига қайғудошми, негадир эътабор бермас экансан. Бу ҳаммага ҳос одат-да, деб қўяқоларкансан. Ўткир Ҳошимов туғрисида бирор нарса ёзай, деб шунча урунаман, қани бирон сатр ёзолсам". Буюкларнинг улуғлар ҳақида ёзиши шунчалик қийин кечган бўлса, бизга ўхшаган бечораларнинг ҳолини асти қўяверсиз.

Биз таърифини келтирмоқчи бўлган инсон масъулиятли, тажрибали, ўз касбининг устаси, билимдон, севимли ва меҳрибон муаллим, самимий ҳамкасб, содда, дилкаш, ҳушчақчақ суҳбатдош, кўнгли ва қўли очиқ, бағри кенг улфат, хотамтой мезбон, чапаниваш инсон.

Бутун куч-ғайрати, билими, иқтидори ва маҳоратини Уйчи тумани ёшларининг таълим-тарбиясига бағишлаган оталари Каримжон домла Назаров ва кутубхоналарда мудиралик қилиш билан баробар турмуш ўртоғининг энг яқин ва беминнат ёрдамчисига айланган, шу билан бирга тўққиз фарзандни, 5 ўғил ва 4 қизни оқ ювиб, оқ тараб, намунавий тарбия берган оналари Роҳилахон ая иккинчи ўғилларини элда азиз, яхши фазилатли, табаррук инсонлардан бири бўлсин деб унга ШАРИФЖОН деб исм қўйганлар. У исми жисмига монанд инсон бўлди.

1973 йилда НамДУнинг Чет тиллар факультети инглиз тили бўлимини тамомлаб, олий даргоҳда Малик Шамсиддинов, Боҳодир Баҳромов ва бошқа устозлардан олган билим, кўникма ва малакаларини ўқувчиларга беришга шошилди, дастлаб Уйчи туманиниг 27 ва 40 мактабларида инглиз тилидан дарс берди, ўқувчилар билан қўшимча машғулотлар олиб борди, уларни туман ва вилоят олимпиадаларига тайёрлади, унинг ўқувчилари орасида Республика олимпиадаси иштирокчилари ҳам бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. У жамоат ишларида фаол иштирок этди. Домланинг меҳнатсевар, ташкилотчи, одамоҳун ва кўпчиликнинг дилига йўл топа билиш маҳоратини қадрлаган туман халқ таълими бўлими раҳбарлари уни тумандаги 20–мактабга директор этиб тайинлади. У бу лавозимда ҳам ғайрат ва шижоат билан билан ишлади, жамоанинг ҳурматига сазовор бўлди.

2003 йилдан бери дўстимиз НамДУнинг инглиз тили кафедрасида фаолият кўсатиб келмоқда. Шу қисқа вақт ичида ўзининг билимдонлиги, тажрибалилиги, талабалар ва ҳамкасблари билан ҳушмуомалалилиги, самимийлиги, масъулиятлилиги, ўз ишига ижодий ёдошиши билан тез орада жамоа назарига тушди, талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг ҳурматини қозонди, жамоада обрў-эътабор топди, дўстлар орттирди. Унинг ташкилотчилигига тан

бериш керак. Баъзан узоқ йиллар ишлаб бирорта фан кабинетини жиҳозламаган муаллимлар ҳам учраб туради. Бундайлардан фарқли ўлароқ қаҳрамонимиз қайси факультетда дарс бермасин, ўз фаолиятини, биринчи навбатда, фан кабинетини ташкил қилиш, уни жиҳозлаш, дарсларга оид кўргазмали қуроллар билан бойитиш ишидан бошлайди. Унинг фикрича муаллим учун фан кабинети маълумотлар манбаи бўлиши, талабалар фанга оид кўшимча материалларни шу хонадан топа олиш имконига эга бўлишлари лозим. Кабинет озода, шинам, талабалар учун шуғулланишга қулай ва таълимий бўлиши керак. Компьютер бўлса нур устига аъло нур.

У ўзи дарс берадиган гуруҳларда инглиз тили ва уни ўқитиш методикаси, янги педагогик технологияларни амалга тадбиқ қилиш борасида сезиларли ютуқларга эришди. Айниқса талабалар билан муносабатда самимийлиги ва оталарча меҳрибонлиги билан ҳар бир талабанинг қалбига йўл топа билади ва сирдошига айланади, унинг меҳнатини қадрлайди ва иззатини ўз ўрнига кўя билади. Ўз навбатида талабалар ҳам домланинг оталарча меҳрибонлиги, самимийлиги ва талабчанлигини суйиистеъмол қилмайдилар, ҳурмат қиладилар.

Ҳар куни у билан кўришганда кишида яхши кайфият, дилда қувонч, юзда табассум пайдо бўлади, чунки у ҳар қандай кишини илиқлик билан қарши олади, бисотидаги ширин сўзларини аямайди, юморга бой ҳикматлари билан кўнгилни кўтаради, дилларга қувоч бағишлайди. Ҳушмуомалаликни ундан ўрганса бўлади. Айниқса укалари Зарифжон, Зокиржон, Тоҳиржон, сингиллари Моҳирахон, Муборахон, Мавлудахон, Муҳаббатхон, куёвлари ва қариндош уруғларга бўлган муносабатларда унинг ҳулқи ва ўзини тутиши мақтовга лойиқ. Ўзини ҳоқисор, камтар ва камсуқим тутати. Такаббурлик шайтонга ҳос, ман-ман киши шайтоннинг туғишгани, деган ҳадисни кўп такрорлайди.

Ота ўрнидаги акалари Филология факультети доценти Раҳимжон Каримовга бўлган муносабати, аканинг ҳурматини жойига қўйиш, насиҳат ва кўрсатмаларига итоат қилиш борасидаги ҳислатларини ҳамма ўрганса арзийди. У ҳар дақиқани хурсандчилик, қувноқлик ва хушчақчақлик

билан ўтказишга ҳаракат қилади. У иштирок этган давраларда ҳуш кайфият ва енгиллик пайдо бўлади, ҳар бир сўз, воқеъа ва ҳодисадан ҳикмат қидиради. Шунинг учун ҳам у Абдулла Авлонийнинг куйидаги мисраларини севиб такрорлашни яхши кўради:

Ғурбат излаганга ғубатдир дуне, иллат излаганга иллатдир дуне.

Сен нени изласанг топгайсан зинҳор, ҳикмат излаганга ҳикматдир дуне.

У баъзан саломатлигини тиклаш мақсадида сиҳатгоҳда даволанса, уни зиёрат қилгани борган ҳар бир кишини ҳудди байрамдагидек кутиб олади, алоҳида меҳмон қилиб кузатиб қўяди. Мобода бирон сабаб бўлиб боролмай қолиб узр сўрасангиз, ҳечкиси йўқ, мен сизга қўлбола айрон тайёрлаб қўйган эдим, шуни етказа олмадим-да, деб ҳазиллашиб ҳам қўяди.

## ТАБАССУМ ТАРҚАТУВЧИ МАТЕМАТИК ШОИР

Болаларни жон-дилдан севадиган, ўзини таълим-тарбия ишига бағишлаган, асосий машғулоти китоб мутолааси ва илм исташ бўлган катта ва танти математик ҳақида ёзиш шарафли деб ҳисоблайман. Домла кўпқиррали, кўп ўқийдиган, кўп биладиган, доимий ҳаракатдаги, ҳамиша ёш инсон. У кишининг илм-фан ва таълим-тарбия соҳадидаги фаолияти ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни баен қилишни бошқа ҳамкасабаларга қолдириб, домла ижтимоий фаолиятининг бир қирраси ҳақида фикр баен қилишни лозим топдим. Шунинг учун ҳам талабалар соғломлаштириш лагеридаги ҳамкорликдаги фаолиятимиз ҳақида ёзмасам бўлмайди.

Янгиқўрғон туманининг Мамай қишлоғида Наманган давлат университетининг сой бўйига жойлашган уч гектарлик сўлим оромгоҳи бор. Ушбу оромгоҳни ташкил қилишга жуда кўп профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг меҳнатлари синган. Агар собиқ ректоримиз Муфатхон Маматов ушбу жойни университет ихтиёрига олиш учун барча расмий ва норасмий вазифаларни бажарган бўлса, жойни оромгоҳга айлантиришда жисмоний маданият



муаллимлари Марченко, Журахон Эргашев, Ҳабибилло хожи Усмонов ва бошқаларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Уларнинг ташаббуси ва амалий ҳаракатлари билан бинолар қурилган, боғ барпо этилган. Бу масканга Абдумутал ака, рафиқаси Қаноат опа ва барча оила аъзоларининг кўп меҳнати синган.

80 йилларда етти ўқув семестри якунлангандан сўнг июнь-июль ойларида университет миқосида соғломлаштириш лагери ташкил қилинарди. Лагерга директор, ҳўжалик мудир, шифокор, тарбиячи, спортчи муаллим тайинланар, университетдан Наманган шаҳар ҳўжалик ҳисобидаги 4-сонли магазинга 100 нафар талабанинг озиқ-овқати учун маблағ ўтказиларди. Факультет деканатлари соғлигидан шикоят қилган талабаларнинг саломатлигини тиклаш ва дам олиш учун ушбу лагерга йўллар ва талабалар 20 кун давомида хордиқ чиқарардилар. Бундай дам олиш икки сменада ташкил қилинарди. Директор умумий ташкилий ишлар билан шуғулланар, ҳўжалик мудир икки кунда бир марта 4-магазиндан озиқ-овқат олиб университетдан ажратилган юк машинасида лагерга олиб келар ва дам олувчларга 4 маҳал овқат тайёрлатиш билан машғул бўларди. Мен директор, домла ҳўжалик мудир, Одил Турсунов тарбиячи, Александр спортчи ўқитувчи вазифаларига тайинландик.

Қиладиган ишимиз дам олиш, дам олдириш. Одатда дам олиш деганда кўплар тўйиб овқатланиш ва ухлашни тушунадилар. Агар биз ҳам шундай фикрласак, дам олиш зўр ўтадиган бўлди. Озиқ-овқатнинг барча тури бисер. Буни домла етказиб турибдилар. Бунинг устига айрим домлалар дам олгани келиб ноёб озиқ-овқат маҳсулотларини келтиришар, фарзандлари дам олаётган ота-оналар овқат пишириб келишар, биз бечораларга эса улардан ҳам тановул қилишга тўғри келарди. Шунинг учун доимо ҳаракатда бўлиш, спорт билан шуғулланиш ва талабаларни ҳам шуғуллантиришга ҳаракат қилардик. Шиоримиз, "Ҳаракатсиз одам ҳудди кўлмак сувга ўхшайди, тезда айнийди ва ишдан чиқади" бўлиб унга қатъий амал қилишга урунардик.

Биз учун овқат ейиш энг оғир машғулотга айланиб

қолганди. Бунинг устига гўшт ўрнига тирик қўй бериларди. Уларни емлаб боқиб, керак бўлганда сўяр эдик. Хўжалик бошлиғи қўй сўйишни ҳам ўрнига қўярди. Домланинг ишбилармонлик ва тадбиркорлик ҳислатлари жуда қўл келарди, мобода бирон мевага эҳтиёж сезилиб қолса дарҳол қишлоқ аҳолисидан оморда мавжуд бўлган озиқ-овқатга алмаштириш билан, масала бир зумда ҳал қилинарди. Бунинг устига ҳар куни талабаларга янги соғилган сут маҳсулоти бериларди. Буни ташкил қилиш ҳам домланинг уддабурролиги натижаси эди.

Дам олиш тоза ҳавода сайр килиш, қуёшда тобланиш, муздек сувда чўмилиш, тоғларга саёҳат қилиш, турли спорт ўйинлари билан машғул бўлиш ва мусобақалар ўтказиш, бадий китоблар ўқиш ва бошқа машғулотлар билан ўтарди. Тоза ҳаво танга даво деганларидек, дам олувчиларнинг таналари яйраб, юзларига қизил югуриб, шўхликлари чиқиб, кайфиятлари кўтарила бормоқда эди.

Турли кўнгил очар тадбирларда, албатта, математик топшириқ ва масалалар бўлар, уларни ташкил қилиш ва ечиш усуллари бўйича маслаҳат домла томонидан бериларди. Бир неча марта Подшо Ота тоғига саёҳат қилганимиз ва ҳар сафар тирик қўй олиб бориб у ерда сўйилгани ва қўй гўшtidан мазали таомлар пишириб ейиш домла раҳбарликларида ташкил қилингани ҳамда мазза қилиб мазмунли дам олганимиз ҳамон ёдимизда, бу кунларни дам олганларнинг ҳар бири мароқ билан эслайди ва қумсайди.

Биз физика-математика фанлари номзоди, доцент Дадахон ака Отақузиёвни кўпқиррали, тиниб тинчимас зиёли дедик. Домланинг ўзига ҳос қирраларидан яна бири у кишининг китоб билан ошнолиги, китобни севиши, кўп ўқиши ва ўзгалар учун езиши деб ҳисоблайман. Мен у киши езган китобларни, шеърларни набираларим билан қизиқиб ўқийман, улар билан машғулотлар ўтказаман.

Домла илм-фаннинг кўп соҳаларида ижод қилган инсон. Унинг математикани қизиқарли қилишга уриниши, мадҳ қилиши, ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб фарзандларга ўғитлар бериши, физика ва математика фанларига оид мавзуй кечалар учун методик маслаҳатлар

ва сенарийлар тайёрлаганлиги, сўз ҳақидаги фикрлари, тарихимиз ҳақида маълумот берувчи зарварақлари, талабаларга табассум улашишдаги ҳаракатлари, рубоий, фард ва масаллар билан ҳаётнинг турли жабҳаларида, айниқса риёзиёт гулшанида сайр қилиши ва бу билан ўқувчига завқ-шавқ бериши кишини ҳайратга солади. Яна ҳайратланидигани шундаки, шунча фикрларни баён қилиш учун қанчадан қанча китобларни мутоала қилиш, шунга вақт ажратиш, сабр-бардош, куч ва ғайратга эга бўлиш, энг муҳими ҳафсалали бўлиш, одамларни севиш лозим. Бу ҳислат Дадахон акада ривожланган ва кишининг ҳавасини келтиради.

## СУҲБАТИ СОЗ УСТОЗ

Ўзбекистон халқ артисти Ўринбой Нуралиев нафақат эл севган санъаткор, ҳофиз, драматик актёр, балки ҳаёт паст-баландини яхши билган, ёшларнинг кўнглини топиб гапирадиган, турмушдаги ҳар бир ҳодисадан ибратли томонларини ажратиб олиб уларни таълим-тарбия манфаати йўлида хизмат қилдираоладиган моҳир педагог ҳамдир.

Мен НамДУ Хорижий филология факультети декани сифатида талабалар даврасида бу инсон билан бир неча бор учрашувларнинг гувоҳи бўлганман. Санъаткорнинг санъаткорона суҳбати ҳар сафар талабаларга маъқул бўлган, улар зўр иштиёқ билан фикр алмашганлар, баҳслашганлар ва кўп фойдали маслаҳатлар олганлар.

Ҳофизнинг Шарқ мумтоз адабиётини, шеърятини яхши билиши, улардан намуналарни завқу-шавқ билан, ҳар бир сатр ва сўзга жон киритиб, унинг руҳини ифодалай олиш маҳоратига қойил қоласан киши. Шеърин мисралар унинг ижросида қўшиқ бўлиб янграганда эса талабалар гоҳ тўлқинланиб, гоҳ маюс тортиб тинглаганларининг шоҳиди бўлганман.

Драматик актёрнинг ижро этган роллари, уларнинг яратилиши тарихи ҳақидаги саволларга ишонарли берилган

жавоблари, ҳаётӣй мисоллари тингловчида ижодий фикр юритишга, сўзловчи билан баҳсга киришишга ундайди.

Сухбатдошнинг кундалик воқеаларга муносабати, давлат сиесати, жамиятимизда бўлаётган ижобий ўзгаришларни пайқай олиш санъати, уларни талабалар, ижодкорлар, ва мураббийлар ҳаёти билан боғлай билиш маҳорати ҳам тахсинга сазовор хислатлардан ҳисобланади.

Сухбат чоғида ҳозирги ёшлардаги ижобий хислатлар, уларнинг имкониятлари, ота-оналар ва давлатимиз томонидан яратиб берилаётган шарт-шароитлар, ёшларнинг билимдонлиги, одоби, ахлоқи, ҳаётга, ўқишга ва ишга муносабати, ғайрати, интилувчанлиги, қизиқувчанлиги, мустақилликка интилиши, баъзан айрим ёшларимизда учраб турадиган қусурлар-бепарволик, хафсаласизлик, келишувчанлик, ўзбўларчилик, боқимандалик, ҳамма нарсени ота-онам билади, улар ҳал қилади, каби кайфиятлари ҳақида ўз фарзандлари мисолида айтилган фикрлар қизғин баҳс ва мунозарага сабаб бўлган. Буни сухбат олиб бориш санъати, сухбатдошда фикр уйғотиш маҳорати, уни баҳсга чорлаш усталиги деб баҳолаш мумкин.

Сухбат қизигандан-қизиб кетадики, талаба-сухбатдошлар ўз фикрларини, кайфиятларини, муносабатларини яширмайдилар, сухбатдошга тўла ишонадилар, ўз дардларини айтишдан тортинмайдилар, ўзаро ишонч кайфияти ҳукм суради. Натижада талабаларга ҳаётӣй тажрибадан келиб чиқиб берилган масалааҳатлар, чунончи яшаш учун курашиш лозимлиги, ҳар қандай ғалабанинг, ютуқнинг заминида ҳалол меҳнат ётиши, ижодкор кўп ўқиши, изланиши кераклиги, билим олиш игна билан қудуқ казишга баробар эканлиги, кўп билиш учун кўп ўқиш кераклиги, ўқиган билан уқмаса фойдасизлиги, бахт вақтдан тўғри ва унумли фойдаланишда эканлиги, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, шарқона муомаланинг асоси эканлиги, ҳар куни, ҳар дақида, ҳар қандай воқеадан ижобий ўрнат олиш лозимлиги, салбий воқеадан қочиш, ижобийсини ўзлаштиришга интилиш кераклиги каби маслаҳатлар талабаларга малол келмайди.

Кўп ижодий сафарларда бўлган, кўпчилик миллат ва элат вакиллари билан учрашган тажрибали инсон сифатида кўп тилни билиш кишининг ютуғи ва фазилати эканлиги, бу жиҳатдан Хорижий филология факультети талабалари ўзбек, рус, инглиз, немис, француз тилларини билишлари билан кучли ва бошқалардан устун эканликлари, лекин бу билан чекланмасдан араб, япон, хитой, корейс ва бошқа шарқ тилларини ҳам ўрганиш фойдадан ҳоли эмаслигини истак тариқасида изхор қилинганда талабаларда мамнуният, шу билан бирга ўз ютуқларидан қувониш ҳали эрта эканлигини хис қилиш кайфияти сезилиб турди.

Хуллас ўтказилган барча учрашувлар ўзининг мавзу ва мазмуни жиҳатидан рангоранглиги билан, суҳбат ўтказиш услубининг ноанъанавийлиги билан суҳбатдошнинг барча қирраларини очиб беришга хизмат қилди. Иштирокчилар Ўринбой Нуралиевга «Суҳбати соз устоз» деб баҳо бердилар.

## ҒАЙБУЛЛА АС-САЛОМГА МАКТУБ

Наманган 5. 10 .95

Ассалому алайкум, Домлажон

Авваламбор, янги 1995 йилингиз қутлуқ бўлсин.

Сайди Умировнинг "Солланиб оқаетган дарё"сини ўқиетиб ҳаёлимдан кўп фикрлар ўтди.

Ҳа, домлани мен ҳам биламан, айрим китобларини ўқиганман, хатто "Таржима назариясига кириш"ни конспект ҳам қилганман. Ўзлари билан неча бор куришганман, суҳбатларидан бахраманд бўлганман;

С.Умиров ҳам бўртириб ёзибди-да, ёзганлари еқангдан олиб "Мен сув ичган дарёлар"ни топиб ўқишга мажбур қилади-я, шогирд, ҳамкасаба бўлгандан кейин ёзади-да, ёзганда ҳам қойиллатиб ёзибди, азамат.

"Мен сув ичган дарёлар"ни топиб ўқиб чиқдим. Китоб анчагина қўлма-қўл бўлганлини учун топиш ҳам осон бўлмади. Бир неча кун китоб таъсирида юрдим. Наманган Давлат университетининг немис тили кафедрасида, иш жойимда, китоб ҳақида гапиришдан ҳеч ўзимни тиёлмай қолдим.

Шогирдингиз - Ҷуктамжонлар ва Зоҳиджонларга: Мен университет профессор-ўқитувчиларининг илмий, назарий конференциясида "Ғайбулла ас-Салом сабоқларидан сабоқлар" (1 - Сабоқ: дарс, тажриба, илм, билим, 2 – Сабоқ: илим олиш, ўрганиш) деган мавзуда маруза қилсам хафа бўлмайсизларми? - деб рухсат сўрадим. Рухсатни улардан сўрашимнинг боиси, Сизнинг Намангандаги шогирдларингиз орасида иккиси ҳам энг садоқатли ва билимдонлари, деб ўйлайман. Шу баҳона мунозара бошланиб кетди. Ўзингиз, шогирдларингиз, китобларингиз, маърузаларингиз, ..... ҳақида фикр олишдик.

Хуллас, мунозарамиз, Нега бошқа шоир, ёзувчиларнинг ижодлари ўрганилмайди-ю, Домлангиз, Домламизнинг ижодлари, езиш услублари тадқиқ қилинмайди? - деб бир-биримизга танбеҳ бергандек бўлдик. Бундай фикр Наманганлик шогирдларингизнинг ҳам қўлида бор экан. Улар ҳам режа туза бошладилар. Ажаб эмас тез кунларда наманганлик шогирдларингизнинг шогирдлари Сизнинг ижодингиз, услубингиз, ҳақида тадқиқотни бошлаб юборсалар. Ўшанда ҳам тадқиқот натижаларини Ўзингиз танқидий кўз билан куриб чиқиб, шогирдларингизнинг шогирдларини "пишитиб" беришга тайер туришингизга тўғри келса керак. Чунки С. Умиров ёзганидек, Сизнинг ҳеч кимга ўхшамайдиган, ўзига хос, бетакрор, ажиб, латиф, жазибадор, "Соломовона" услубингиз, дасхатингиз бор, бунга қойил қолмай иложимиз йўқ.

Сиз ёзган матн энгил ўқилади, хулосаларингиз оддий, содда, тушунарли. Ёзиш ва илмий хулосалар чиқаришингизни академик Л.В.Шчерба асарларини ўқиганимда учратганман. Сизнинг лисоний бисотингизга, сўз бойлигингизга тан берамиз.

Домлажон, Сизнинг китобингиз менга рухий мадад бўлди. Таскин олдим. Одамлар ҳақида мулоҳаза қилиш, уларни тушиниш, уларни ўрганиш, уларга баҳо бериш, улар билан муомала қилиш борасида мен китобингиздан сабоқ олдим. Китобингиз менга муаллимлик қилди. Гуё мен китобингизни ўқимадим, балки қаршингизда ўтириб сизнинг овозингизни эшитиб ўтиргандек бўлдим. Ўзим ҳам ҳайрон қоламан. Москвада аспирантурада таҳсил олаётган

чоғимда Ленин номидаги кутубхонадан чарчаб қайтардим. Метрода бир оз кўзим кетиб қолган ҳоллари ҳам кўп бўлган. Шундай ҳолларда ҳар доим охири бекатга етай деганимда Дадам раҳматлининг (унда ҳаёт эдилар) овозларини, исмишни айтиб чақирганларини аниқ эшитиб уйғониб кетардим. Китобингизни ўқиётганда ҳам доимо Сизнинг овозингизни эшитиб турдим. Овозингиздаги майинлик, охисталик, мулойимлик, меҳрибонлик, шира, чарчоқ ва бошқа белгиларни яққол эшитиб, ҳис қилиб турдим. Бунга ўзим ҳам ҳайрон бўлдим. Шундай кичик жуссангиз қанчадан-қанча ижтимоий, руҳий, жисмоний, дардларни филдек кўтариб келаётганига тасанно айтдим. Дўстлик тўла кенглик, самимият асосига қурилиши, манфаат, таъма, тобеликдан мутлоқо ҳоли бўлиш керак деб берган ўгитингиз қулоғим остида тинмай жаранглаб турибди.

**Китобингизни ўқиб чиқиб мен ўзим учун қуйидаги сабоқларни олдим:**

-Ҳар бир масалага айрим олинган шахс, воқелик нуқтаи назарида эмас, балки юқоридан, бутун инсоният манфаати нуқтаи назаридан баҳо бериш, таърифлаш, тафсифлаш ва муносабат билдириш Сизга ўхшаган кенг қамровли олимларга насиб этган фазилат экан.

-Фақир бўлиб, панада юриб ҳам одамларга, жамиятга жуда катта фойда келтириш мумкин эканлигини тушундим.

-Тил билиш катта бахт эканлигини тушиниб етдим.

-Лисоний таҳсил замонамизнинг муҳим масалаларидан бири эканлигини тан олдим.

-Таълим, тарбия, таҳсил ва тадқиқот бирлиги ёшларни тарбиялашда муҳим омил эканлигини чуқур ҳис этдим.

-Она тилининг моҳияти, унинг ўрни унга муносабат ва она тили билан боғлиқ бўлган масалаларни тушундим.

-Инсон бу - адашишга, хато қилишга мойил мавжудот эканлигини англадим.

-Сизнинг шунчалик ожиз эканингизни, яъни бировга ёмонлик қилиш ҳам қўлингиздан келмаслигини билдим.

-Бахт – меҳнат бошқаларни бахтли ҳолатда кўриш, комил инсон бўлишга интилишда эканлигини англаб етдим.

-Бахтга эришиш йўли сермашаққат, ниҳоятда зиддиятли ва гоҳо ҳатарли эканини англадим.

-Дунё ишлари ҳамма вақт ўз ўзидан содир бўлавериши, аммо бирон эзгуликни амалга ошириш учун курашиш лозимлигини билдим.

-Умр оқар дарёлиги, гар кишилар дунёга бир марта келсалар ҳам, ўз умрини ҳар ким ҳар хил яшашини тушундим.

-Ой—куннинг ёруғида кишининг дўсти кўп бўлишини, аммо ҳақиқий дўст бошга оғир кун тушганда билинишини англадим.

-Одамни одам қиладиган ҳам, адои—тамом қиладиган ҳам одам эканлигини фахмладим.

-Одамлар ҳамма вақт ҳам ўзига “ажратилган” умрини яшамаслигини пайқадим.

-Мумиенинг фақат тўрт: маданий, инсоний, ҳажорий (тош) ва жаҳарий (ўсимлик) тури мавжуд бўлиб қолмай, балки “мумиё асали” – одамларнинг оқибати ва садоқати – тури ҳам мавжудлигини билиб олдим.

-Яхшилик қилишдан асло чарчамаслик кераклигини: ёмонларга ёмонлик қилишдан хазар қилишни, бироқ лозимлигини тушиниб етдим.

-Баъзан яхшилик қилган одаминг ўзини ўнглаб олгач оёқдан чалишини ҳам билиб олдим.

-Дунёда ҳалол, покиза, инсоф—диёнатли, олийжаноб инсонлар, ҳар қалай, кўпроқ эканлигининг гувоҳи бўлдим.

-Бироқ ёвузлар, товламачилар, фирибгарлар, ялтоқлар, лақмалар, бировларнинг ҳисобига тўра бўлиб юрганлар, нонкўрлар, кўра—била туриб ҳалойикни алдаб, унинг қарғишига дучор бўлаётган амалпарастлар, маънавий ва ахлоқий бузуқ кимсалар ҳар қадамда учрашини кўрдим.

-Бу дунё қанчалик кенг бўлса, шунчалик тор бўлмаслигимиз, ёруғ жаҳон ҳаммамизга етишини, хатто ортиб ҳам қолишини англадим.

-Доимо тўғри гапиришга одатланиш, лекин тўғри экан деб ҳар доим ҳам ҳамма гапни гапиравермаслик кераклигини тушуниб олдим.

-Жоҳил одамларга қарши курашиш бефойда, самарасиз ва кераксиз нарса эканини тушиниб етдим.

-Жоҳиллардан ҳам кўп нарсани ўрганиш кераклигини, айрим фосиқ, мурасасиз муҳолифлар нимаики қилган



Бўлса, ўшани қилиш керак эмаслигини билиб олдим.

-Бизда ўзининг аравасида ўтирганда ҳам бировнинг жирини жирлайдиганлар кўп эканлигини англадим.

-Биз тириклар, фақат тириклар олдида эмас, балки мархумлар олдида ҳам бир умр бурчдорлигимизни тушундим.

-Халқни тарих тузишини, тарихни халқ яратишини билиб олдим.

-Одамнинг гулдан нозик, темирдан қаттиқлигини англаб етдим.

-Ўўр, ношуд, ноқобил, ношукур ва номехрибон шогирдлар, қўлга ўргатилган асов тойлар каби устозларига ташвиш орттиришларини тушундим.

-Ўйқолган ҳамма нарсанинг ўрнини тўлдириш мумкинлигини, лекин дунедан абадий кўз юмган табаррук устозлар, фозилларнинг ўрнини тўлдириш мумкин эмаслигини тушуниб етдим.

-Дунеда энг мушкул нарса, туғрилигинга жумлаи мўмин иқроор бўлгани ҳолда, ўзининг эгри эмаслигини исботлаш эканлигини англадим.

-Устозга садоқат, устозни ҳурматлаш, уни, айниқса, тириклигида эъзозлаш кераклигини тушундим.

-Шогирдлардан меҳр кўриш учун уларга меҳр бериш, уларни тарбиялаш, оёққа турғизиш, уларга ҳар томонлама меҳр шавқат кўрсатиш лозимлигини билдим.

-Илм масканига унинг орқа эшигидан ҳам кириш мумкинлигини, лекин бунинг оқибати яхшилик билан тугамаслигини фахмладим.

-Яхши одам бўла туриб, олим бўлмаслик еҳуд, яхши олим бўла туриб, одам бўлмаслик ҳам мумкинлигининг гувоҳи бўлдим.

-Яккабош, ўзларидан кейин ҳеч қандай насл қолдирмайдиган еки кўплаб шогирдлар тарбиялайдиган, фанда мактаб яратган олимлар ҳам бир бурда нонга қоринлари тўйишини кўрдим.

-Таржима масалалари бўйича, билим ва тажрибам бир қадар ошди.

-Таржима - қайта яратиш санъати эканлигини билдим.

-Тил билиш – бу ҳаракат, жараён эканлигини, жараён

бўлганда ҳам мантиқий, лисоний, ижодий жараён эканини англаб етдим.

-Таржимон тилларни билишдан ташқари, дидли қаламқаш, услуб устаси, моҳир муҳаррир, ёзувчи, матншунос, руҳиятшунос (психолог) бўлиши кераклигини тушиниб етдим.

-Таржимани қайта яратиш жараёнидаги ижодий иш, бу бир санъатлигига қуйидаги далилларни келтириш мумкинлигини билиб олдим: Таржима тил соҳасидаги ижод эканини, агар бир асар 10 киши томонидан таржима қилинса, таржималар бир биридан жиддий фарқ қилишини, ҳосил бўлган таржималар ижодкорлар мансуб бўлган мактаб, адабий анъаналар, аслиятнинг табиати, тур хусусиятлари билан ҳам бир биридан фарқ қилишини, умуман олганда хали Ўзбекистонда Таржима маданиятининг савияси паст эканлигини билиб олдим.

-Таржима миллийлик билан байналминаллик қотишмасидан иборат эканигини тушиниб етдим.

-Миллий биқиклик, шовинизим, худбинлик, биродаркушлик руҳи билан суғорилган асарларни асло таржима қилмаслик кераклигини тушиндим.

-Таржима, геометрия таъбири билан айтганда, миллийлик текислиги билан байналминал муҳитнинг кесишган чизиғидан бошланишини билдим.

-Тилни тил муҳотида ўрганиш самарали бўлишини ва тил ўрганишнинг асоси талаффуз эканлигини сездим.

-Кўпинча инсон ҳар бир нарсанинг ёмон томонини кўришини, ундан кўз юммаган ҳолда яхши томонини пайқашга аҳд қилиш фойдалироқ эканини билдим.

-Дўстлик қонуни ўзаро тенглик, икки томонлама ва кўп томонлиликка асосланган ҳалда беғараз бўлиши кераклигини англадим.

-Миннатли ёрдам ва таъма ҳаромлигини билдим.

-Дунё фосиқ, бадкирдор, ҳасадгўй, фитначи шахслар изидан эмас, балки жуванманд, танти, пок ниятли инсонларнинг елкасида туришини тушиниб етдим.

-Беғараз дўстлик, эзгулик, оқибат - кишини ундириши, ўстириши, ғараз, ҳасад, кўролмаслик – қаритиши, чиритиши, қуритишини англадим.

-Тил ўргатиш - муайян мақсадга қаратилган фаолият бўлиши кераклигини, ҳар қандай шароитда ҳам ҳорижий лисоний таҳсилнинг ҳаққига жабр қилиб бўлмаслигини билиб олдим.

-Ўз миллатингни, ўз миллий ғурурингни, ўз миллий нафсониятингни қадрлаган ҳолда, бошқа миллат кишиларини, уларнинг ҳам инсоний, миллий иззат – нафсини, ҳурматини жойига қўйиш кераклиги ҳақида маълумот олдим.

-Бир миллат бошқа бир миллатнинг урф – одатлари ва маросимлари, тили, мусиқа ва қўшиқларини ҳам ҳурмат қила билиши лозимлигини ўқдим.

-Қайси бир атоқли олим, таниқли академик ёки профессорнинг келиб чиқиш манбаини қидирсангиз, бу кишини муайян илмий мактабга ёки ҳатто бирон аниқ муалимга олиб боришини тушуниб етдим.

-Ҳар қандай номақбул ишлар, ҳар бир кишининг ўз даврида бўлиши тушундим.

-Одамларни манфаат ҳаракатга келтириши, одатда, эзгу ниятли кишиларнинг бошини қовиштириш қийинлиги, қинғир мақсадларда юрганлар бир-бирлари билан тез топишишларини англадим.

-Илм абстракциядан иборатлиги, абстракциялаш маҳсули эканлиги, лекин мавҳумот эмаслигини, тушиниб етдим.

-Тилга "Тил тегизиш" учун аввало ўзимизнинг маънавий ҳаққимиз бўлиши кераклигини ўйлашимиз лозимлигини англадим.

-Тил соҳасидаги чаласаводлар мактабдан бошланишини тушуниб олдим.

-Олимлар орасида номзодлик воситаси-ю, доцентлик гувоҳномасидан бўлак оғирлиги йўқ шахслар ҳам кам эмаслигини, диссертация уларнинг биринчи ва охириги "жиддий" илмий иши бўлиб қолганлигини билиб олдим.

-Айрим олимларнинг дунени даъво қилишлари, дунё эса уларни танимаслигини билдим.

-Фанда баҳс, мунозара, фикрлар кураши кераклиги, бироқ фикрлар кураши рақибнинг устидан мағзава тўкиш, уни мутлоқо "ҳазм қилолмасликка" айланмаслиги

лозимлигини англаб олдим.

-Тил бадий адабиет, бадий таржима учун шунчалик шакл, либос, ташқи кўрк - ҳашам эмас, балки тил бадий адабиетнинг жони эканлигини билдим.

-Нутқ маданияти қарор топиши, уни парвариш қилишда ҳамма восита ва имкониятлардан билиб фойдаланиш кераклигини, нутқ одобини сақлаш ҳаммининг бурчи эканлигини, лисоний ифода иллатига йўл қўймасликка ҳаракат қилиш зарурлигини тушиниб олдим.

-Тилга наҳ уриш, тухмат қилиш керак эмаслигини анладим.

-Тилнинг ғариблиги тафаккурнинг ғариблигида эканлигини тушиндим.

-Халқ мақолларини саломовона талқин қилишни ўргандим.

-Қадимги Юнон хакимларида бири "Бирон халқни асоратга солмоқчи бўлсанг, уни қириш шарт эмас, балки унинг тарихини йўқотсанг кифоя" деб таъкидлаганлигини билиб олдим.

-Миллий маъсудлик, ўзига бино қўйиш, калондимоғлик қанчалик чиркин бўлса, миллий бадномлик, ўз ўзини менсимаслик, фош этиш ("фошбозлик"), ўз ўтмишига ҳавойи қараш ундан ҳам жирканчроқ эканлигини англадим.

-Ягона тилда фикрлаган инсоният эндиликда олти минг тил ва йирик шевалардан сўзлашадиган бўлганлигини билиб олдим.

-Барча йирик ва кичик халқлар ўзларининг минглаб тилларини бир чеккага йиғиштириб қўйиб, фикрларини бир муштарак инсоний тилда ифода қила бошласалар ...., бунинг таги-туғи хом ҳаёл эканини англадим.

-Инсон табиатан хилма-хилликка мойил эканлигини, ҳар бир миллат ҳар бир тил ўзича такрорланмас ва ўзича шаффаф эканини тушиниб етдим.

-Ҳозир фақат ўтмиш-билан яшайдиган замон эмаслигини, бугун кечаги кун билан эмас, балки эртамиз билан яшамоғимиз даркорлигини тушундим.

-Ўзбекистонда Ч.Айтматов асарларининг бунчалик мукамал, ҳолисона таҳлилини бошқа учратмадим. Билдимки: Ч.Айтматовнинг кучи, усталиги Қозонгап билан

Бўронли бекатларини бутун қозоқ элининг, қолаверса мамлакат ва дунё воқеаларининг қоқ марказига айлантира олишида: Икки қаҳрамоннинг йўлини – жаҳон ( фронт), Қозоғистон, Ўзбекистон, Орол қадар, буёғи – ҳатто фазо (космос) билан бевосита ё билвосита боғлаб, улаб юборишда эканини тушиндим.

-...Худди Сиз айтгандек, ўзимча ўтмишимдан ва ҳозирги ҳаётимдан, теварак атрофдан, янги манқуртларни кашф қилдим.

- Чингиз Айтматов ва унинг асари ҳақида гапира туриб, ўқувчига сездирмай, билдирмай асар таржимаси таҳлилига ўтиб кетганингизга қойил қолдим: Акбара ва Тошчайнар - афъюнгарлар тўдаси Иисус Христос ҳамда Понтий Пилат – авдий Коллистратов билан ҳазрат Дмитрий, Бўстон Уркунчиев ва унинг атрофдаги бир гала одамларнинг бир бири билан қандай алоқаси бор? Бу саволга Сизнинг жавобингизни ўқиб кўзим ярқ этиб очилди. Тасанно: Мен "асардаги воқеалар бир бирига боғланмаган, шунинг учун "Қиёмат" романини ўқимадим" деган зиелиларни учратган эдим. Таҳлилингизда уларга ҳам яхшигина жавоб айтиб қўйибсиз.

- Москвада, Останкино телестудиясида Ч. Айтматов ўз ўқувчилари билан бўлган учрашувда берган жавобларини эсланг:

-Савол: Сизни дин ҳомийси, илоҳиётчи ёки янги дин изловчи, жамиятдаги камчиликларни рўйи – рост очиб ташлайдиган киши, танқидчи деб айблашларидан чўчимайсизми ?

-Чингиз Айтматов: Мен энди қўрқадиган ешда эмасман.

-Савол: Сизга бугунги учрашув нима берди?

Чингиз Айтматов: ўқувчимнинг маънавий савияси ва унинг билим даражасини билиб олдим.

Афсус, ҳали Чингиз Айтматовни ўқиб дарров тушиниб етадиган ўқувчилар кўп эмас . Чингиз Айтматовни тушинишга ёрдам берадиган Ғайбулла ас - Саломлар ҳозирги кунда жамиятимиз учун жуда зарур.

Асар ва унинг таржимаси таҳлилини ўқиб нега Домланинг айрим шогирдлари" бу жумла оригиналда ундай, таржимада бундай"дан у ёққа ўтолмасликларига ачиндим.

Бадиий асар ва унинг таржима таҳлили шунчалик чиройли бўлишини кўриб ҳайрон қолдим. Бунинг учун албатта, ўзингиз айтмоқчи катта журъат, тажриба, маҳорат, бадиий тафаккур кераклигига иқрор бўлдим.

"Қиёмат" да тасвирланган барча воқеликлар фожеа билан тугайди. Бунинг сабабини Сизнинг таҳлилингиз орқали билиб олдим. Раҳмат, Домлажон! Чингиз Айтматов ўзининг деярли ижобий қаҳрамонларини фожеага гирифтор бўлган ҳолда кўради. Сабаби, хаётнинг ўзи қанчалик пурзиё бўлса, шунчалик шавқатсиз. У ҳеч кимни сийламайди. Инсонлар боғида қиёмат кўпмаслиги зарур. Соф ниятли кишилар бирлашиши зарур. Чунки қиёмат осмондан еғилмайди, уни одамларнинг ўзлари "ясайдилар". Уни даф этувчи куч, тафаккур ва идрок одамларда эканлигини билдириб, эслатиб, кишиларни огоҳлантиради буюк адиб. Буни ҳамма ўқувчи ҳам тушуниб етавермайди. Яна бир зўр гап айтибсиз, Домлажон: Одоб ва маънавият шуни тақозо этадики, езувчининг ўз нияти, иродаси, зътиқодини инкор этишдан олдин, уни тинглашга, ўқишга, тушунишга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ.

Мен Сиз ҳақингизда ўзингиздан ошириб айтолмайман. Домлажон, Сизнинг услубингизда тасвирланган воқеликларнинг табиати, кўпинча, оддий, жун нарсалар талқинидан ҳам катта фалсафа ва ҳикмат, таржима назарясига оид фикр унади.

Жумладан, ... "талқин ва таржима бир – бирига қанчалик мувофиқ бўлса, ҳудди шу мослик чегарасидан бошлаб бир-бирларидан муайян даражада фарқ қилади; асл таржима аслиятнинг ўрнини босиши эмас, балки унга йўл очиши, „унга ҳавас уйғотиши“ керак;

Аслиятнинг чин маъноси таржимада очилади: аслият таржимани тақозо этади, таржима эса аслиятни тўлдиради, бойитади ва маълум маънода уни давом эттиради.

Таржимон муалифнинг ғуломи эмас, балки ўз номи билан - ижодкор!

Таржима нусха кўчириш эмас, балки қайта яратиш саънатидир. Фалсафани омманинг савияси даражасига кўтармоқ даркор: Таржимада сўзни сўз билан эмас, балки маънони маъно билан бериш муҳим"

Назарий қимматга эга бўлган бундай жумлаларингизни келтираверсам, Думлажон, китобингизни ярмини кўчириб қўядиганга ўхшайман.

„Мен сув ичган дарёлар“ни довом этиришга ҳозирданоқ киришаверсаммикан? - дебсиз, „албатта“, деймиз биз ҳам.

Сиз турли мажлисларда асабингизни бузиб, жон куйдириб юрганингиздан кўра бир саҳифани қораласангиз биз каби шогирдларингизга, жамиятга, келажак авлодга фойдалироқ бўлган бўлар эди.

Сизга сиҳат-саломатлик, сабр тоқат, узоқ умр тилаб Наманганлик шогирдларингиздан бири САИДУМАР САЙДАЛИ ўғли.

Ғайбулла ас—Салом асарлари:

- Толибнома
- Мен сув ичган дарёлар
- Армон
- Халоллик бозорда сотилмайди
- Жаҳонгашта Бобирнома
- Таржима назариясига кириш
- Таржима назарияси асослари
- Тил ва таржима
- Эй умри Азиз
- Эзгуликка чоғлан одамзод

## ТАЖРИБАЛАРНИНГ ТАЖРИБАЛИ ТАШАББУСКОРИ

Ҳаёт бу бир саҳна бўлиб, ҳар бир шахс унда маълум рол ўйнайди. Кишининг ҳаёти, фаолияти, бажарган ҳар бир иши тажрибадир. Ундан тегишли хулоса чиқара олса, бу шахс маънан ўсиб, юксалиб боради, тажрибаси ортади.

Одатда тажриба деганда қуйидагилар тушунилади:

1. Амалиётда, ҳаётда ўзлаштирилган, орттирилган билимлар, малакалар, уқувлар мажмуи;

2. Дунёни ўзгартиришга қаратилган ижтимоий практиканинг киши онгидаги инъикоси;

3. Бирор ҳодисани ўрганиш, тадқиқ қилиш, аниқлаш мақсадида сунъий шароитда ўтказиладиган синов.

Университетга янги ректор тайинланди. Жамоада у

ҳақда яхши гаплар тарқалди. Уни биладиганлар бошлиқни содда, ростгўй, тўғрисиўз, медали тўқ, русча тарбия олган, самимий, зиелий инсон, ҳақиқий олим деб таърифлашди. Раҳбарга берилган баҳо жамоадаги меҳнат ва бошқарув фаолияти жараёнида кундан кунга ўз тасдиғини топиб борди. Бу раҳбарлик тажрибаси эди.

Ректорат қабулхонасида ўтирибман. Бу орада ректор қандайдир юмушлар билан бир неча бор ташқарига чиқиб келди ва мен билан қўл бериб сўрашиб ҳам ўтди. Бир соатча кутганимдан сўнг унинг ҳузурига кириб, ўзимни таништирдим. Раҳбар жуда банд эканлигини ва ҳозир қабул қила олмаслигини айтди. Мен норози оҳангда, бир соатдан ортиқ кутганимнинг гувоҳи эканлигини, кутмаслик ҳақида мени огоҳлантирмаганлигини айтдим. Шунда у, "Қани ўтирингчи", деди норози оҳангда.

Мен у пайтда НамДУ қошидаги Вилоят Тил ўргатиш маркази директори эдим. Марказда юздан ортиқ тингловчи инглиз тилини ўрганар, уларга ўзимизнинг муаллимларимиздан ташқари АҚШдан келган олти нафар кўнгилчилар ҳам дарс берарди. Кўнгилчиларни уй-жой билан таъминлаш, шароитидан ҳабар олиб туриш, турли тадбирларга олиб бориш, учрашувлар уюштириш, уларнинг талабларини қондириш, хуллас норози қилмаслик, асосан менинг зиммамда бўлиб, буларнинг ҳаммаси мендан вақт, ғайрат, масъулият ва сабр-бардош талаб қиларди.

Устига устак Тил Маркази ўзини ўзи молиявий жиҳатдан таъминлаши лозим бўлганлиги учун вазирлик ажратаётган маблағ ҳамма ҳаражотларни тўла қоплай олмаётган эди. Буларнинг ҳаммасини тинглаш, муносабат билдириш ва маълум чора кўриш иши бошидан ошиб етган янги бошлиқ учун ортиқча ташвиш эди. Шунинг учун у менинг ахборотимни истар-истамас тинглади ва "Нима деб маслаҳат беришни ҳам билмадим," деб суҳбатга яқун ясади. Мен ректор ҳузуридан торвузим қўлтиғимдан тушиб чиқдим.

Тил Маркази ходимлари билан маслаҳатлашган ҳолда келгуси ойдан тингловчилардан олинадиган ўқиш ҳақини ўн фойизга оширишга қарор қилдик. Ректор бу орада Тил ўргатиш марказлари республикада президент фармони



билан ташкил қилинганлиги, фармоннинг ижроси ҳукумат назоратида эканлиги, инглиз тилини ўргатиш учун чет элликлар вазирлик тақлифи билан келганликлари, улар учун шарт-шароит яратиш расмий талаб қилинаётганлиги, тил марказида ўқиш истагини билдирувчилар сони ортиб бораётганлигидан бохабар бўлиб, тил ўргатиш маркази иши билан махсус қизиқиб турди, чет эллик ўқитувчиларга ҳам алоҳида эътибор бера бошлади ва менинг фаолиятимни ҳам ўрганди. Бу синов-тажриба бўлди.

Бу орада бизнинг ректор билан муносабатимиз ҳам фақат раҳбар ва ҳодим эмас, балки самимий ва дўстона тус ола бошлади.

Одатда ташкилотга янги раҳбар келганда унга яқин бўлиб олишни истовчилар ҳам кўп бўлади. Улар бунга турли йўллар билан эришадилар. Албатта, уларнинг нияти остида маълум манфаат ётади. Шунинг учун раҳбар, агар ўзи ҳам манфаатдорликка мойил бўлмаса, улардан тезроқ ҳафсаласи пир бўлади ва узоқлашишга ҳаракат қилади. Маълум тоифа ҳодимлар ўз ишларини билиб қилаверадилар. Улар бошлиқлар учун эмас, ўз вазифалари тақозо қилганлиги учун ҳам ишларини талаб даражасида бажарадилар. Бундайлар раҳбарлардан узоқроқ юрадилар. Улар учун раҳбарнинг фикри эмас, балки виждон амри ва жамоа аъзоларининг фикрлари муҳимроқ рол ўйнайди.

Кунларнинг бирида, (унда домла жамоани анча ўрганиб раҳбарлик тажрибаси анча ўртган, кимнинг ким эканлигидан бохабар эди) мен раҳбар ҳузурига кирдим. Масалани баён қилиб бўлиб, унинг ечими топилгандан сўнг домланинг кайфияти яхшилигини кўриб:

–“Бир масалада фикр билдиришга анчадан бери шайланаман-ку, лекин раҳбарлигингизни ҳисобга олиб айтишга ботина олмаяпман”,– дедим.

–“Айтинг, бемалол айтаверинг, мен ҳафа бўлмайман”,– деди ректор.

Мен иккиланиб сўз бошладим.

–“Сиз катта олим, амалдорсиз, очиқкўнгил самимий инсонсиз, ўткир психологсиз. Мени кечирасизку, раҳбар сифатида одамларни қабул қилишни, уларни тинглашни билмайсиз. Сизнинг қабулингизга кирган кишининг бир оғиз

сўзидан унинг нима мақсадда келганини дарҳол билиб оласиз, уни охиригача сўзлашга, фикрини яқунлашга қўймайсиз, натижада у совимасдан, фикрини охиригача баён қилмасдан туриб унга муносабат билдирасиз.

Иккинчидан, тўғрисўзлигингиз туфайли кўпинча мулоқотни конфликтга олиб бориб қўясиз, сизда дипломатия етишмайди, ёки сиз буни хоҳламайсиз. Айтганларим самимий ва дўстона. Энди жазо қўллашингиз ҳам мумкин”, - дедим.

Домла мени самимий ва ҳеч қандай оғринишсиз тинглади. Бу унинг юз ифодасидан ва овозининг жарангидан билиниб турарди. У ўйга чўмди. Шу дақиқада проректорлардан бири кириб:

- “Домла, бизни кутишяпти, кетдик”,- деди. Мен ўрнимдан туришга шайланган эдим, ректор қўли билан ўтиринг иширасини қилди ва

- “Мен ўн минутдан сўнг етиб бораман”, - деди. Сўнг менга қараб:

- “Кўрдингизми, сизнинг танқидингизни дарҳол амалда тадбиқ этиб, сиз билан суҳбатни яқунлашга қарор қилдим”, - деди.

Домла ҳарактеридаги тўғрилиқ, тўғрисўзлик, ҳақ сўзни айтиш одат тусига кириб қолганлиги у кишининг илмли, талабчан ва қаттиққўл отасининг тарбиясидан эканлигини, мисоллар билан гапириб берди. Ректорнинг ҳикоялари мен учун ҳам ибратли тажриба бўлди.

Домладаги тўғрисўзлик, самимийлик ва соддаликни алоҳида таъкидлашни истардим. Олим НамДУга беш йилдан ортиқ ректорлик қилган бўлса, домла шахси учун амалдорликнинг ташвишларидан бўшаб илмга ажратиладиган вақтнинг етишмаслигидан илмий жиҳатдан йўқотиш бўлган бўлса бордир, лекин одамларни, ҳаётни ўрганиш, мулоқот қилиш, оқ-қорани, яхши-ёмонни ажратиш, раҳбар ва ҳодимлар муносабати масалаларида тажрибалар ўтказиб, жуда катта мактабни ўтади деб ўйлайман.

Менга қабул ҳайъатининг масъул котиби вазифаси ҳам юклатилди. Шу муносабат билан домла билан тез-тез учрашиш, мулоқотда бўлиш, бир неча бор хизмат сафарида ҳам бирга бўлишга тўғри келган. Тест синовларини

ўтказишга тайёргарлик кўрилатган пайтда Домла мени Республика Тест Марказига олиб борди. Бизни Тест Маркази директори самимий кутиб олди ва кабинетига таклиф қилиб республика олий ўқув юртларида тест ўтказиш ишларини ташкил қилиш, натижаларини ишлаб чиқиш, ишончлилиқ ва адолатлилиқни таъминлаш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар ҳақида гапириб берди. Сўнгра марказ директори бизни жавобларни баҳолайдиган машиналар ўрнатилган ва четдан келган одамларни киши мутлақо тақиқланган хоналарни ўз кабинетида туриб қандай кузатишини кўрсатиб берди. Мен Тест Маркази ишининг пухта, махфий ва мукамал ўйлаб ташкил қилинганлигига қойил қолдим.

Кейинги сафар Тест Марказига борганда директор кабинетидан биз турган майдонни кузтаётган эди. Мен салом бериб университетимизда тест синовларини ўтказишга тайёргарлик борасида қилинаётган ишлар ҳақида ахборот бермоқчи бўлдим. Директор менга "Вақт йўқ", деган гапи билан малол келадиган даражада муомалада бўлди. Мен ҳафсалам пир бўлиб ўйга чўмдим. Нега у аввалги сафар бизни жуда самимийлик билан кутиб олиб, кўп нарсалар ҳақида ҳикоя қилиб берди-ю, энди мени тинглашни ҳам истамади? Шунда мен тушуниб қолдимки, директор ҳар ким билан ҳам гаплашавермас экан. Аввалги сафар мен ректорнинг қанотида, унга бўлган ҳурмат ва ишонч баҳонасида қабулда бўлган эканман. Энди директор ўзини эҳтиёт қилди.

Қабул ҳайъати ишининг мураккаблиги, чалкашлиги ва меъёрсизлигини унда ишлаб кўрган одам билади. Баъзан шундай ҳолатлар ҳам бўладики, ҳамма нарсдан воз кечгинг келади. Қийин кунларнинг бирида мен домлага савол бердим. "Домла, қабул ҳайъатида ишлайётган кишиларга, улар қанчалиқ ҳалоллик билан ишласалар ҳам, Тест Маркази ҳам, аҳоли ҳам ишонмас экан. Воқеалар ва муносабатлар шуни кўрсатапти. Айтингчи, унда биз нима учун ва ким учун ишляпмиз?" Домла ўйланиб қолди. "Жавобни ўзим топдим. Биз Оллоҳ йўлида ишляпмиз. Ўз виждонимиз олдида уялмаймиз", - дедим. "Жуда тўғри айтасиз. Энг асосийси ўз виждонингиз олдида уялиб

қолмаслик”, - деди домла. Бу сабоқ-тажриба бўлди.

Олим ёзган китоб, мақола ва қўлланмаларни зўр қизиқиш билан мунтазам ўқиб бораман. Домланинг тафаккур журналида эълон қилинган “Америка миллатининг отаси”, “Фан ва дин: муносабат диалектикаси, одамзоднинг пайдо бўлиши” ва бошқа бир қатор мақолаларини ўқиб, ўрганиб, мушоҳада қилиб олимнинг дунёқараш ва фикрлаш диапозонининг кенглиги ва таҳлил мукамаллигига тасонно айтасан киши.

Ёшларнинг ахлоқий тарбияси учун биринчи навбатда оила, иккинчиси мактаб, учинчи жамият масъул. Жамиятда дин энг самарали тарбия воситасидир. У хоҳ оила, хоҳ мактаб ёхуд жамиятда бўлсин, ахлоқий тарбия учун масъул. Ахлоқ диннинг бош ва ягона вазифасидир. Ахлоқ йўқ жойда дин ҳам йўқ. Хулоса шуки, фан давлатнинг иқтисодий-ижтимоий қувватини таъминловчи омил бўлса, дин жамиятнинг ахлоқий ва руҳий қудратини таъминлайди. Улар бир-бирини тўлдирувчи ижтимоий онгнинг ажралмас қисмидир. Мақола муаллифининг бундай хулосаси 70 йил давомида атеистик руҳ билан суғорилган жамият ва унинг аъзолари учун мутлақо кутилмаган, лекин ҳаёт унинг чин ва адолатли эканлигини тасдиқловчи ҳукм, хулоса эканлигини тан олиш лозим.

Устознинг 2007 йилда “Шарқ” нашретида чоп этилган “Тажрибалар” номли китоби билан танишиб, француз файласуфи Монтеннинг “Опыты” номли китоби кўз олдимга келди. Нозиктаъб ва серқирра ижод соҳибининг китобига наср, назм, драма асарлари, адабий ўй хотиралари киритилган бўлиб, улар ўзига хос изланишлар маҳсули эканлигини кўриш мумкин. Асарда муаллиф «Мен кимман? Нима учун яралганман? Яшашнинг маъноси нима?» деган саволларга хилма-хил вазиятлар, тарихий шахслар ва оддий инсонлар ҳаётдан олинган лавҳалар орқали китобхон диққатини тортишга ҳаракат килади. Китобнинг тажрибалар деб номланиши ҳам диққатга сазовор. Бу ном кишини дархол ўзига тортади.

“Мутаала тажрибаси” сарлавҳасини ўрганиб, ўзим учун қуйидаги фикрларни ёзиб олдим.

-Китобсиз тарбияланган онг ибтидоий даражада қолиб

кетади.

-Китоб - ақлий кашфиёт маҳсули, руҳият сабоғидир.

-Китобсиз одам комил эмас, дин дин эмас.

-Китоб - тилсим, у шунчаки ахборот йиғиндиси эмас, балки аввало руҳий информация ташувчи воситадир.

-Китоб ўқиш жараёни илоҳиёна хусусият касб этади.

-Китоб - тафаккур озиғидир.

-Ўқувчиларга ўқиганини ўргатадиган ўқитувчи - чин мураббий эмас, ўқишни ўргатадиган ўқитувчи чин мураббийдир.

-Саводхонлик ҳар хил бўлиши маълум. Саводсизлик ҳам шундай: алифбе ўқимаган - оддий саводсиз,

она тили дарслигини ўқимаган - саводсиз саводсиз, "Қуръон" ўқимаган - оми, бадиий асар ўқимаган - маданий саводсиз. Конституцияни ўқимаган - ҳуқуқий саводсиз ва ҳ.к.

-Кўриб ўрганиш кишини тақлидга мойил этади, ўқиб ўрганиш эса - ижодга. Ўқиб ўрганиш ва кўриб ўрганиш бир-бирини тўлдирганда энг яхши самара беради.

-Китобнинг ўрнини ҳеч нарса босган эмас, босолмайди ҳам.

-Кўп китоб ўқиган одамда китобни бир-икки варақлагандаёқ унинг қимматини баҳолаш хусусияти пайдо бўлди.

-Ўзини зиёли санайдиган одам (дипломли эмас) китоб ўқиб туриши керак.

Ҳаётни биз тажриба дедик. Физика-математика фанлари доктори, профессор Абдулла Аъзамовнинг ҳаёти келажакда ҳам тажрибаларга бой бўлишини ва олим ҳамиша тажрибаларнинг ташаббускори сифатида оиласи, фарзандлари, тажрибалар ўтказган жамоалар вакилларининг ардоғида бўлиб қолишини Оллоҳдан сўраймиз. Ушбу фикрларни қоғозга тушириш биз учун бир тажриба бўлди.

## ЯРИМ АСР ҲАМНАФАС

Аёл ҳақида, айниқса, ўзининг аёлинг ҳақида езиш мушкул эканлигини қўлимга қалам олганда билдим. Ишонмасангиз ўзингиз ёзиб кўринг.

Мен аёл деганда, биринчи навбатда, онани, сингилни, кизни, рафиқани кўз олдимга келтираман. Талабалар билан мулоқотда бўлганимда улар ҳамини кўз ўнгимда туради. Шунинг учун ҳам эҳтиёт бўлиб, бутун масъулиятни ҳис қилган холда муомала қиламан, хурматини жойига қўяман.

Бугун мен ярим асрдан бери бирга яшаётган Аелим ҳақида ёзмоқчиман. Мақтов ҳаммага ёқади. Дуненинг ҳар жойларида турли кишилар билан учрашиб, ҳеч қачон мақтовга кура танқид қилинганда яхшироқ натижага эришилганини учратмаганман. Лекин ўз рафиқаларини мақтаб ёзган эрлар ҳақида нима дейишларини билмайман. Ўқиганим бор, севимли ёзувчимиз Абдулла Қаххорга Кибриё хоним, Сиз ҳам бошқаларга ўхшаб менинг ижобий томонла-римни бир мақтасангизку, деганида, кишилар бозорга олиб чиқиб сотадиган молини мақтайдди, мен Сизни бозорда сотмоқчи эмасман, деган жавобни олган экан. Ота ўғлига, аёл кишини кафтингда кўтариб юр, лекин бошингга чиқариб олма, деб қилган насиҳатини эшитганман.

Худо аёлни эркакнинг бошидан ҳам, оёғидан ҳам яратмаган, балки ҳамроҳ, ҳамфикр бўлсин деб юракка яқин қовурғасидан яратган.

Бешинчи синфда ўқиб юрган пайтимда тарихчи синф раҳба-римизнинг рафиқасини кўриб қолиб, нега шундай баланд бўйли домламиз ўзи билан бўйи тенг аёлга уйланмаган, нега домланинг хотини кичкина деган саволга жавоб тополмай бир неча йил қийналиб юрганман. Бу саволни бошқаларга беришга ийманиб юрганимни эслаб кулиб қўяман. Энди менинг ўқувчиларимни ҳам шундай савол қийнамаяптимики дейману, унга жавоб топгандек бўла-ман. Оллоҳнинг иродаси, тақдири азал ва суюкли набираларини еру кўкка ишонмайдиган Ача ва Опподдаларнинг "фарзандимизнинг бахти тўқис бўлсин, ўзига ўхшаган, уни қадрлайдиган, эҳтиётлаб олиб юрадиган куёв учрасин, илоҳим бизга ўхшаб бир бирини тушуниб, қўллаб яшасин" деб қилган дуолари туфайли шундай бўлган.

Биз Рафиқам билан 1966 йилда биринчи бор кўришганмиз. Институтга кириш имтиҳонларига тайёргарлик учун консультацияга бир автобусда келганимиз, унинг

автобусдан барча йўловчилар тушиб бўлгунча йўл бериб тургани, мен билан бирга келган онамга ана шу қиз ҳам биз билан бирга ўқишга кираяпти, деганим, онамнинг жуда одобли қиз экан, нега аввалроқ айтмадинг, мен суҳбатлашиб келган бўлардим, деганлари ҳамон ёдимда. Ушанда онамнинг қўнғилларидан ўтган орзуга фаришталар омин деган экан. Талабаларнинг "Сизлар қандай танишгансизлар?" деган саволига жавоб тарзида юқоридаги воқеани айтиб берсам, шаддот қизлардан бири:

-Домла, Сизни ушанда онангиз етаклаб юрган эканлар-а? - деб луқма ташлаган эди.

Мен, -ҳа, энди Ояларинг етаклаб юрибдилар, - деб ҳазиллашишдан чўчимадим. Биргалиқда турмуш қуриш узоқ қийинчилик ва синовлардан сўнг насиб этди. Бунинг учун Оллоҳга минг бора шукроналар келтираман.

Биз бир гуруҳда ўн тўрт нафар қиз ва шунча йигитлар бирга таҳсил олдик. Гуруҳимиздаги ўн нафар йигит қиз бири-бири билан турмуш қурган. Олий ўқув юрти тарихида ҳали бундай гуруҳ бошқа бўлмаган. Бизнинг никоҳ тўйимиз 1971 йилнинг учинчи апрел куни бўлди. Давлат имтиҳонларини ёш келин-куёв бўлиб топширдик. Институтни имтиезли диплом билан битирганимиз, хулқимиз ва ахлоқ-одобимиз талаб даражасида бўлганлиги учун бўлса керак бизни немис тили кафедрасида ўқитувчи қилиб олиб қолишди. Эрматов домланинг айтишларича, бу масалани у киши ҳал қилган эканлар.

Бу орада мен бир йил ҳарбий хизматда бўлдим, аёлим ўзига гард юқтирмай ишлаб юрди. Қўшнилариинг айтишича, унинг юриш-туришини ҳавас қилиб совчилар ҳам келган экан.

1974 йили биргалиқда Иркутск давлат чет тиллар педагогика институтида тўрт ойлик малака ошириш курсида бўлдик.

1976-81 йиллар давомида мен Москва давлат чет тиллар педагогика институтида илмий тадқиқотчи ва аспирант бўлдим. Рафиқам икки фарзандимизни ва ишини удалаб менинг илмий ишимни муваффақият билан яқунлашимга шароит яратиб берди. Мана ҳозиргача бир жамоада бирга ишляпмиз.

Бу давр ичида уч нафар фарзандли ва олти набирали бўлдик. Катта қизимиз врач, ўғлимиз божхона ходими, кенжа қизимиз инглиз тили муаллимаси. Қарабсизки, дўппи бир айлангунча, олтмиш ёшга кириб қолибмиз. Иккимиз ҳам нафақага чиқдик. Лекин ҳали ишлаш ниятимиз катта, чунки касбимизни севамиз, ҳаётимизнинг энг мароқли мазмуни талабалар билан ишлаш.

Биз кўплаб яхши-ёмон, ёқимли-ёқимсиз, кутилган-кутилмаган, қувончли-ташвишли, ибратли, қийин, синовли кунларни кўрдик. Қувончли ва муваффақиятли кунларда ташвишли кунларни унутмасликка ҳаракат қилдик. Ташвишли кунларда ўзимизни йўқотиб қўймадик, бир-биримизга далда бўлдик. Уйдан уйга кучиб юриб, уйли бўлдик, дўстлар орттирдик, ишхонада қадр топдик, тўйлар қилдик.

Баъзан сўрайдиларки, домла Сизларнинг оилаларингда ҳам майда-чуйда келишмовчилик ва жанжаллар бўлиб турадими? Мен, бизнинг уйда бундай келишмовчиликлар мутлақо бўлмайди, чунки Ояларинг менинг оғиз очишимга ҳам йўл қўймайди, дейман. Бундан ташқари мен оилада Эркин Воҳидовнинг насиҳатига қатъий амал қиламан. Мана у насиҳат:

Шунча йил яшаган бўлсак ҳам биз ёшмиз, ёшликнинг бир сири аҳиллик, иккинчи сири тоза ҳавода сайр. Биримизнинг жаҳ-лимиз чиққанда иккинчимиз тоза ҳавога чиқамиз ва сайр қиламиз, қанча кўп сайр қилсангиз шунча соғлом бўласиз ва узоқ яшайсиз. Эркакнинг кўпроқ соф ҳаводан нафас олгани маъқул.

Германиянинг “Шпигель” журнали ўқувчиларига “Қандай эркакни идеал эр дейиш мумкин” деган савол билан мурожаат қилиб, энг зўр жавоб учун танлов эълон қилганида, “Ўз рафиқасини идеал аёл деб ҳисоблайдиган эркак идеал эрдир” деган жавобни ёзган журналхон биринчи мукофотни олган экан. Мен ҳам ушбу жавобга юз фоиз қўшиламан.

Рафиқам содда инсон. Соддаликни Бобомиз Турғунбой опод-дадан ўзлаштирган. Қарангки Тарих фанидан бўлган кириш имтиҳонидан аъло баҳо олиб чиққан ўн етти ёшли қизча мукофот тарзида олиб берилган музқаймоқни бир



қўлида ушлаб иккинчи қўли билан севимли оподдасининг қўлидан тутиб уйга қараб жунаб қолган. Шу соддалик ханузгача сақланиб қолган. Мен бундан баъзан фойдаланаман ва миннатдорман.

У ўта масъулиятли ва кўнгилчан. Кунлардан бир кун бироз тоби қочиб қолди. Дарсини мен ўтиб қўйишимни айтдим. Шундай бўлса ҳам кафедра мудиримизга айтиб огоҳлантириб қўйинг, деб илтимос қилаверди. Ахир мен факультет декани бўлсам, бунинг устига дарсни ўзим ўтаман деб ваъда бераётган бўлсам, нега бунчалик ташвиш қиласиз, деган гапга, ахир бошлиқнинг хурмати бор-ку, бунинг устига биз кўп йиллик қадрдонмиз, уят бўлади, деб мени кўндирганди.

У самимий ва ишонувчан. Маҳаллада ва қариндош уруғлар билан чин дилдан борди-келди қилади, ҳаммаларининг хурматини жойига қўяди. Қувончларини кўриб қувонади, ташвишларини эшитиб ташвиш чекади, баъзида кичик масалага ҳам ўта жиддий қараш билан атрофдагиларни ҳам “қийнаб юборади”.

У кўзи тўқ инсон. Бориға барака берсин, деган шиор билан яшайди. Мобода оила аъзоларидан борортамизда ҳисобдан ташқари бирор нарса бўлиб қолса аниғини билмагунча тинчимайди. Фарзандларга: Тўғри бўлинглар хотиржам бўласизлар, мақтанманглар хижолат бўлмайсизлар, дангаса бўлманглар қамбағал бўлмайсизлар, ўзгаларнинг қўлидан ишини олинглар, ҳамиша беғараз ёрдам беринглар, деб насиҳат қилади. Бу масалада ҳаммамизга ўрнак бўлишга интилади. Баъзан, ёш бўлсанглар ҳам, бошқаларга бош бўласизлар, шунга лойиқ бўлмасанглар уят бўлади, деб танбеҳ ҳам бериб қўяди.

Гулни ва тозалиқни севади. Бизни ҳам шунга ундайди. Ҳамма нарсанинг ва ҳар кимнинг ўз ўрни, вазифаси бўлиши керак, агар шунга амал қилинса, оилада тартиб бўлади, деб ҳисоблайди.

Мен ўзимни анча содда, қўпол, пала-партиш, пўк сўзлаб қўядиган, муомалани ўрнига қўйишни билмайдиган, гапнинг лўндасини айтиб қўядиган, хуллас сирка сўраш учун салқа кераклигини билмайдиган тўпори йигит бўлган эдим, десам тўғри гапни айтган бўламан. Агар мен ҳозирга келиб

юқоридаги “ҳислатлардан” қанчалик узоқлашган бўлсам, турмуш ўртоғимнинг шунчалик хизмати борлигини эътироф этаман. Ҳозир ҳам гоҳида танбеҳ эшитиб тури-шимдан ҳали юз фоиз яхшиланиб кетмаганлигимни билиб қоламан. Рафиқам ҳам барча аёллар каби мени зўр, қиличдек кескир, тоғни урса талқон қиладиган забардаст, ҳамма менга қулоқ солгани ҳолда, менинг унга бўйин синишимни истайди.

У ҳаммамизни ҳавас билан, интилиб яшашга даъват қилади. Яхшиларга тақлид қилиб, улардан ўрганишни, номаъқулдан сақланиш лозимлигини уқтиради. Меҳмон кутишни ёқтиради. Мактуб ёзишни ёқтирмайди, лекин уларни жон-жон деб ўқийди.

Ҳаммага ширин муомала қилишга интилади. Айниқса наби-ралар ва маҳалланинг болаларига яхши гапиради. Набиралардан нега Ачани яхши кўрасан, деб сўралса, улар, Ачам “айланай”, “ўргилай”, деб гапирадилар, шунинг учун яхши кўрамиз, деб жавоб қиладилар.

Сўзлаганда мақол қўшиб гапиришни ўрнига кўяди. Унинг шунчалик кўп мақол билишига лол қоламан. Баъзан айтилган мақолларни ҳеч эшитмаган бўламан. У моҳир ва ғайратли китобхон. Эртақ ва дostonларни кўп ўқиган. Айрим дoston ва А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” ҳамда Бруно Апицнинг немис тилидаги “Қашқирлар чангалида яланғоч” романларини деярли ёддан билади.

У меҳрибон ва мулоҳазали. Нафақага чиққанда биринчи нафақа пулини онамни даволатишга сарф қилди. Шунда онам кўзларида шашқатор еш билан уни дуо қилганларини бир кўз олдингизга келтиринг. Шу билан у ўзига нисбатан меҳрни, барчанинг меҳрини янада орттирди. Ҳозир ҳам бир ҳафта бўлиши билан мен қариндошларни соғиндим, бугун кўриб келайлик, деб мени қистаб туради.

Кўпинча сўраб қолишади, бирга ўқигансизлар, ишлагансизлар, кечаю-кундуз биргасизлар, бир-бирларингдан зериксайсизларми? Мен, яна узоқ йиллар бирга ҳамнафас бўлишни Оллоҳдан сўрайман, деган жавобни айтаман.

## МУНДАРИЖА

|  |    |
|--|----|
| "Устозларим, сафдошларим" ҳақида бир оғиз сўз.....         | 3  |
| Муқаддима.....   | 5  |
| Ўқинг, ўрганинг, кам бўлмайсиз.....                        | 8  |
| Бошқаларга ҳавас қилинг.....                               | 9  |
| Биринчи мақола.....  | 9  |
| Москва. Биринчи учрашув.....                               | 10 |
| Стажировка.....  | 11 |
| Дача.....  | 12 |
| Электрпоезддаги консультация.....                          | 13 |
| "Внук"ми ёки "внучка".....                                 | 14 |
| Муваффақиятта элтувчи муваффақиятсизлик.....               | 15 |
| "Экзамен сдал".....  | 17 |
| Тақриз.....  | 19 |
| Изоҳ.....  | 21 |
| Улуғлар аввало орамизда.....                               | 22 |
| Эътироф.....   | 30 |
| Шогирдлари билан фахрланадиган устоз.....                  | 32 |
| Шогирдлар эътирофи.....                                    | 37 |
| Мустақиллигимиз тарихчиси.....                             | 44 |
| Ота насиҳатини муқаддас билган фузало.....                 | 51 |
| Отаси "режали ўғлим" деган педагог-олим.....               | 53 |
| Соғинч.....  | 59 |
| Муаллиму-, олиму -, устозу одил.....                       | 63 |
| Файласоф устоз.....  | 66 |
| Ноанъанавий олим муаллим.....                              | 70 |
| Ота дуосини олган домла.....                               | 74 |
| Санкт Петербург физика мактабининг наманганлик вакили..... | 78 |
| Илм олишга чорловчи буюк аллома.....                       | 85 |

|   |     |
|---|-----|
| Жамоа манфаатини юксак билган онахон олима.....         | 88  |
| Олима аёллар сардори.....                               | 90  |
| "Қаҳрамон" отанинг умидли жонкуяр қизи.....             | 92  |
| Олий таълим фидойиси.....                               | 98  |
| Ёркатайлик географ олим.....                            | 102 |
| Буюклиги камтарлигига яширинган олим.....               | 103 |
| Ўз бахтини меҳнатдан топган педагог-олим.....           | 105 |
| Алломаи замон.....                                      | 109 |
| Элим деб, юртим деб ёниб яшетган инсон.....             | 111 |
| Инглиз тилининг қўнимли ва қўнимли "Ориф Баҳодир"и..... | 114 |
| Ҳикмат излаган мураббий.....                            | 116 |
| Табассум тарқатувчи математик шоир.....                 | 119 |
| Сухбати соз устоз.....                                  | 122 |
| Ғайбулла ас-Саломга мактуб.....                         | 124 |
| Тажрибаларнинг тажрибали ташаббускори.....              | 134 |
| Ярим аср ҳамнафас.....                                  | 140 |

**Сайдалиев Саидумар**

**НамДУнинг 75 йиллигига бағишланади**

# **УСТОЗЛАРИМ, САФДОШЛАРИМ**

**Масъул муҳаррир:** доц. Қодиржон Носиров

**Тақризчилар:** доц. Уктамали Нурматов  
доц. Зоҳиджон Содиқов

Босишга рухсат этилди «\_\_\_». \_\_\_. 2017 йил. Бичими 84x108

Офсет босма. Шартли босма табағи 9,25.

Ададби 100 нусха.

